

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Кўлёзма хукуқида
УДК: 371.3**

УБАЙДУЛЛАЕВ НОРМУҲАММАД ХАСАНОВИЧ

**ЎҚУВ ТАҲЛИЛИДА АВТОБИОГРАФИК БИТИКЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек адабиёти)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илемий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илемий раҳбар: И.К.Мирзаев,
филология фанлари доктори, профессор**

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. АВТОБИОГРАФИК АСАРЛАРГА ХОС НАЗАРИЙ	
ХУСУСИЯТЛАР	13
1.1.§.Автобиографик асарларнинг генетик илдизлари ва ўзига хос белгилари	13
1.2.§.Автобиографик асарда ижодкор шахс қиёфасини тасвирлаш тамойиллари	27
Боб бўйича хулосалар	37
II БОБ. МУМТОЗ АДАБИЁТ НАМУНАЛАРИНИ ЎРГАНИШДА	
БИОГРАФИК БИТИКЛАРНИНГ ЎРНИ.....	39
2.1.§. Мумтоз асарларнинг ўқув таҳлилида тазкиралардан фойдаланиш йўллари	39
2.2. §. Мумтоз асарларни таҳлил қилишда ҳасби ҳолнинг аҳамияти.....	55
Боб бўйича хулосалар	69
III БОБ. ЗАМОНАВИЙ АДАБИЁТ НАМУНАЛАРИНИ ЎҚИТИШДА	
АВТОБИОГРАФИК ВА БИОГРАФИК АСАРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	70
3.1.§.Автобиографик ва биографик асарлар – замонавий адабиёт намуналарини ўргатиш воситаси	70
3.2.§.Ўқув таҳлилида автобиографик битиклардан фойдаланиш бўйича тажриба-синов ишларининг мазмуни	97
3.3.§. Олиб борилган тажриба-синов ишлари натижалари таҳлили.....	114
Боб бўйича хулосалар	122
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.....	124
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	127

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати. Жаҳонда илм-фан ва иқтисодиётнинг янада тараққий этиши учун мустақил фикрлайдиган, рақобатбардош, ижодий тафаккур соҳиби бўлган замонавий кадрлар эҳтиёжининг ортиб бориши таълим соҳаси олдига янгидан-янги вазифаларни қўймоқда. Бу эса ўз навбатида, таълим соҳасини модернизация қилиш, бугунги кун талабларига тўла мос келадиган кадрларни етиштириш, дунё стандартларига жавоб берадиган педагогик технологияларни жорий қилиш ва ривожлантириш, жаҳон адабиётшунослигига мавжуд илғор илмий методологик усуллар асосида адабий шахсият муаммосини ижтимоий фанлар оралигига ўрганиш каби амалий талабларни қўяди.

Дунё педагогикасида бозор талабларига мос кадрларни тайёрлашда илғор методларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш борасида қўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, шахс руҳиятини тарбиялаш ва ижодий фикрлашни камол топтиришга хизмат қиласиган инновацион технологияларнинг кириб келиши ва уларни ўқув жараёнида қўлланилиши дарсларнинг сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилди. Ҳозирги замон дидактикасида ўқитиш услубларини таснифланишига ҳар хил ёндашишлар мавжуд. Бу тизим муайян белгилар асосида тартибга солинади. Илғор педагогик усуллар орқали қилинган ўқув таҳлили ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш назарда тутилади. Шу боис таълим сифатини такомиллиштиришга қаратилган мазкур тадқиқот бугунги кун нуқтаи назаридан долзарблик касб этади.

Кейинги йилларда ўзбек адабиётини ўқитиш жараёнида бадиий асарларни замонавий талаблар асосида таҳлил этиш зарурияти кундан-кунга ортиб бормоқда. Ижодкорнинг шахсий ҳаёти, яшаган муҳити, руҳий-психологик ҳолати, шахсий қизиқишлари, бирор асарнинг ёзилишига туртки бўлган факторлар, ижодкор лабораториясига хос жиҳатларни билиш ва хисобга олиш адабий таълимда жуда катта аҳамиятга эга. “...Яна бир буюк

юртдошимиз Абдулҳамид Чўлпонни олайлик. XX аср бошларидағи миллатимиз тақдирини, унинг бошига тушган фожиаларни, озодлик ва эркинлик қадрини ҳеч ким бу мумтоз шоиримиз каби юксак пардаларда куйлаган эмас”¹. Ижодкор шахси ва ҳаётига доир жиҳатлар унинг ижод маҳсули бўлмиш бадиий асарни тўлиқ англаб етишда муҳим ўрин тутади. Автобиографик асарда ҳужжатлилик, ҳаққонийлик ва холислик етакчи ҳисобланади. Унинг марказида инсон ва унинг ҳаёти туради. Одатда биографик асар қаҳрамони бир қадар машхур шахс ҳисобланади. Ўзбек адабиётшунослигида автобиографик асарларнинг ўзига хос жиҳатлари жуда ҳам чуқур ўрганилган, деб бўлмайди. Айни вақтда узлуксиз адабий таълимнинг турли босқичларида ижодкорларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш улкан маърифий-тарбиявий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Таракқиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ва тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2894-сон “Алишер Навоий номидаги Миллий боғда Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида”ги қарорлари, 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ-576-сон “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонун ва ушбу соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласи. Мазкур мавзууни ўрганиш зарурати ўқув

¹ Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.9.

таҳлилида автобиографик битиклардан фойдаланишда замонавий тадқиқ методлари, фан ютуқларини татбиқ этишни тақозо этади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.“Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион гояларни шакллантириш ва уларни амалга ошириш” йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигига замонавий кўринишдаги автобиографик асарлар XIX асрда Европа пайдо бўлгани ҳақида илмий хуносалар мавжуд. Бундай турдаги асарларнинг жанрий хусусиятлари, илмий-амалий жиҳатлари ва ўқиб-ўрганишнинг аҳамияти ҳақида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Жаҳон ва рус адабиётшунослиги ва педагогикаси тарихида автобиографик асарларни ўрганишда Ирвинг Стоун, Б.В.Томашевский, М.М.Бахтин, Ю.Н.Тынянов, Н.Л.Лейдерман, В.А.Мильчина¹ каби олимларнинг хизматлари катта.

Ўзбек адабиётшунослигига ижодкор шахси, автобиографик характердаги асарларда муаллиф “мен”и ҳамда адабий қаҳрамон алоқадорлиги каби масалаларга бағишлиган бир қатор илмий изланишлар қилинган. М.Қўшжонов, У.Норматов, Н.Каримов, С.Мирвалиев, А.Расулов, Қ.Йўлдошев, Д.Қурунов, Ҳ.Болтабоев, Б.Каримов, У.Жўракулов каби адабиётшуносларнинг илмий ишларида автобиографик характердаги

¹ Томашевский Б.В. Теория литературы. Поэтика. –М.: Аспект Пресс, 1999. –334 с.; Бахтин М.М. Литературно-критические статьи. –М.: Художественная литература, 1986. –543 с.; Фрейденберг О.М. Поэтика сюжета и жанра. – М.:Лабиринт, 1997. –448 с.; Тынянов Ю.Н. Литературная эволюция. –М.: Издательство «Аграф», 2002 –496 с.; Аверинцев С.С. Риторика и истоки европейской литературной традиции. –М.: Языки русской культуры, 1996. –448 с.; Поспелов Г.Н. Вопросы методологии и поэтики. –М.: Изд-во МГУ, 1983. –336 с.; Лейдерман Н.Л. Теория жанра: исследования и разборы. –Екатеринбург: Словесник, 2010. –904 с.; Спивак Р.С. Русская философская лирика: Проблемы типологии жанров. – Красноярск: Издательство Красноярского университета, 1985. –140 с.; Чернец Л.В. Литературные жанры: проблемы типологии и поэтики. –М.: Изд-во Моск. ун-та, 1982. –194 с.; Маркова Т.Н. Авторские жанровые номинации в современной русской прозе как показатель кризиса жанрового сознания //Вопросы литературы. –2011. - №1. –С. 280-290.; Звягина М.Ю. Жанровые трансформации в русской прозе второй половины XX - начала XXI в. –М.: КНОРУС; Астрахань: АГУ, ИД «Астраханский университет», 2016. –292 с.; Мильчина В.А. Автобиография// В кн.:Литературный энциклопедический словарь/ под ред. В.М. Кожевникова, П.А. Николаева. –М.: Сов. энциклопедия, 1987. –С. 12-13.; Пушкирева Н. Л. У истоков женской автобиографии в России // Филологические науки. –2000. - № 3. –С.62-69.; Винокур Г.О. Биография и культура. Русское сценическое произношение. –М.: Русские словари, 1997. –186 с.

асарларнинг жанр хусусиятлари ва ўзига хос белгилари тўғрисида ҳам фикрлар юритилган¹.

Узлуксиз адабий таълим тизимида ўзбек адабиётини ўқитиш жараёнида ёзувчининг ижоди ва ҳаётини ўрганиш ҳақида бир қанча илмий-методик асарлар юзага келди. С.Долимов, Х.Убайдуллаев ва К.Аҳмедовнинг “Адабиёт ўқитиш методикаси”, А.Зуннуновнинг “Юқори синфларда Ғафур Гулом ҳаёти ва ижодини ўрганиш”, К.Жўраевнинг “Мактабда Ойбек ҳаёти ва ижодини ўрганиш”, С.Исматовнинг “Мактабда Абдулла Қаҳхорнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш”, Р.Усмоновнинг “Юқори синфларда ёзувчи биографиясини ўрганиш”, Ж.Усмоновнинг “Мактабда Фурқат ҳаёти ва ижодини ўрганиш” каби методик қўлланмалари шулар жумласига киради. Методист олим Жўра Раҳимовнинг “Адабиёт дарсларида ёзувчи шахсини ўрганиш” китобида: “Ўқувчиларнинг билимини чуқурлаштириш, уларнинг ижтимоий онгини оширишда адабиёт дарсларида ёзувчи шахсини ўрганиш муҳим роль ўйнайди”², – деб ёзиб, масаланинг ижтимоий-маърифий аҳамиятига алоҳида эътибор қаратади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2-сон “Ўзбек тили ва адабиёти таълими муаммолари” (2017-2021-йиллар) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади узлуксиз адабий таълимнинг турли босқичларида бадиий асарни таҳлил қилишда автобиографик жанрдаги

¹ Кўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. – Тошкент: Халқ мероси, 1994. –136 б.; Ўша муаллиф. Қодирий – эрксизлик қурбони. – Тошкент: Фан, 1992. –96 б.; Каримов Н. Чўлпон. Маърифий роман. – Тошкент: Шарқ, 2003. -124 б.; Ўша муаллиф. Мақсад Шайхзода. Маърифий-биографик роман. – Тошкент: Шарқ, 2010. –335 б.; Ўша муаллиф. Миртемир. Маърифий-биографик роман. – Тошкент: Meriyus, 2012. -282 б.; Ўша муаллиф. XX аср адабиёти манзаралари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2008. –536 б.; Мирвалиев С. Ўзбек романи. – Тошкент: Фан, 1969. -314 б.; Ўша муаллиф. Абдулла Қодирий кашфиёти. – Тошкент: MashhurPress, 2018. – 198 б.; Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. –Тошкент: Шарқ, 2007. –336 б.; Болтабоев Х. Махмудов М. Адабий-эстетик тафakkur тарихи. 1–жилд. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2013. –400 б.; Куронов Д. Чўлпон насли поэтикаси. –Тошкент: Шарқ, 2004. -287 б.; Жўрақулов У. Ҳудудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2008. – 202 б.

² Раҳимов Ж. Адабиёт дарсларида ёзувчи шахсини ўрганиш.– Тошкент: Ўқитувчи, 1975. –Б.3.

маълумотлардан фойдаланишнинг самарали йўлларини ва замонавий усуларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек адабиётида автобиографик характерда яратилган асарларнинг ўзига хос белгиларини қўрсатиш ҳамда адабиёт ўқитишида ижодкор биографиясига доир асарларнинг аҳамиятини очиб бериш;

ўқувчиларда эзгу маънавий сифатлар шакллантиришда автобиографик битикларнинг қандай ўрни борлигини асослаш ва автобиографик битикларнинг инсон маънавий оламини қарор топишидаги аҳамиятини қўрсатиб бериш;

адабиёт ўқитиши жараёнида ижодкорнинг таржимаи ҳолига оид бўлган маълумотлардан дидактик жиҳатдан тўғри фойдаланиш ҳамда ўқувчиларда эзгу маънавий сифатлар шаклланишини ривожлантириш;

адабиёт сабоқларида ижодкор таржимаи ҳолининг қизиқарли ўринларини ўқувчиларга етказиш ва уларнинг бадий асарни теранроқ тушуниши, асардаги етакчи фикрни англаб етиши осонроқ кечишини таъминлаш;

ўзбек адабиётшунослигида автобиографик жанрда асар яратишга доир муаммоларни, ижодкорларнинг асарлари таҳлилида автобиографик битикларнинг ўрнини замонавий адабиётшунослик талаблари асосида таҳлил қилиш;

замонавий ўзбек адабиётида яратилган бадий асарларда реалистик талқин ва муаллиф муносабатини очиб бериш, давр ва шахс ҳаётий воқеалари ифодасида автобиографик асарларнинг имкониятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида адабий таълимда биографик ва автобиографик асарлардан фойдаланиш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предметини бадий асарнинг ўқув таҳлилида автобиографик асарлардан фойдаланишнинг самарали йўллари ва дидактик технологияларини ишлаб чиқиш ташкил қиласди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида кузатиш, анкета сўрови, оғзаки сўров, биографик, психобиографик, тарихий-маданий, тарихий-қиёсий, социологик, психоаналитик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуидагилардан иборат:

Ўрхун-Энасой тошбитикларида автобиографик элементларнинг ilk кўринишлари борлиги адабиётшунослик илми ва адабиёт ўқитиши амалиётига олиб кирилиб, автобиографик асарлар жамиятда фикр эркинлиги, одамнинг шахслик жиҳатларига эътибор қаратилган шароитда пайдо бўлиши ва тараққий этиши асосланган;

амалда қўлланаётган адабиёт ўқитиши жараёнида ижодкорнинг танлаб олинган маҳсус таржимаи ҳолига оид бўлган маълумотлардан фойдаланилганда эстетик дид ва амалий қўникмалар ривожланиб, натижада ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш, қиёслаш қўникмалари муайян даражада ошгани аниқланган;

ижодкор таржимаи ҳоли билан боғлиқ амалдаги дарсликлар материаллари такомиллаштирилганда ўқувчида бадиий асарни теранроқ тушуниш, муаллиф мақсадини, асарнинг ғоясини англаши осонроқ кечиши асосланган ҳамда биографик маълумотлар хронологик шаклда эмас, ҳаётий воқеаларга асосланган бўлганда, ўқувчининг муаллиф шахсига ва у орқали унинг асарига ижобий муносабатда бўлиши машғулотнинг самарали бўлишига олиб келиши исботланган;

ўзбек адабиётидаги автобиографик асарларни ўқитишнинг “Резюме”, “Давом эттир”, “Портрет”, “Муаммо” каби замонавий усуллари ишлаб чиқилиб, ўқувчиларнинг ўқув материаллари билан ишлашда бадиий матнга, муаллифга муносабат билдириш, мустақил фикрлаш, ишлаш, ижодий изланиш, ташаббус кўрсатиш қобилияtlарини ривожлантириш даражалари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуидагилардан иборат:

адабий таълим жараёнида бадиий асарларни ўқув таҳлилига тортишда автобиографик битикларнинг ўрни, ўрганиш шакли, усуллари ва технологиясидан фойдаланиш кўрсатиб берилган;

мазкур диссертацион ишда чиқарилган назарий хуросалар адабий таълим жараёнида биографик ва автобиографик асарлардан фойдаланиш бўйича изланишлар олиб бораётган тадқиқотчиларга илмий манба сифатида хизмат қилиши белгиланган;

ишда тўпланган илмий-назарий материаллардан адабиёт фанини ўқитиши, сифат ва самарадорлигини ошириш, бадиий асар таҳлилини кучайтириш, ўқувчиларда истеъодли ижодкор шахсларга ўхшаган маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган;

ишдаги методик ғоялардан бадиий асарларнинг ўқув таҳлили самарадорлигини ошириш юзасидан магистрлик ва докторлик диссертациялари ёзишда фойдаланиш назарда тутилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўқув таҳлилида биографик ва автобиографик асарларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, муаммонинг аниқ қўйилгани, илмий-назарий хуросалар, кузатиш ва таҳлил усуллари орқали асослангани, ишончли илмий-адабий манбалар, интернет маълумотларидан ҳам фойдаланилгани, тадқиқотнинг натижалари, тавсиялари амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юзага келган назарий хуросалар ижодкор шахсияти, ҳаёти, ижодий биографияси, ҳужжатлилик, хотиралар, бадиий ижод жараёни, адабий-портрет ва адабий-реалистик қаҳрамон ўтмиши асарларнинг поэтик жилоларида намоён бўлувчи ўзига хосликлар ҳисобига ўзбек адабиётшунослигининг янги илмий-назарий маълумотлар орқали тўлдириши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган қарашлар асосида биографик ва автобиографик асарларнинг шаклланиши ва тараққиёт босқичлари, ўзбек адабиётини ўқитиши методикаси, бадиий асар таҳлили

асослари, ўзбек адабиёти тарихи, адабий танқидчилик тарихи ҳамда ҳозирги адабий жараён фанлари бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмаларнинг мукаммаллашувига, мутахассислик фанларидан маъруза, семинар ва амалий машғулотлар мазмунини бойитишда манба бўлиб хизмат қилишида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўқув таҳлилида автобиографик битиклардан фойдаланиш тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

Ўрхун-Энасой тошбитикларида автобиографик элементларнинг ilk кўринишлари борлиги адабиётшунослик илми ва адабиёт ўқитиши амалиётига олиб кирилиб, автобиографик асарлар жамиятда фикр эркинлиги, одамнинг шахслик жиҳатларига эътибор қаратилган шароитда пайдо бўлиши ва тараққий этиши асосланган ҳақидаги хуносалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилган FA-F1-GO02 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (ЎзРФА Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 10 декабрдаги 17.01/257-сон маълумотномаси). Натижада фундаментал тадқиқот лойиҳасининг фольклор ва адабиёт жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этишга бағишлиланган қисмининг бойитилишига хизмат қилган;

амалда қўлланаётган адабиёт ўқитиши жараёнида ижодкорнинг танлаб олинган маҳсус таржимаи ҳолига оид бўлган маълумотлардан фойдаланилганда эстетик дид ва амалий қўникмалар ривожланиб, натижада ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш, қиёслаш қўникмалари муайян даражада ошгани тўғрисидаги хуносалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилган FA-F-1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган. (ЎзРФА

Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 24 декабрдаги 17.01/202-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг назарий қисмининг илмий хулосалар, даллилар билан бойитилишига хизмат қилган;

ижодкор таржимаи ҳоли билан боғлиқ амалдаги дарсликлар материаллари такомиллаштирилганда ўқувчида бадиий асарни теранроқ тушуниш, муаллиф мақсадини, асарнинг ғоясини англаши осонроқ кечиши асосланган ҳамда биографик маълумотлар хронологик шаклда эмас, ҳаётий воқеаларга асосланган бўлганда, ўқувчининг муаллиф шахсига ва у орқали унинг асарига ижобий муносабатда бўлиши машғулотнинг самарали бўлишига олиб келиши тўғрисидаги хулосалардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказилган қатор тадбирлар сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 13 сентябрдаги 01-03/1075-сон маълумотномаси). Натижада автобиографик асарларда ижодкор шахси қиёфасини ҳаётий фактлар асосида тасвирлаш орқали тингловчилар билимининг кенгайишига эришилган;

ўзбек адабиётидаги автобиографик асарларни ўқитишнинг “Резюме”, “Давом эттир”, “Портрет”, “Муаммо” каби замонавий усуллари ишлаб чиқилиб, ўқувчиларнинг ўқув материаллари билан ишлашда бадиий матнга, муаллифга муносабат билдириш, мустақил фикрлаш, ишлаш, ижодий изланиш, ташаббус кўрсатиш қобилиятларини ривожлантириш даражалари ҳақидаги хулосалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Маданият ва маърифат” телеканалида “Адабий жараён” кўрсатувининг бир қатор сонлари тайёрланишида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 13 сентябрдаги 01-16/167-сон маълумотномаси). Натижада мазкур кўрсатувлар мазмуни янги илмий-адабий манбалар билан бойитилгани эътироф этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 7 та республика илмий-амалий конференцияларида мухокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та, жумладан, 4 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 136 саҳифани ташкил этади.

І БОБ. АВТОБИОГРАФИК АСАРЛАРГА ХОС НАЗАРИЙ

ХУСУСИЯТЛАР

1.1.§.Автобиографик асарларнинг генетик илдизлари ва ўзига хос белгилари

Адабиётнинг тасвир объекти инсон ҳисобланади. Жаҳон адабиётида инсон тушунчасининг мохиятини англаш, унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва руҳий дунёсини тасвирилаш бўйича улкан тажриба тўпланган. “Адабиёт туфайли, адабиёт уйғотган тафаккур, интилиш ва истаклар туфайли, хаёлот салтанатига сафар чоғи кўнгилда бош кўтарган кечинмалар туфайли бугунги цивилизация одамийлашди, нажот топди. Адабиёт аҳли ўйлаб топган бадиий тўқима қумга сингиган сувдек изсиз кетмади, билъакс тошга айланган юракларни мумдек эритди. Яхши китоблар бўлмаганида эди, инсониятнинг бугунги ҳолига маймунлар йиғлаган бўларди, мустақил фикрдан маҳрум лаббайчиilar урчиб кетарди, кўнгил бирлиги йўқоларди, қарамлик кайфияти кенг тарқалиб, ўз-ўзини англаш туйғуси – тараққиётнинг етакчи омили – йўқоларди” деб ёзади, Марио Варгас Лоса¹. Ижодкорлар бутун борлиқнинг яратилиши сабаби бўлган инсонни, унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, хулқ-автори, ҳаракатлари, орзу-ўйлари, мақсад ва умидлари, руҳият олами, ўй-хаёлларини турли бадиий шаклларда акс эттириб келадилар. Булар орасида биографик йўналишдаги битиклар ҳам катта ўрин тутади.

Автобиографик жанрининг пайдо бўлиш ва тараққиёти инсоннинг азал-азалдан эркинликка интилиши, ўз ҳуқуқи, эрки учун кураши, уни ҳаракатланиш ва курашга ундашда алоҳида шахсларнинг ўрнига бориб тақалади. Инсон яралгандан буён ўзини англашга, борлиқдаги воқеа-ҳодисалар сабабини таҳлил қилишга ва табиат ҳамда жамиятнинг ҳақиқатларини англаб етишга интилади, ўзининг ҳаётдаги ўрнини топишга уринади. Мана шу ҳолат одамни кўпчиликнинг эътиборидаги одамлар ўз ҳаёт

¹ <https://ziyouz.uz/hikmatlar/aforizmlar/jahon-adiblari-adabiyot-haqida/>

йўлини қандай босиб ўтганига қизиқтиради. Одам ҳамиша таниқли шахсиятлардан ўрнак олишга, улардай бўлишга интилади. Чунки ҳар бир одам машхур шахслар сингари билим, куч-қудрат, яратувчилик салоҳияти ҳамда жасоратга эга бўлишни хоҳлайди.

Қадим мумтоз адабиётимизда тазкира ва ҳасби ҳол шаклида юзага келган автобиографизм турли даврларда турлича даража ва қўринишларда намоён бўлди. Ўзбек адабиётида автобиографик асарлар алоҳида жанр сифатида совет даврида шаклланган бўлса-да, сон жиҳатдан анчагина кам яратилди ва борларида ҳам асосий эътибор муаллифнинг ўзига хос шахсиятидан кўра, у мансуб ижтимоий қатламга хос хусусиятларнинг акс эттирилишига қаратилди. Негаки, социалистик реализм мафкураси учун адабиётда алоҳида шахснинг қайтарилиш ўзига хослиги эмас, балки ўзи мансуб ижтимоий қатламга тегишли универсал жиҳатлар қандай намоён бўлиши муҳимроқ саналарди.

Шунга қарамай, совет даврида ҳам қатор автобиографик ва биографик асарлар яратилиб, ўзбек адабиётида ҳам ўзига хос жанрни юзага келтирди. Бу жанрдаги асарларнинг ilk намунаси ёзувчи С.Айнийнинг “Эсадаликлар” повести бўлди. Кейинчалик автобиографик жанрда Ойбекнинг “Болалик”, А.Қаҳҳорнинг “Ўтмишданэртаклар”, Н.Сафаровнинг “Кўрганкечирганларим” асарлари дунёга келди. Ғ.Ғуломнинг машхур “Шум бола” қиссасида ҳам биографик унсурлар яққол кўзга ташланиб туарди.

Ёзувчилар ижод эркинлигига эришган мустақиллик даврига келиб миллий адабиётимиз автобиографик жанрда Сайд Аҳмаднинг “Топғанларим ва йўқотганларим”, Одил Ёқубовнинг “Қарноқ”, “Музқаймоқ”, Носир Фозилнинг “Топдиму йўқотмадим”, Анвар Обиджоннинг “Ажинаси бор йўллар”, Шароф Бошбековнинг “Ўзим хақимда”, Собир Ўнарнинг “Бибисора”, Баҳодир Қобулнинг “Эна йўл”, “Эна шамол”, “Ота чироқ” сингари турли жанрлардаги қатор асарлари юзага келди. Чунки эгаманлик даври ижодкорнинг шахси, ҳаёт йўли, ўсган муҳити, феълига хос хусусиятлари жамият аъзолари учун муҳим эканлигини кўзда тутар эди.

Юртимизда яратилган автобиографик асарлар тарихи олис даврларга бориб тақалади. Унинг дастлабки элементларини туркий халқлар тарихи ҳақидаги қадимий манбалар бўлмиш Ўрхун-Энасой ёдгорликларида кўриш мумкин. Туркий халқларнинг бадий ижоди мозийнинг жуда қадим қатламларига туташади. Милоддан олдинги даврлардаёқ юон тарихчилари аждодларимиз орасида мавжуд бўлган оғзаки ижод намуналари: эртак, ривоят ва афсоналар ҳақида айrim маълумотларни ёзиб қолдиришган. Шунингдек, қадим Хитой тарихчилари ҳам туркийларнинг ўзига хос қўшиқ ва достонлари бўлганини манбаларда қайд этишган. Шу ўринда қадимги даврларда яшаб ижод этган айrim адибларнинг номларини эслатиб ўтиш жоиз. Бизгача Апринчур Тегин, Кул Тархон, Сингку Сели Тутунг, Пратяя-Шири, Асиг Тутунг, Чусуя Тутунг, Калим Кейси, Чучу, Йўллуғ Тегин сингари ижодкорларнинг номлари етиб келган¹.

Ўтмишда туркий тилда яратилган диний-фалсафий асарлар, бадий адабиёт намуналари, тарих китоблари, қабртош ёзувлари, хуқуқ, хўжалик ишларига тегишли хўжжатлар ва бошқа ёзма обидалар муайян даражада адабий манба бўлиб ҳам ҳисобланади². Бу ёдгорликлар адабиёт ўқитишининг назарий ва амалий муаммоларини ҳал этишда муҳим ўрин тутади. Негаки, ёрқин шахсият эгаларининг ўзига хос жиҳатлари эсда қоладиган йўсинда тасвир этилгани учун автобиографик асарлар бугунги ёшлар учун ҳам маънавий намуна бўлиб хизмат қиласи³.

Муайян инсон ҳаёти ва шахсиятига хос хусусиятлар тўғрисида энг аниқ маълумот берувчи манба автобиографик битиклардир. Шу ўринда “автобиографик” ёки “биографик асар” тушунчалари ўртасида бир қадар фарқ борлигини қайд этиш ўринли бўлади. Автобиографик битик муаллиф ҳаётининг бирор бўлагида содир этилган воқеа-ҳодисалар хронологик тартибда баён этилган ёзма матнни англатса, биографик асар бир одамнинг

¹ <https://xs.uz/uzkr/post/orkhun-enasoj-obidalari-haqida>

² Битиг ва ёзма ёдгорликлар. <https://uzas.uz/articles/5101/>

³ Asqarova O‘.M. Pedagogika: Oliy o‘quv yurtlari talabalari uchun darslik/ O‘.M.Asqarova, M.Xayitboyev, M.S.Nishonov. O‘zR Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi. – T.: Talqin, 2008. –B.7-8.

бошқа бир инсонни англаши натижасида пайдо бўлган ёзма матнни билдиради. Бундай матнларда ижодкорнинг туғилиши ва вафоти, оиласвий шароити, ижтимоий келиб чиқиши, насл-насаби, яшаш жойи, маълумоти, фаолияти, диний эътиқоди, имкони топилса, оила аъзолари, фарзандлари, ёру биродарлари қандай одамлиги эътиборга олинади¹.

Автобиографик жанр ўз ривожланиш йўли давомида турли кўринишларга эга бўлди. Аслида автобиографик жанрдаги асарларнинг илдизлари олис антик даврларга бориб тақалади. Аммо автобиографик жанр шахс ва унинг фикр эркинлиги қарор топган даврлардагина тўлиқ шаклланиб, чинакам тараққиётга эришади.

Тадқиқотлар автобиографик жанр тўлақонли адабий-бадиий йўналишга айланганига кўп бўлмаганини кўрсатади. Европалик олимлар тўла маънодаги автобиографик битикларнинг ёши икки юз йилдан сал ошикроқни ташкил килишини айтишади. Автобиографик йўналиш адабий жанр сифатида ўзининг қатъий бадиий белгилари билан XVIII аср охирида француз адабиётида шаклланди. Унинг юзага келиши мамлакат ижтимоий ҳаётида шахс ролининг кучайиши шахсларнинг озодликка интилишида муваффақиятларнинг қўлга киритилиши билан изоҳланади. Автобиографик жанр ҳозирги даврда мемуар адабиётнинг энг оммабоп жанрларидандир. Ушбу ҳолат инсоннинг интеллектуал даражаси индивидуал тафаккурнинг қанчалик юқори босқичда эканлиги билан ўлчана бошлангани туфайли юзага келгандир.

Совет даврида ҳукмрон коммунистик мафкура шахснинг ўзига хослиги, унинг ахлоқий-маънавий сифатлари эмас, балки ижтимоий мансублиги муҳим, деб ҳисоблагани учун автобиографик асарлар яратилиши рағбатлантирилмади. Ўзбек адабиётшунослигида мумтоз ижодкорлар ҳаётига доир аксарият тадқиқотларда кўпроқ биографик ёндашув устуворлик қилди².

¹ Адизова О. Адабиётшунос Азиз Қаюмов тадқиқотларида биографик методдан фойдаланиш маҳорати. Филол. фан...фалсафа д-ри (PhD) дисс. автореф. – Қарши, 2018. –Б.13.

² Адизова О. Адабиётшунос Азиз Қаюмов тадқиқотларида биографик методдан фойдаланиш маҳорати. Филол. фан...фалсафа д-ри (PhD) дисс. автореф. – Қарши, 2018. –Б.5.

Бунинг натижасида ўзбек адабиётида муаллиф ҳаёти, кўрган-кечирганлари акс этган автобиографик асарларга кўпроқ мемуар асар сифатида қараш хукмронлик қиласди. Кўринадики, автобиографик ва мемуар адабиётлар бир-биридан ўзаро фарқланади.

Мемуар адабиёт – (*гр. memoria – хотира, эсдалик сўзидан*) 1. Бирор шахснинг ўзи қатнашган ёки кузатган воқеалар ҳақидаги хотиралари. Буларга *автобиографиялар, кундаликлар, турлича қайдлар мансубдир*. 2. Ўзи кўрган ёки иштирок этган воқеалар ҳақида бирор шахснинг бадиий тилда ёзган асарлари. Бундай асарлар ўз характерига кўра, яъни образли ифодалари, типик шахсларнинг типик шароитда ҳаракат қилиши, ҳаётини воқеалардан энг муҳимларининг танлаб олиниши жиҳатидан соғ бадиий асар ҳисобланади¹.

Маълумки, адабиётшунослик илмида ижодкорнинг индивидуал услуби, бадиий асар ғояси, асар қаҳрамони руҳияти, бадиий асар тили муаммоларини тадқиқ этувчи турли методлар мавжуд бўлиб, булар орасида биографик метод тарихий ҳақиқатга, реал шахс индивидуал ҳаёти воқеаларига оид фактларга бойлиги билан ажралиб туради. “Биографик метод – адабиётшуносликдаги алоҳида илмий тадқиқот, бадиий асарга ижодкор шахси орқали назарий-амалий жиҳатдан ёндашув усусларидан бири... Унинг мазмун-моҳиятида инсон шахсияти асос бўлиб турганлиги сабабли кишилик тафаккури орқали шакллантирилган барча фанларга оид билимларга, мавжуд оқимлар ва қарашларга таяниб иш кўради”². Юқоридаги фикрдан маълум бўладики, биографик методда ҳаётда мавжуд бўлган аниқ шахс билан боғлик жиҳатлар муҳим ўрин тутади.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда асар мавзуси, мазмун-моҳиятини очиб беришда бу методдан анча фаол фойдаланилаётгани қузатилмоқда. “Бугунги глобаллашув жараёни жаҳон адабиётшунослигига мавжуд илғор илмий методологик усувлар асосида ўзбек адабиётшунослиги мезонларини шакллантириш, ижодкор шахси ва унинг бадиий меросини холис ўрганиш,

¹ Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изохли луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1979. –Б.178.

² <http://213.230.96.51:8090/files/bsu/docs/jurnali/Pedagogik%20Mahorat%202019%20yil%204-son.pdf>

ижодкор-инсон руҳиятини англаш, адабий шахсият муаммосини ижтимоий фанлар оралиғида ўрганишни тақозо қилмоқда”¹.

Маълум бир ижодкор шахснинг ҳаёти ва фаолияти акс этган автобиографик асарлар ҳам ўзига хосликка эга. Гарчи автобиографик битик ҳам эстетик яратиқ ҳисобланса-да, унда бадиий тўқимага ўрин берилмайди. Бундай асарда давр ва ўша замонда яшаган одамларга хос хусусиятлар бир шахснинг нуқтаи назари орқали ифода этилади. Шунинг учун ҳам унда бадиий тўқимага эҳтиёж сезилмайди. Бинобарин, автобиографик асарни таҳлил қилишда ҳам асосан саналар ёки муаллиф ҳаётидаги муҳим воқеаларга эътибор қилиш билан чегараланиб қолинмаслиги керак. Ижодкор шахсини ўрганишда: ёзувчининг таржимаи ҳоли, наслий хусусиятлари, индивидуаллиги, истеъоди, услуби, адабий муҳит каби бир қанча факторлар муҳим, деб қаралади. Ижодкор фаолиятининг маҳсули санъат асари нафақат бадиий ҳодиса, балки руҳий, маданий, фалсафий, тарихий, диний қадриятларни ўзида мужассам этган воқелик сифатида идрок этиб келинади².

Биографик характердаги асарларда нафақат маълум бир шахс ҳаёти ва феъли-хўйи, балки у яшаган давр, унда рўй берайтган муҳим сиёсий, ижтимоий воқеаларга муносабат ҳам билдирилади. Бу билан бир шахсга эмас, у яшаган даврга ҳам баҳо берилади. Масалан, буюк ўзбек ёзувчisi Фитрат темурийлар даври тўғрисида шундай фикр юритади: “Темурийларнинг бой, маданий мустамлакалари бўлған Эроннинг миллий буржуазияси асосида мустамлакаликдан қутулиш харакатлари Темур замонида бошланган эди. Табиий, бу ҳаракат Темурдан сўнг ҳам давом қилди, ўзини бу мустамлакасини қўлидан чиқармоқ истамаған Осиё савдо буржуазияси бошда бу ҳаракат билан келишмак йўлини тутди. Менинг фикримча, марказнинг бир оз вақтдан кейин Самарқанддан Хиротка қўчишга ҳам бир сабаб шудир. Эрон миллий буржуазияси ўзининг сиёсий ҳаракатини

¹ Тўлаганова С.П.Ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммоси (Абдулла Қодирий ижоди мисолида) Филол. фан...фалсафа д-ри (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019. –Б.5.

² Тўлаганова С.П.Ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммоси (Абдулла Қодирий ижоди мисолида) Филол. фан...фалсафа д-ри (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019. –Б.14.

дин, мазҳаб билан бўяди. Шийлик ҳаракатини кучайтирди. Шийлик туйғулари умумийлашкан сайин Ўрта Осиёдан қутулиш фикрининг кучайиши турган гап эди. Ўрта Осиё буржуазияси буни кўриб туарар эди. Шунинг учун булар орасида шийликни қабул қилиш фикри туғилди. Темур болаларидан Бойсунғур Мирзо шийликни қабул қилған эди. Иш бунинг билан қолмади. Форс буржуазияси миллий ҳаракатининг уст кийимидан бошқа нарса бўлмаган шийлик ҳаракати кучаймакда эди, буни кўрган Ҳусайн Бойқаро шийликни ҳукumatнинг расмий мазҳаби деб эълон қилиш фикрига келди. Сарой одамлари бирлаша олмадилар. Навоий ва унинг атрофида бўлғанлар бу тадбирнинг чуриклигини англадилар, бунга монеъ бўлдилар. Эрондаги бу ҳаракатка таслим бўлиш эмас, қарши туриш, муқовамат қилиш, ўзни кўриш тўғрироқ топилди¹. Кўринадики, Фитрат томонидан Алишер Навоий ва султон Ҳусайн мирзо шахсларига доир келтирилган маълумотлар бутун бир давр воқеа-ходисалари тўғрисида муҳим хабарларни етказмоқда.

Абдулла Қодирий ижодида ижодкор шахс ва адабий қаҳрамон муаммоларини тадқиқ этган С.Тўлаганова биографик асарларни таҳлил этишда тадқиқотчи фақат саналар ва муҳим воқеалар билан чекланиб қолмай, аввало, таҳлилга тортилган ижодкорнинг ички оламини ёритиб бериш ва шу аснода у яшаган давр руҳини ҳам очиб бериши лозимлигини таъкидлайди: Биографик ёндашувга кўра, ижодкор таржимаи ҳолидаги йил, саналарнинг бирламчи аҳамиятини инкор этмаган ҳолда, тадқиқотимизда ёзувчи таржимаи ҳолидаги рақамларга тобе бўлиб қолмасликка, инсон руҳияти сирлари, вазият ва ҳолатларни ҳамда тарихий воқелик ортига яширган ҳаёт ҳақиқатини англашга ҳаракат қилинди. Шу билан бирга, адаб ҳаёти билан боғлиқ манбаларга ижодкор шахси муаммоси нуқтаи назаридан ёндашилди².

Адабиётшунос олим Д.Қуронов ўзбек адабиётшунослигида биографик методнинг етарлича қўлланилмай келаётганлиги сабабини қўйидагича

¹ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 11 жилд.–Тошкент: Маънавият, 2000. -Б.42-43.

² Тўлаганова С.П. Ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммоси (Абдулла Қодирий ижоди мисолида) Филол. фан...фалсафа д-ри (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019. –Б.15.

изоҳлайди: “Биографик метод бадий асар муаллифининг ҳаёт йўли контекстида ўрганишни назарда тутади. Бадий асарда ижодкор шахсияти акслангани боис ундаги қатор ўринлар муаллиф биографияси контекстида ёрқинроқ англашилади. Шунга кўра, биографик метод асарга муаллиф томонидан юклатилган мазмунни англашда етакчи аҳамият касб этади. Масалан, А.Қахҳорнинг “Ўғри” ва “Даҳшат” ҳикоялари ўтмишдан баҳс юритади, бироқ уларни биографик контекстда олинса, адаб ҳар икки ҳикояда ҳам улар яратилган давр муаммоларини бадий идрок этишга, ўша давр ҳақидаги, давр кишилари ҳақидаги фикрларини ифодалашга ҳаракат қилгани англашилади. Биографик методнинг қанчалик самарали бўлиши кўп жиҳатдан тадқиқотчи қўл остидаги биографик материалга боғлик бўлиб қолади. Ўзбек адабиётшунослигида биографик методнинг етарли даражада самара билан қўлланилмай келаётгани айни шу нарса – биографик материалнинг етарли эмаслиги билан изоҳланади”¹.

Замонавий биографик метод ҳар қандай шахсни тарихий, ижтимоий ва индивидуал борлик доирасида ўрганишга асосланган бўлиб, шахс ривожининг ҳаётий дастурлари, унинг касбий, оиласвий, маънавий, табиий ва ижтимоий макондаги мавжудлик ҳолати «макон-вақт» доирасида таҳлил қилинишини кўзда тутади. Биографик методни қўллашда сўровнома, интервью, тест, яқинларининг кўрсатмалари, замондошларининг хотиралари, фаолият маҳсулини ўрганиш (хатлари ва кундакликларини, маърузалари нутқларининг контент-таҳлили ва б.)дан манба ва восита сифатида фойдаланилади². Адабий таълимда бу методдан фойдаланишда ўтмишдаги майший-сиёсий ҳаётни ретроспектив таҳлил этиш кўзда тутилади. Хўш, автобиографик асарларни ўрганиш педагогик жиҳатдан қандай натижада беради, деган савол туғилиши табиий, албатта.

Талаба ва ўқувчиларни ахлоқий негизлари бузилишига олиб келадиган

¹ Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. –Тошкент: “Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси” нашриёти, 2004. –Б.46.

²<http://tmatm.uz/site/wp-content/uploads/2015/09/Pedagogik-faoliyatda-tizimli-ta-lilni-amalga-oshirish-metodlari.pdf>

экстремизм ва терроризм, сепаратизм, шафқатсизлик ва зўравонлик каби хатти-ҳаракатлардан ҳимоялашда Мовароуннахр заминидан етишиб чиқсан буюк алломалар ижодини ўрганиш, ёш авлодда мустақил ҳаёт учун зарур ижтимоий малака ҳамда фазилатларни ёшига мос, босқичма-босқич шакллантириш муҳим аҳамият касб этади¹.

Адабиётшунослик илмида биографик методни қўллаш педагогикадагидан фарқ қиласди. Адабиётшунослик илмида маълум шахснинг биографияси, ҳаёт йўлини ёритиб бериш орқали унинг шахсияти, ҳаётидаги муҳим жиҳатларни илғаб олишга алоҳида аҳамият берилади. Адабиётшунос олима Ободон Адизованинг қўрсатишича, биографик метод тадқиқотчини муаллифнинг индивидуал ҳаёт тарзи, шахсий турмуши, ҳаёт йўли, кечмиши, ички кечинмалари, характер-хусусияти, бир сўз билан айтганда, биографияси (ёки автобиографияси)га қизиқтиради. Мавжуд луғатларда қайд қилинишича, автобиография сўзи таржимаи ҳол маъносини англатади². Таржимаи ҳол дейилганда, аввало, бадиий жанр эмас, асосан расмий иш юритишида фойдаланиладиган қофозлардан бири тушунилади. У инсон ҳис-туйғулари, атрофдагиларга, воқелик фактларига муносабатни ифодаламайди, балки маълум бир шахснинг бутун ҳаёти ва меҳнат фаолиятини акс эттирувчи расмий ҳужжат бўлиб, инсоннинг туғилганидан бошлаб таржимаи ҳол ёзилаётган кунгача бўлган ҳаётидаги муҳим саналар, ўқиш, меҳнат фаолиятидаги ўзгаришлар, ижтимоий жиҳатдан келиб чиқиши, оиласи билан боғлиқ маълумотлар акс этади.

Иш юритиш билан боғлиқ қўлланмаларда таржимаи ҳолда шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми; туғилган йили, куни, ойи ва манзили; ижтимоий келиб чиқиши, миллиати; ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси (уларнинг фамилияси, исми, туғилган йили, маълумоти, иш жойи, лавозими); ўзининг маълумоти (ўқиган мактаби, ўқув юрти, таҳсил олган йиллари,

¹ Ачилов Н. Ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш технологияси. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Термиз, 2020. –Б.11.

² <https://qomus.info/encyclopedia/cat-b/biografiya-uz/>

мутахассислиги); иш фаолиятининг турлари, охирги иш жойи, лавозими; рағбатлантирилганлиги ва олган мукофотлари ҳақида маълумот; иш, ўқиш ёки яшаш жойидаги бажарадиган жамоатчилик юмушлари; оилавий аҳволи (хотини ёки эри, болалари, фамилияси, исми, туғилган йили, машғулоти); яшаш жойи (вилоят, шаҳар, туман, қўча, ҳовли ёки хонадони, телефони); таржимаи ҳол ёзилган сана, шахснинг имзоси ва фамилияси кабилар акс этади. Таржимаи ҳол кўпинча оддий қофозга қўлда ёзилади. Баъзан ўқишга ёки ишга кираётганда махсус иш қофозига тўлдирилади. Матн биринчи шахс номидан баён этилади. Унда йил, ой, кунларга доир маълумотлар қатъий даврийлик тартибида ёритилади. Таржимаи ҳолда келтирилган маълумотлар аниқ, баён этилаётган фикрлар эса барчага тушунарли ва равон услубда бўлиши лозим. Таржимаи ҳолнинг бу турида эмоционал-экспрессив лексикадан фойдаланилмайди.

Кўринадики, таржимаи ҳол давлат идораларида қўлланиладиган, маълум бир қолипга солинган расмий хужжат. У расмий услугуб талаблари асосида ёзилади. Мазмун қўламига кўра, таржимаи ҳолга яқин турувчи автобиографик асар эса ёзилиш услуби, қўлланиш доирасига кўра бадиий услугуга мансуб адабий жанрлар доирасига киради. Автобиографик маълумотлар бадиий тарзда ифода этилсагина таъсир кучига эга бўлади. Адабиётшунос олим Б.Тўхлиев ҳақли равишда таъкидлаганидек, бадиий асар ижодкор шахсиятининг ифодачиси эканлиги англаб етилгандан кейингина асар моҳияти ҳам, унинг муаллифининг нуқтаи назарлари ҳам ўқувчи томонидан тўлароқ ва теранроқ тушунилади. Шундагина муаллифининг адабиётга, жамиятга, шу халқ ва миллатга бўлган муҳаббати ва хизматлари тўла идрок этилади¹.

Автобиография адабий жанрлардан бири бўлиб, у кўпинча мемуарларга яқин бўлади². Бу термин XVIII-XIX асрлар оралиғида Европа халқлари тилларида пайдо бўлган, инсоннинг ўзи ва ҳаётидаги ҳодисалар

¹ Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиши методикаси. Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. –Б.213.

² Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1979. –Б.19.

ҳақидаги ҳикояси, тарихдан гувоҳлик беришнинг кўриниши, асосий хусусияти субъектив шахсий характерда эканлигидир. Тарихий манба сифатида автобиография ҳақидаги тасаввурлар XIX аср ўрталарида пайдо бўлди. Бу даврда автобиографиянинг тарихий ҳақиқатни қай даражада акс эттириши мунозараларга сабаб бўлди. Автобиография тарафдорлари унинг ноёблигини таъкидлар эканлар, давр руҳини бериш имконига эга эканлиги, унинг ёрдамида инсон шахсига чуқурроқ кириб бориш мумкинлигини таъкидладилар¹. Айрим олимлар эса XIX асрда автобиографиянинг субъективлиги ва ноаниклиги, инсон хотирасининг мукаммал эмаслигидан келиб чиқиб, уни инкор қилишга уриндилар². Автобиографик жанрнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш бўйича рус олимлари томонидан бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган³.

“Ўзбек адабиётида тўла маънодаги роман жанри 20-йилларда майдонга келди. Роман жанрининг хусусиятлари ўзбек адабиётида илк бор ёзувчи Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асарида жамланган ҳолда кўзга ташланди. Ўзбек романчилиги Абдулла Қодирий романлари билан шаклланди ва ривож йўлига ўтди, баёнчилиқдан бадиий тадқиқотга айланди. Жаҳон адабиётидаги энг яхши анъаналар асосида ёзилган бу асар тўла маънодаги биринчи ўзбек романидир. Унда муайян тарихий воқелик, кишиларнинг руҳий олами, дунёқараши, ўзаро муносабатлари, курашлари кенг кўламда, яхлит ҳолда қамраб олинган, объектив тарзда ёритилган ва шу

¹ <https://w.histrf.ru/articles/article/show/avtobioghrafia>

² <https://w.histrf.ru/articles/article/show/avtobioghrafia>

3 Томашевский Б.В. Теория литературы. Поэтика. –М.: Аспект Пресс, 1999. –334 с.; Бахтин М.М. Литературно-критические статьи. –М.: Художественная литература, 1986. –543 с.; Фрейденберг О.М. Поэтика сюжета и жанра.– М.:Лабиринт, 1997. –448 с.; Тынянов Ю.Н. Литературная эволюция. –М.: Издательство «Аграф», 2002 –496 с.; Аверинцев С.С. Риторика и истоки европейской литературной традиции. –М.: Языки русской культуры, 1996. –448 с.; Поспелов Г.Н. Вопросы методологии и поэтики. –М.: Изд-во МГУ, 1983. –336 с.; Лейдерман Н.Л. Теория жанра: исследования и разборы. –Екатеринбург: Словесник, 2010. –904 с.; Спивак Р.С. Русская философская лирика: Проблемы типологии жанров. –Красноярск: Издательство Красноярского университета, 1985. –140 с.; Чернец Л.В. Литературные жанры: проблемы типологии и поэтики. –М.: Изд-во Моск. ун-та, 1982. –194 с.; Маркова Т.Н. Авторские жанровые номинации в современной русской прозе как показатель кризиса жанрового сознания //Вопросы литературы. –2011. - №1. –С. 280-290.; Звягина М.Ю. Жанровые трансформации в русской прозе второй половины XX - начала XXI в. –М.: КНОРУС; Астрахань: АГУ, ИД «Астраханский университет», 2016. –292 с.; Мильчина В.А. Автобиография// В кн.:Литературный энциклопедический словарь/ под ред. В.М. Кожевникова, П.А. Николаева. –М.: Сов. энциклопедия, 1987. –С. 12-13.; Пушкирева Н. Л. У истоков женской автобиографии в России // Филологические науки. –2000. - № 3. –С.62-69.; Винокур Г.О. Биография и культура. Русское сценическое произношение. –М.: Русские словари, 1997. –186 с.

йўл билан янги замон учун қимматли, муҳим миллий ғоя илгари сурилган эди.

Тарихий романда тарихий шахс бош қаҳрамон бўлмаслиги мумкин. Тарихчи нима бўлганини, тарихий романни қандай бўлганини ёзади. Тарихий романда воқеага замонавий қараш ҳам киради, келгуси ҳам руҳан акс этади, аммо сюжет тарихий бўлади. Тарихий роман замонга хизмат қилиши шарт, унда тарихчи, ёзувчи ва тарих бирлашади.»¹ Роман жанри дунё ҳалқларининг барчасида бор. Ҳар бир давлатда ҳам роман жанри ўша давлат ижтимоий ҳаёт тарзи, миллатга хос бўлган маънавий қадриятлар, урф-одат ва анъаналарни, ҳалқ қаҳрамонлари миллий қиёфасини ёритишнинг асосий воситаси бўлиб келган. Ўзбек автобиографик прозасини чуқур тадқиқ этиш учун биз адабиётшунослик, жанр тушунчалари тўғрисидаги тасаввурларимизни шакллантиришимиз лозим. Начало формы

Автобиографик асарлар кўпинча насрый кўринишида бўлади. Маълумки, наср ҳикоя қилиш, баён этиш ва тафсилотни қайд қилиш хусусиятига эга. Насрнинг бу хусусияти оламни, жамият, инсон, шунингдек, муаллиф позициясини барча ракурслардан туриб ифодалаш имкониятига эга. Автобиография воқеликнинг онтологик ва антропологик аспектларини бадиий англаш бўйича романда бой тажрибасидан фойдаланади.

Автобиографик асарда ҳам тарих ёзилади, лекин унда тарих китобларидагидек, фақат нима бўлгани эмас, балки ўша ниманинг қандай бўлгани ҳам кўрсатилади. Бу хил асарда воқеа-ҳодисага замонавий қараш акс этади, бироқ унинг моҳиятидан келажак ҳам жой олади. Автобиографик асар ўз замони ва келажакдан ҳам кўра ҳақиқатга хизмат қилса, ундан келадиган маърифий, маънавий, тарбиявий фойда каттароқ бўлади.

Бадиий асарда мавзу, ифодаланаётган воқеа-ҳодисалар образлар ёрдамида ҳаққонийлик тусини олади. Автобиографик характердаги асарларда ҳам бадиий услуг талабларига тўлиқ риоя қилинади. Унда тасвирланган бош қаҳрамон бир томондан борлиқдаги реал шахс сифатида, иккинчи томондан

¹ <http://adabiyot.islamonline.uz/adabiyotshunoslik/162-roman.html>.

бадий образ сифатида намоён бўлади. “Бадий образ – ҳаёт каби мураккаб, сермазмун. Санъатда ҳаётнинг ҳамма мураккабликлари, қирралари, муносабатлар мажмуи бадий образда умумлаштирилади, унда ташқи (объектив) ва ички (субъектив) томонлар мавжуддир. Санъаткор ҳистуиғулари, кечинмалари, режаларининг манбаси бўлган воқеа-ҳодисалар, турли вазиятлар, тўқнашувлар бадий образнинг ташқи (объектив) томонидир. ...Бадий образнинг ички (субъектив) томони санъаткорнинг ҳистуиғулари, мўлжаллари, баҳолашлари, кечинмалари, ўй-хаёллари, орзу-умидларидир”¹.

Автобиографик асарда маълум бир давр ва унда ҳаракатланувчи муайян шахс билан боғлиқ воқеалар тизими ўзаро яхлит ҳолда ўзига хос инсон қиёфасини шакллантиради. Шундай экан, автобиографик характерда яратилган асарларни ўрганиш, айниқса, таълим ва тарбия соҳасида катта аҳамият касб этади. Бундай асарлар воситасида ўқувчилар халқимиз ўтмиши, ижодкорлар ҳаёти тўғрисида маълумотларга эга бўлади, уларда ватанпарварлик, маънавий меросга хурмат туйғулари шаклланади. Бундай битикларда воқеалар тасвирининг берилиши баробарида инсоннинг ҳаёт тарзи, меҳнат фаолияти, орзу-ўйлари, руҳиятида содир бўлаётган ўзгаришлар, атрофдагиларга муносабати очиб берилади.

Бадий асарда қўлланилган ҳар бир деталь маълум бир вазифани бажаришга хизмат қилиши лозим. Турли табиат тасвирлари берилган ўринлар аслида асар қаҳрамонининг ички кечинмалари, холатини ёрқин тасвирлаш мақсадида қўлланилади. Буларнинг барчаси умумлашган ҳолда образнинг тўлақонли намоён бўлишини таъминлайди. Ижодкор ўз асарида воқеликнинг бадий қиёфасини чизар экан, асар қаҳрамонларини ўз мақсадидан келиб чиқиб тасвирлайди, уларнинг ташқи ва ички қўриниши, маданияти, ахлоқи, дунёқараши, орзу-истакларини ёритиб бериш билан бадий асарни шакллантиради. Аслида адабиёт ўқитишнинг бош йўналиши

¹ “Адабиётшунослик” фанидан ўқув-услубий қўлланма. Тузувчилар: Халлиева Г., Султонсаидова С., Бобокулов Ю., Расулмуҳаммедова Д., Кўчқорова М. –Т.: 2018. –Б.28.

таълимнинг турли босқичларида ўқувчилар онги ва руҳиятига бадиий асарнинг мўъжизакор таъсир кучини сингдиришдан иборатдир¹.

Бадиий адабиётда инсонни тасвирлаш деганда, унинг ташқи ва ички қиёфасини умумлашган ҳолда акс эттириш тушунилади. Ижодкор асарда турли даврни акс этириш имконига эга. Агар у тарихий мавзуда асар яратса, унинг қаҳрамонлари ҳам ўша даврга мос бўлиши, ўша даврга хос фикрлаши, дунёқараши ҳам шунга мувоғик бўлиши лозим. Шундай экан, асар қаҳрамонининг руҳияти, ички кечинмалари ҳам ўша давр воқеа-ходисалари, жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларга алоқадор бўлади. Маҳорат билан, ишончли воқеалар асосида қаҳрамоннинг мураккаб ва зиддиятли характер хусусиятлари очиб берилсагина асар бадиий эстетик жиҳатдан таъсирчан бўлади.

Инсоннинг инсонлиги ҳам унинг ўз атрофидаги эзгу фазилатли одамларга ўхшаб, ўзгаларга фойда келтирадиган ва айнан шу сабабли уларнинг хотирасидан ўчмайдиган шахсларга интилишида намоён бўлади. Бу каби интилишлар бадиий адабиётда автобиографизмни юзага келтирди. Автобиографик асарларда кўпчиликка таниш машҳур шахс акс эттирилгани учун ҳам уларда миллий рух ёрқинроқ намоён бўлади. Бу эса муайян миллатнинг йўқолиб кетмайдиган қиёфасини юзага келтириш омилидир. Проф. Н.Жабборовнинг кўрсатишича миллий рух: “1) миллат руҳини мужассам этган ўзига хос урф-удумлар, анъаналар, қадриятлар, миллатнинг орзулари, армонлари талқини; 2) миллатнинг ўз-ўзига танқидий руҳда қарай олиш салоҳияти ифодаси; 3) миллий шахсиятларга хос собит эътиқоднинг поэтик сувратланиши. Биринчиси – миллатнинг ахлоқи, иккинчиси – иродаси, учинчиси – эътиқодини тажассум этади ва бу учлик яхлит ҳолда миллий рухни ташкил қиласи”².

¹ Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. –Б.12.

² Жабборов Н. “Ўткан кунлар”да миллий рух ифодаси. //Филология масалалари, 2020, 2-сон. –Б.35.

1.2.§.Автобиографик асарда ижодкор шахс қиёфасини тасвирилаш тамойиллари

Ўзбек адабиётида автобиографик асар дейилганда фақат насрнинг турли жанрларида яратилган асарлар тушунилганки, бу унчалик тўғри эмас. Автобиографик битиклар нафақат насрй йўсинда, балки шеърий шаклда ҳам яратилиши мумкин. Масалан, Ғафур Ғулом, Миртемир, Турсунбой Адашбоев, Абдулла Орипов ва бошқа бир қатор шоирлар ижодида автобиографизмнинг етук намуналари бўлган шеърлар мавжуд. Абдулла Ориповнинг “Онажон” шеъри автобиографик характерга эга. Шеърда она образи билан параллел равишда шоирнинг ўзи ҳам фаол иштирок этади. Шеър орқали биз шоир ўсиб улгайган оиласвий муҳит, унинг кечинмалари, руҳий олами билан яқиндан танишамиз. Муҳими, шеърда биографик лавҳалар ҳам миллий рух ва юксак бадиият мутаносиблигига тасвиранади¹. Шундай фикрни Ғафур Ғуломнинг “Сен етим эмассан”, Миртемирнинг “Онагинам”, Зулфиянинг “Хотирам синиқлари”, Турсунбой Адашбоевнинг “Фуфайка” сингари асарлари мисолида ҳам айтиш мумкин.

Маълумки, адабиёт ўқув фани узлуксиз таълим тизимининг турли босқичларида ёшларда эзгу маънавий-ахлоқий сифатлар шакллантирилиши учун ўқитилади. Ўқувчилар бадиий асарлардаги адабий образларга хос эзгу жиҳатлардан намуна олиш, ёвуз ва хунук иллатлар ташувчиси бўлган тимсоллардан нафратланиш ҳамда гўзал ва таъсирли тасвиirlар натижасида туйғулари жунбушга келиши натижасида катарсис, яъни руҳий тозаришга эришади. Ҳар қандай асардаги адабий қаҳрамонлар табиатига ижодкор муаллиф характерига хос айрим хусусиятлар ўтган бўлади. Ана шу хусусиятлар ижодкор биографиясига таяниб тушунирилса, ўқувчиларга асарнинг таъсир даражаси ортади. Шунинг учун автобиографик асар адабий таълимда энг кўп таъсир имкониятига эга бўлган битик саналади. Автобиографик асардаги тарихийлик, аниқлик, ҳужжатлилик мавжудлиги

¹ Усарова Л.Абдулла Орипов асарларида миллий рух ифодаси. Филол. фан...фалсафа д-ри (PhD) дисс. автореф.-Т.: 2020. –Б.21.

унинг ишончлилик даражасини кескин кўтаради. Автобиографик асарлар муайян бир ижодкор ҳаёти ва фаолиятига доир аниқ хужжатлар асосида яратилгани билан эътиборга лойик. Бундай асарда ёзувчи баёнидан ташқари, хат, кундалик, хотира сингари турли-туман хужжатлар ҳам катта ўрин тутади.

Автобиографик асар билан кундалик ўзаро бир-бирига ўхшаш ва фарқли хусусиятларга эга. Муаллиф билан асар қаҳрамонининг тўқима бўлмаган бир киши эканлиги, унинг реал ҳаётда мавжуд шахслиги, тасвирланаётган воқеа-ходисалар муаллиф ҳаётига тааллуқли эканлиги каби хусусиятлар бу икки битикни ўзаро яқинлаштиради.

Айни вақтда улар ўртасида яққол кўзга ташланадиган жиддий айирмалар ҳам бор. Автобиографик асар эълон қилиш мақсадида ёзилади, кундалик эса муаллифнинг ўзи гувоҳ бўлган воқелар тўғрисидаги шахсий кузатишлар бўлиб, нашр қилинишни кўзда тутмайди. Автобиографик асарнинг ифода йўсини бадиий услугуб талабларига жавоб беради, кундалиқда эса сўзлашув услуби устувор саналади. Автобиографик асарда ҳикоя қилинаётган воқеа-ходисаларда давр руҳи акс этади. Унда қачондир босиб ўтилган йўлга бугуннинг назари билан қаралади. Кундалиқда эса тасвирланаётган воқеаларнинг юз бериш вақти билан улар ҳакида ёзиш вақти орасида катта даврий масофа йўқ. Бу ҳол ўз ҳаётини бир бутунликда кўришга халал беради, яъни муаллиф босиб ўтган ҳаёт йўли унинг ўзи учун эстетик идрок обьектига айланмайди. Автобиографик асарда бадиий-эстетик таъсиранлик кучли бўлади. Уни ўқиган китобхонда воқелик фактларига нисбатан субъектив муносабат пайдо бўлади. Кундалик қўпчиликка эмас, факат муаллифнинг ўзига хизмат қилиши боис таъсири қилиш эмас, балки муаллифга кундалик фаолиятида содир бўлган воқеа-ходисаларни эслатиш вазифасини бажаради.

“Мутахассислар автобиографик асарни чегарадаги, яъни бошқа жанрлар билан кесишувчи жанр деб ҳисоблайдилар”, – дейилади

“Адабиётшунослик лугати”да¹. Автобиографик асарнинг мемуар битиклар билан ўхшаш томонлари кўп. Аммо мемуар асар муаллифини ўзи учратган кишилар, гувоҳи бўлган ёки қатнашган воқеалар қизиқтиурса, автобиографик асар муаллифининг дикқати ўзининг воқелик билан алоқасининг шаклланиш тарихи, қалб ва онгидаги улар қолдирган изларга қаратилади.

Автобиографик асар билан автобиографик характердаги асарлар ҳам фарқланади. Аввало, ҳар қандай адабий асарда автобиографиклик унсурлари мавжуд бўлишини айтиш керак. Чунки асар муаллифининг ҳаётий тажрибаси асосида дунёга келади: ижодкор ҳаётида юз берган айрим воқеалар, у гувоҳ бўлган ҳолатлар, шулар таъсирида юзага келган ўй-кечинмалар матнга сингиб кетиши табиий. Автобиографик характердаги асарда биографик унсурлар устуворлик қиласи, бадиий тўқима ғоят кам ўрин ажратилади. Реал прототипига эга бадиий асарлардаги каби мемуар битик учун муаллиф-прототип, холос, унинг асосида бошқа бир шахс образи яратилади². F.Ғуломнинг “Шум бола” қиссаси шу хилдаги асарларга мансуб.

Адабий таълим жараёнида муайян бир асарни ўқув (дидактик) таҳлили қилаётганда ўқувчилар эътибори асар муаллифининг ҳаёти ва шахсиятига доир қизиқ ва муҳим воқеа-ҳодиса ёки тутумларга қаратилса, улар ёзувчининг ҳаётга муносабати, дунёқарashi, идеалларини билиб оладилар ва ўрганилаётган асар моҳиятини теранроқ англаб етадилар³.

Биографик жанрга мансуб асарларда хотиралардан фойдаланиш ҳам учраб туради. Бу жиҳат академик Н.Каримовнинг “Абдулла Қодирий ўзи, жигарбандлари ва замондошлари зикрида”⁴ асарида яққол кўзга ташланади. Асарда Абдулла Қодирийнинг ўз ҳаётига доир автобиографик маълумотлар билан бирга унинг ўғли Ҳабибулло Қодирий ҳамда бошқа бир қатор замондош адибларнинг хотиралари келтирилган. Абдулла Қодирийнинг ўз фаолиятига оид фикрлари ўғли Ҳабибулло Қодирий хотираси тарзида

¹ Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати.– Тошкент: Академнашр, 2013. –Б.5.

² Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. – Тошкент: Академнашр, 2013. –Б.5.

³ Рахимов Ж. Адабиёт дарсларида ёзувчи шахсини ўрганиш. –Тошкент: Ўқитувчи, 1975. –Б.9.

⁴ Абдулла Қодирий ўзи, жигарбандлари ва замондошлари зикрида хтпп: //режа .тдпу. ўз/шахсий режа /виесc/артисле/филес/937/тил%20ва%20адабиёт.

берилган.

Жумладан, асарда Ҳабибулла Қодирийнинг: “Суҳбатларнинг бирида дадам “Ўткан кунлар” романининг ёзилиши тарихини қуийидагича ҳикоя қилган эдилар: “Қарийб ярим умрини хон замонларида яшаган, талай ўтмиии воқеаларининг шоҳиди бўлган отам ёшлигимда қизиқ-қизиқ хотираларни сўзлаб берарди. Бу хотиралар менда тарихга қизиқиши уйготди. Сўнгра ўша даврларимиз тарихига оид анча китоб манбалари билан ҳам танишиб чиқдим. Қўлим қаламга хийла келиб қолгач, менда ана шу ўтмиишимиздан Farb романчилиги асосида каттароқ бир асар яратиш ҳаваси туғилди. Тарихий воқеалар бошимда шу қадар кўп, гўё қайнар, менга тинчлик бермас эдилар. Аммо бу воқеаларни қандай қилиб бир ипга тизишини, қозозга туширишини тасаввур қила олмасдим. Узоқ вақт ўйлаб, излаб юрдим...” тарзидаги хотираси келтирилади. Шунингдек, Абдулла Қодирий тилидан: “Мен ёзгувчи, “Ўткан кунлар” ҳикояларини отам марҳумдан неча қайталаб эшиштсан ҳам зерикмас эдим, фақат бир жойигина мени зериктирап эди. Бу кун мен шу “Ўткан кунлар”ни қаламга олганимда ўша ўзимни зериктирган фаслини ташлаб ўтишка мажбур бўлдим. Дарҳақиқат, ўз орамизда кундош жанжалини ким билмасин? Зайнаб хафалиги ошқан кезларда қариндош уруғлариникига юриб, чигилини ешар эди...” йўсинидаги хотирадан ҳам фойдаланилади.

Шуниси характерлики, автобиографик асарларда воқеалар асосан даврийлик нуқтаи назаридан изчил тартиб билан ҳикоя қилинса, хотираларда фикрлар тизимли тарзда берилмайди. Хотира муаллифи ўзининг ёдида қолган воқеанигина ҳикоя қиласди. Хотирада муаллиф иштироки мухим ўрин тутади. Масалан, ўзбек адаби Ғайратий хотираларида Абдулла Қодирий билан боғлиқ воқеа шундай тасвирланган: “Мен 1924-1925 йилларда эски Жўва маҳалласидаги биринчи босмахонада ишлар, мусахҳиҳлик қиласди эдим. “Ўткан кунлар”нинг 1-2-бўлимларини нашр қилишида иштирок этганман. Романнинг қўлёзмаси “Турон” кутубхонасида ишловчи Абдулла Носировнинг равшан дастхати билан пешма-пеш қўлимиизга тушарди. Абдулла акамнинг

ўзлари ҳам матбаага тез-тез келиб, босмага ёрдамлашиб турар эдилар... ...1925-йилнинг ёзларида бўлса керак, босмахонадан бўшаб, ўқитувчилик ва “Муштум” журналида штатсиз мухбирлик қилиб юрдим ...“Ўткан кунлар”нинг босилиб чиқиши ярим кечада момақалдироқ гулдираб, чақмоқ тун пардасини чок-чок қилиб ташлагандек воқеа бўлди. Тунги қутимаган момақалдироқ коинотни ларзага келтириб, жонзотларни уйготиб юборганидек, Абдулла Қодирий асари ҳам мудроқ халқни уйготиб юборди”.

Хотираларда баъзан ҳикоя қилинаётган воқеаларнинг санаси аниқ кўрсатилмайди. Муаллиф ўтмиш воқеаларини тахминий тарзда хотирлайди. Бу ҳол юқоридаги кўчирмада бўлганидек, тубандаги хотирада ҳам учрайди: “Йигирманчи йилларнинг ўрталари эди, шекилли, мен Тошкентда, Ўлка ўзбек билим юртида ўқир эдим. Дарсдан сўнг юқори синф талабаларига эргашиб, шаҳардаги бирор кутубхонага борардик... Озарбайжон ва Татаристонда нашр этилган китоблар ўша вақтда ҳам кўп бўларди... Ўша кунларда тўсатдан “Ўтган кунлар” майдонга келди. Бу романнинг нашр этилиши чақмоқдек таъсирли бўлгани ёдимда”.

Хотиралар маълум бир ижодкор тўғрисида бўлса, ўша ижодкорнинг яратган асари билан боғлиқ ёдда қолган воқеалар тилга олинади. Хотиралар муаллифларининг ҳам аксарияти бадиий ижод билан шуғулланувчи кишилар бўлади. Хотираларда баъзан назарда тутилган адебининг кундалик фаолияти билан боғлиқ воқеалар ҳам тилга олинадики, бу ижодкор характер хусусиятлари, атрофдагиларга муносабати, хуллас, инсоний қиёфасини ёрқинроқ акс эттиришга хизмат қиласи.

Машхур олима Музайяна Алавиянинг хотиралари Абдулла Қодирийнинг ёзувчи сифатидаги ўй-орзулари, мақсадлари тўғрисида муҳим маълумот беради: – *Хирмонтепадаги ўрта мактабда ишилаб юрганимда, кўпчилик қатори мен ҳам шаҳарга пиёда қатнардим. Агар кечикиб ёки толиқиб қолсам, машхур адаб Абдулла Қодирий (Жулқунбой)нинг Самарқанд дарвозадаги бозига кириб қолардим... ...Бир кун Абдулла акани қизиқ ҳолатда кўрдим. Хонасида узоқ ўтириб, китоблар орасидан чиқиб келди. Кўзлари*

ийелагансимон, аммо рухи баланд эди. Ҳайрон бўлиб қараб қолганимни сезиб: “Ўйлаб юрган романимни ёзиб битирсам, китоб бўлиб чиқса, қўрқаманки, “Ўтган кунлар”, “Мехробдан чаён”ларни ҳеч ким ўқимай қўяди”, – деди¹.

Хотира жанри учун қатъий мавзу кўлами белгиланмайди. Унда нафақат реал шахсларга доир қузатишлар, балки бошқа маълумотлар ҳам келтирилиши мумкин. Бу саёҳат, учрашув, бирор тадбир кўринишида бўлиши мумкин. Қуйидаги парчада адабиётшунос олим А.Хайитметовнинг Арманистонга қилган ижодий сафари хотира тарзида баён қилинган: «Сентябрь ойи. Осмонда қуёши чарақлаб турибди. Ереваннинг кўчакўйларида ҳаёт қайнайди. Бизни кутиб олган ва кўргани келган олимлар, ёзувчилар юзида табассум, кулги. Улар бизга жуда кеч хабар берганликлари учун бизнинг тантанали кечага етиб боришимиз ҳақида ташвишида эканлар. Бизни кўриб, ўзларининг хурсандчиликларини билдиридилар ва бу кечани ўтказишига катта тайёргарлик кўрганликларини, шу мақсадда шаҳар марказидаги филармония биносини янги таъмирдан чиқарганликларини сўзлаб бердилар. Чиндан ҳам филармониянинг пешайвони, томоша зали, улкан қандиллар биз кирганда ярқиллаб турар, дилга чексиз равшанлик бағишилар эди. Тантанали кечада Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида Арманистоннинг таниқли шоюри Вааган Арменакович Давтян маъруза қилди»².

Автобиографик асарлар нафақат маълум бир ижодкорнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида, балки у яшаган давр тўғрисида ҳам маълумот берувчи муҳим манба ҳисобланади. Адабиётшунос О.Тошбоев Ойбекнинг “Болалик хотираларим” асарининг яратилишини қуйидагича талқин қиласди: “Болалик хотираларим” – Ойбекнинг битмаган, битолмаган асарлари, шонли тарихдан хикоялар сўйлаб берган ардоқли инсонлар рухи олдидаги узроҳлиги, сўнгсиз армони, тазарруси... Бу узроҳлик “Уламоларни иззат қилинг, шариатни, охиратни ўйланг, аҳли уламо – халқнинг ёлгиз раҳбари” дея ўгит берган

¹ Мисоллар академик Н.Каримовнинг “Абдулла Қодирий ўзи, жигарбандлари ва замондошлари зикрида” китобидан олинди.

² Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. –Т.: Ўқитувчи, 1997. –Б.235.

домлалари; кўзини очган Таваллою Беҳбудийлар, Чўлпону Мунавварқориларга изҳор этилган. Ҳа, бундай изтиробли ҳол қалбини имон нури тарк этмаган ҳар бир инсонда, айниқса, ижодкорда рўй бериши шубҳасиз. Адиб ярим асрлик умрини сарҳисоб этар экан, Мираҳмад сарбозлар аламини, юртда муқимбой бўлиб қолган мочаловлар кирдикорини, қинда қолиб кетган қиличлар армонию шимолда жон таслим этган мардикорлар додини бита олмаганига ўкинганд. Мана шу ўкинч ва қарздорлик хисси фурсати етиб “Болалик хотираларим”га айланади¹.

Олимнинг бу қарашлари тўғрилигини Абдулла Қахҳорнинг автобиографик битиклар борасидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди. «Кўпчилик каби мен ҳам, – деб ёзади А.Қахҳор, – «ёзувчилик» нималигини, шахсий тажриба, таассуротлар адабий асар учун ниҳоятда қимматли материал бўлишини тушуниб олгунимга қадар анча овора бўлганман. Буни билиб олганимдан кейин болалик чоғимда кўрганим, одамлар, ёшлигимда содир бўлган воқеа-ҳодисалар бошқача бўлиб кўринди. Ўтмиш чуқур ертўлалардаги шароб сингари хотирада тинийди, орадан қанча вақт ўтса, шароб шунча тиник ва кучли бўлганидай, ёшликда кўрган-кечирганлар энг соф ва кучли хотиралар бўлиб, умрбод эсдан чиқмайди. Ўтмишдаги ана шу таассуротларим кейинчалик, кўпгина ҳикояларим учун асос, йирик асарларимга эпизодлар бўлиб хизмат қилди»².

“Ўтмишдан эртаклар” ёзувчи ижодининг ўзига хос якуни, сўнгти чўққиси бўлди. “Ўтмишдан эртаклар” муаллифнинг болаликда кўрган-кечирганлари ҳақидаги автобиографик асар, бироқ ўзбек адабиётидаги мавжуд автобиографик асарлардан, яъни Ойбекнинг “Болалик” қиссасидан кескин фарқ қиласи. Бола образи Ойбек қиссасида биринчи ўринда турса, “Ўтмишдан эртаклар”да бола Абдулла образи орқа ўринда туради, у асосан “кузатувчи”, “гувоҳ”, “холис ҳикоячи” тарзида берилади; ёзувчининг асосий дикқат-эътибори бола гувоҳлигида оиласида, оила теварагида юз берган

¹ Тошбоев О.Китобга сифмаган ҳақиқатлар. – “Тафаккур” журнали, 2020. З-сон.

² Қахҳор А. Ҳаёт ҳодисасидан бадиий тўқимага: «Адабиётимиз автобиографияси». – Т., 1973, –Б.196.

воқеаларни чизишга қаратилган. Қиссада ёзувчи ҳикоянавислигича қолади, охирги “Кўқон харобалари орасида” бобини мустасно этганда, қиссанинг сарлавҳаланган деярли ҳар бир боби тугал ҳикоядир, фожеали руҳдаги воқеий новеллалардир. Қиссада инсон шаъни, қадри билан боғлиқ аламли ўйтуйғулар, жаҳолатга қарши исён бу қиссада адабнинг сўнгги фарёди каби янгради¹.

Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон ўзининг “Ажинаси бор йўллар” қиссасида болалик хотиралари, турмуш кечинмалари ҳақида ёзаётуб, отасини эслайди: “Дадам араб, лотин, кирилл имлоларида bemalol ўқиб-ёза олса-да, дунёвий илмларга, сиёсатга ўта бефарқ эди. Айниқса, эшонлар сулоласидан бўла туриб, диний илмда ҳам оқсоқлиги кўпларни таажжубга соларди”².

Олима Қундузой Ҳусанбоеванинг “Таҳлил – адабиётни англаш йўли” китобида мактаб дарсликларидағи автобиографик характерга эга бўлган асарлар ҳақида тўхталиб, шундай дейди: “Олтинчи синф “Адабиёт” дарслигига улуғ ёзувчи Одил Ёқубовнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ихчам маълумот берилган. Ўрганилиши лозим бўлган “Музқаймоқ” ҳикояси ҳам худди Эркин Воҳидовнинг “Нидо” достони сингари қайсиadir даражада автобиографик характерга эга. Шунинг учун ҳам бу мақолани ўқиб келиш аввалги дарснинг охирида уй вазифаси сифатида топширилади. Биринчи дарсда адаб шахсини очишга, унинг оғир болалик йиллари ҳақида тасаввур пайдо қилишга озгина вақт ажратилади. Ўқувчилар эътибори “Музқаймоқ”да акс этган тарихий шароит, адабнинг болалигидаги қатағон йилларида юз берган адолатсизлик ва ёвузликлар унинг шахси шаклланишига, ёзувчилик тақдирида қандай из қолдирганига қаратилиши мақбул бўлади”³.

“Адабиёт” дарсликларини кузатиш шуни кўрсатадики, адабнинг болалиги, ўсиб улгайиш даври жуда қисқа ёритилади ва бундан унинг шахси, ички олами, руҳияти ва идеалларини билиб олиш қийин. Адабнинг

¹ <https://www.google.com/search?q=%D0%BC%D0%BE%D0%BF%D0%BB%D0%BE%D0%BD%D0%BA%D0%BE%D0%BC+%D0%BE%D0%BD%D0%B0%D0%BC%D0%BE%D0%BD%D0%BA%D0%BE%D0%BC>

² Anvar Obidjon. Ajinasib bor yo'llar. –Toshkent: «Sharq yulduzi» jurnali, 2014. 1-2-sonlar.

³ Ҳусанбоева Қ. Таҳлил – адабиётни англаш йўли. – Ташкент: Мухаррир, 2013. –Б.200-201.

болалигига ёки ўқувчилиги пайтида тақдирининг белгиланишига сабаб бўлган ҳодисалар баёни ўқувчи шахсининг шаклланишига у ёки бу даражада ўз таъсирини кўрсатиши мумкин”¹.

Ўзбек адабиётида хотира тарзида битилган автобиографик битиклар кўп. Хотиралар ва автобиографик асарларни ўзаро таққослаганимизда улар орасида қуйидаги фарқлар мавжудлиги аниқ бўлади.

Автобиографик асар тузилиши, асар композицияси хотиралардан тубдан фарқ қиласи. Уларда муаллиф ҳаёти билан боғлиқ воқеалар маълум бир тизим асосида баён қилинади. Хотираларда эса маълум шахс ҳаётининг сўзловчи хотирасида қолган қисқа бир даври хикоя қилинади. Автобиографик асарда воқеалар муайян якуний тугалликка эга бўлади. Хотиралар эса қисқа воқеаларни қамраб олади. Уларни йирик ҳажмли асардан узиб олинган парча дейиш мумкин. Автобиографик асарлар асосан бадиий ижод билан шуғулланувчи кишилар томонидан яратилади. Хотиралар эса турли қасб эгалари томонидан ёзилаверади. Автобиографик асарларда бадиий услугга хос бўлган хусусиятлар кучли бўлади. Уларда ифода тасвир воситалари, бадиий санъатлар кўп қўлланилади. Хотираларда эса сўзлашув услуги таъсири яққол сезилиб туради, баён етакчилик қиласи. Автобиографик асарларда муайян шахснинг адабий портрети яратилади. Хотираларда эса асосан бу ҳақда қисман маълумот берилади.

Автобиографик асарда ҳужжатларга таяниб иш кўрилади. Тарихийлик, аниқлик, ҳужжатлилик унга хос белгилардан ҳисобланади. Гарчи реал борлиқ ва аниқ шахс ҳаётини акс эттиришга бағишлиланган бўлса-да, автобиографик асардан бадиий мукаммаллик, эстетик бутунлик талаб этилади. Бу типдаги асарларнинг бадиийлиги борасида сўз кетганда профессор Д.Қуруновнинг қуйидаги фикрларини келтириш ўринли бўлади: “Биографик материал (ёзувчи ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳужжатлар, у ҳаракат қилган муҳит ва шу муҳит кишилари билан ўзаро алоқалари

¹ Husanboyeva Q., Niyozmetova R. Adabiyot o‘qitish metodikasi. O‘quv qo‘llanma. –T.: INNOVATSIYA-ZIYO, 2020.–B.293.

ҳақидаги маълумотлар, унинг ёзишмалари, у ҳақдаги хотиралар ва б.) қанча бой бўлса, методни қўллаш шунча самарали натижалар беради. Албатта, биографик материал мутлақ тўлиқ бўлмайди, яъни ёзувчининг ҳаётини кунма-кун ҳужжатли асосда тиклаш маҳол. Шунинг учун биографик материал муаллиф ҳаётига оид фактларни жонлантириш, етишмаган ўринларни тўлдиришни ҳам тақозо этадики, бу ҳол унга гипотетик унсурларни ҳам олиб киради”¹.

Бадиий асарни ўрганиш, унинг мазмун-моҳияти, муаллифнинг бадиий нияти, тасвир маҳорати, эстетик концепциясини аниклашда ижодкорнинг шахси билан боғлиқ маълумотлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ижодкорларнинг ҳаёти ва ижоди табиийки, у яшаган даврнинг тарихий-адабий муҳити билан боғлаган ҳолда ўрганилади. Профессор Қозоқбай Йўлдошевнинг бадиий асар таҳлилига доир қарашларида бу муаммога доир характерли кузатишлар бор. Айрим ўринларда айни бир ижодкор бошқа касбдошлари билан қиёсланса, баъзан яқинлари, муҳлислари, ҳатто, рақибларининг муносабатлари хусусида ҳам маълумотлар бериб ўтиш ўқувчиларни муаллиф шахсиятига яқинлаштиради, улардан ибрат олишга ундейди.

Ўқитувчи ижодкорнинг таржимаи ҳоли ҳақида ўқувчиларга маълумот беришда у ҳақда дарсликларда қайд этиладиган барча биладиган маълумотларни тақрорлаш ўрнига ёзувчи тўғрисида болаларда ҳайрат уйғотадиган, тақлид қилишга чорлайдиган ўзига хос хатти-харакат, тутум, одат сингариларни билдириши мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун ўқитувчи ўз устида тинимсиз ишлаши, мустақил изланиб, ижодкор ҳаётига доир ўқувчилар эътиборини тортадиган маълумотларни топиб, йиғиб бориши лозим бўлади.

Бу борада, айниқса, ижодкорнинг замондошлари томонидан у ҳақдаги хотиралар ёки ижодкорнинг ўзи ҳақида ёзганлари, турли мактуб ва ёзишмалардан фойдаланиш машғулотларнинг мазмунли чиқишини

¹ Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати – Тошкент: Академнашр, 2013. –Б.72.

таъминлайди. Яратган асарлари ҳам ижодкорнинг шахсиятига доир муайян маълумотлар бериши мумкин.

Боб бўйича хуносалар

1. Автобиографик асарларнинг дастлабки элементлари туркий халқлар тарихи ҳақида ўз тилимизда маълумот берадиган энг қадимий манба – Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликларида учрайди. Ушбу обидаларда улуснинг шонли тарихида ёрқин из қолдирган шахсларнинг биографиясига доир қизиқарли маълумотлар ҳикоя қиласди.

2. Автобиографик асарлар муайян жамиятда фикр эркинлиги, ундаги одамларнинг шахслик жиҳатларига эътибор қаратилган шароитда пайдо бўлиб, тараққий этади.

3. Автобиографик асарларда тасвирланган бош қаҳрамон ҳам реал шахс сифатида, ҳам бадиий образ сифатида намоён бўлади. Демак, бундай асарда ҳаётий реаллик бадиийлик билан уйғунлашади

4. Автобиографик асар билан мемуар адабиёт доирасида қаралувчи кундалик, хотира сингари битиклар ўртасида ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлар мавжуд. Муаллиф ва қаҳрамоннинг бир киши эканлиги, етакчи образ бадиий тўқима шахс бўлмай, реал одамлиги, тасвирланаётган воқеа-ҳодисалар муаллиф ёки тасвирланаётган бир киши ҳаётига тегишли эканлиги бу битикларни ўзаро яқинлаштиrsa-да, уларнинг қўлланиш доираси, ёзилиш мақсади ва услубига кўра улар орасида жиддий фарқлар мавжуд.

5. Автобиографик асарларда воқеалар даврийлик нуқтаи назаридан изчил тартиб билан ҳикоя қилинса, кундалик ва хотираларда фикрлар тизимли тарзда берилмайди. Хотира муаллифи ўзининг ёдида қолган воқеанигина ҳикоя қиласди.

6. Маълум бир ижодкорнинг ҳаёти ва фаолияти акс этган автобиографик асарларни таҳлил қилишда муаллиф ҳаётидаги муҳим сана ва воқеаларнинг қуруқ саноги билан чекланиш ярамайди. Ижодкор шахсига ёндашувда ижодкорнинг таржимаи ҳоли, индивидуаллиги, истеъоди,

услуби, яшаган мұхити, қизиқишилари каби факторлар мұхим саналади. Ижодкор фаолиятининг маҳсули бўлмиш санъат асарида нафақат бадиий ҳодиса, балки руҳий, маданий, фалсафий, тарихий, диний қадриятлар ҳам ўз аксини топади.

П БОБ. МУМТОЗ АДАБИЁТ НАМУНАЛАРИНИ ЎРГАНИШДА БИОГРАФИК БИТИКЛАРНИНГ ЎРНИ

2.1.§. Мумтоз асарларнинг ўқув таҳлилида тазкиралардан фойдаланиш йўллари

Таълим тизимининг турли босқичларида мумтоз адабиёт намуналарини ўқувчиларга ўргатиш ва шу орқали ёшларда аждодлар томонидан яратилган адабий меросга ҳурмат руҳини шакллантириш, уларда қизиқиш уйғотиш долзарб масала ҳисобланади. Умумтаълим мактабларида мумтоз адабиёт намуналарини ўқитишининг илмий-методик асосларини тадқиқ этган Валижон Қодиров мумтоз адабиётни ўқитиши олдига қўйиладиган вазифани: “Мумтоз бадиий тафаккур тарзини англайдиган, образлар табиати ва улар ўртасидаги муносабатни идрок этадиган, рамзий ва мажозий тасвирни талқин ва таҳлил қила оладиган, мумтоз сўз жозибасини ҳис этадиган, мутолаани ўзининг ҳаётий эҳтиёжига айлантирган, адабиётни олам ва одамни тушуниш воситаси деб биладиган юксак маънавиятга интилевчи китобхон ўқувчини шакллантириш”¹ тарзида белгилайди.

Узоқ тарихга эга мумтоз адабиётимизда асарлари ўз даври ва кейинги замонлар синовидан ўтиб келаётган буюк ижодкорларнинг кўпчилиги қомусий билимга эгалиги ва ҳурматга лойиқ шахсияти билан бугунги одамларнинг ҳам эътиборини тортади. Биламизки, бундай ижодкорлар факат гўзал асарлар ёзиш билан чегараланмай, турли илмларни эгаллаганлар, кўп хунарлар қўлидан келган, улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширганлар. Мумтоз адибларнинг кўпчилиги хаттотлик, мусиқа, нотиқлик сингари хунарлар ва турли диний ҳамда дунёвий илмларни билганлари ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Ўқувчилар ижодкорларнинг серқирра шахсиятидан қанчалик чуқур хабардор бўлсалар, болаларнинг адибларга ўхшашга интилишлари шунчалик кучли бўлади.

¹Қодиров В.А. Умумтаълим мактабларида мумтоз адабиёт намуналарини ўқитишининг илмий-методик асослари. Пед. фан. докт. (DSc)...дисс. –Наманган, 2019. –Б.55.

Адабий таълим жараёнида ўқувчиларга мумтоз адиблар шахсияти борасида қизиқарли маълумотлар беришда ўқитувчиларга тазкиралар, хотиралар, ҳасби ҳоллар ва бошқа тарихий мемуар битиклар яқиндан ёрдам беради. Умумтаълим мактабларининг 10-синф “Адабиёт” дарслигига “Тўнюқуқ битиктоши”нинг берилиши қадим Туркистонда автобиографик битиклар тарихи қанчалик олис даврларга бориб тақалишини кўрсатади. тошбитикдаги: “*Билга Тўнюқуқ – бан. Ўзум Табғач алинга қилинтим. Турк бўдун Табғачқа кўрур арти*”¹. Мазмуни: [(Мен) – билга Тўнюқуқман. Ўзим Табғач элида вояга етдим. (Ўша кезлар) турк халқи Табғачга қарам эди]. Маълумки, Тўнюқуқ – тарихий шахс номи. У иккинчи турк ҳоқонлигига асос солган Элтариш ҳоқонининг маслаҳатчиси ва саркардаси бўлган. Тўнюқуқ «*Турк Билга ҳоқон давлатида бу битигни ёздиридим*» дейди. Билга ҳоқон Элтариш ҳоқонининг ўғли эди.

Битиктошдаги воқеалар Тўнюқуқ тилидан ҳикоя қилинади: «*Мен – Доно Тўнюқуқман. Ўзим Табғач давлатида вояга етдим. Турк халқи Табғач давлатига бўйсунар эди...*» Сўнг ана шу даҳшатнинг – туркийларнинг ўз эркини қўлдан бериб қўйишиларининг сабаби айтилади: «*Турк халқи бошибоидоқликка, ўзибўларчиликка, бепарволикка йўл қўйди... ўзининг хони билан бирга бўлмади*». Мустамлака азоби, босқинчилар таҳқири ёдгорликда қисқа ва лўнда, аммо ниҳоятда таъсирчан тарзда ифодаланади: «...*Табғачга таслим бўлганлиги учун тангри, ўл деган, шекилли, турк халқи ўлди, йўқ бўлди, тугади. Турк Сир халқи ерида бирорта ҳам уруғ қолмади*»².

Ушбу битиклар ўқувчиларга узоқ ўтмишда яшаб ўтган боболар тўғрисида қийматли маълумотлар беради. Улардан Билга ҳоқоннинг тадбиркор, жасур, иродали шахслигини билиб олиш мумкин бўлади. Матн шунчаки ўқиб кетилавермай, унинг муаллифи ва бош қаҳрамонларининг шахсиятига доир муайян маълумотларга эга бўлиш ўқувчиларда эзгу

¹ То‘xliyev B., Karimov B., Usmonova K. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 10-sinfi uchun darslik (1-qism).– Toshkent: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2017. –B.30.

² То‘xliyev B., Karimov B., Usmonova K. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 10-sinfi(1-qism) uchun darslik.– Toshkent: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2017. –B.43-44.

маънавий-ахлоқий сифатлар шакланишига хизмат қилади. Қабртошдаги ёзувлар туркий қавмларнинг илк ёзувчиси Йўллиғ Тегин томонидан ёзилгани ҳам битикларнинг ўзида қайд қилинган. Бу ҳол ўн тўрт-ўн беш аср олдин яшаб ўтган боболар шахсиятига хос хусусиятларни акс эттириши билан ўспириналарда шахслик сифатлари қарор топишига ижобий таъсир қўрсатади.

Ўрта мактабларнинг 11-синфи учун чиқарилган “Адабиёт” дарслиги мумтоз адабиётга оид қимматли материалларга бойлиги билан ажралиб туради. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғотит турк” асари муаллиф шахсияти ҳақида унинг ўзи томонидан айтилган маълумотлар билан ўзгача аҳамият касб этади. Битикдаги: «*Барсан – Афросиёб ўғлининг номи. Барсан шаҳрини бино қилган шудир. Маҳмуднинг отаси шу шаҳардан*» деган маълумотлар Кошғарийнинг боболари қадимда Иссиққўл атрофида яшашгани, худди шу ерда Барскон шаҳри бўлганидан далолат беради. Муаллифнинг: «*Мен бу китобни маҳсус алифбо тартибида ҳикматли сўзлар, сажъ (қофияли наср)лар, мақоллар, разжаз (мисралари нисбатан узунроқ бўлган шеър тури) ва наср деб аталган адабий парчалар билан безадим... Бу ишида мисол тариқасида туркларнинг тилида қўлланиб келган шеърлардан, шодлик ва мотам кунларида қўлланадиган ҳикматли сўзлардан, мақоллардан келтирдим*», – дейиши бошида бадиий адабиётга алоқаси йўқдай туюладиган асарни ўқувчиларга яқинлаштиради. Шунингдек, адибнинг асарга материал йиғишига доир уринишлари акс этган: “*Мен турклар, туркманлар, ўгузлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳарлари, қишлоқ ва яйловларини кўп ишлар кезиб чиқдим, лугатларини тўпладим*”, – тарзидаги икрори унинг туркий тил бойликларини тўплаш борасидаги заҳматлари унинг шахсиятини ўқувчиларга яқинлаштиради. Адабиёт сабоқларининг қизиқарли бўлиши, ўрганилаётган асарнинг ўқувчилар томонидан севиб қолиниши, кўп жиҳатдан, унинг муаллифи шахсиятини яхши кўришдан бошланади.

Мумтоз адабиётда ижодкор шахсияти, унинг бадиият тараққиётидаги ўрни тўғрисида маълумот берувчи асосий манба кўпроқ уларнинг ўз асарлари хисобланган. Бу ҳол Ўрта Осиё халқлари бадиий тафаккури тарихида муҳим

ўрин тутган Юсуф Хос Ҳожиб мисолида ҳам кўринади. “Қутадғу билиг” асарида шоирнинг ўзи тўғрисидаги маълумотлар учрайди: “*Бу туғмиши елиндин чиқиб барғани, Китабни қўшубан тугал қилғани*”. Яъни: “Бу ўз туғилган элидан чиқиб боргани, Китобни жамлаб тугал қилгани” айтилади. Адиг асарини ёзишга бир ярим йил вақт сарфлагани: “*Тугал ўн саккиз айда айдим бу сўз, Ўдурдум, адирдим сўз эвдим тера*”. Мазмуни: “*Бу сўзларни тугал ўн саккиз ойда айтиб бўлдим, Танладим, фарқладим, териб сўз йигиб (тўпладим)*”. Ўн саккиз ой, табиийки, асарни бевосита ёзиш учун сарфланган муддат. Адиг бу китобни ёзишга узоқ тайёргарлик кўргани ва кўп куч сарфлагани аниқ.

Асарнинг Қашғарда тугатилгани ҳам маҳсус қайд этилади: “*Баруси битилмиши, етурмиши низам, Бу Қашғар элинда қўшулмиши тамам*”. Мазмуни: “*Борини ёздим, тартиб бердим, Бу китоб Қашқар элида ёзигиб тамомланди*”. Эътиборлиси шундаки, «Қутадғу билиг»да достоннинг ёзилиши санаси ҳам қайд этилган: “*Йил алтмиши еки тўрт юз била, Бу сўз сўзладим мен тутиб жсан сурा*”. Мазмуни: “*Тўрт юз олтмиши иккинчи йил эди, Мен жонни койитиб ушибу сўзни сўзладим*”. Ҳижрий йил ҳисобидаги 462 йил милодга айлантирилса, 1069-1070 йилларга тўғри келади. Достон муаллифининг оти Юсуф эканлиги асар сўнгидаги қасидалардан бири орқали билиб олинади: “*Э Юсуф, керак сўзни сўзла кўни, Кераксиз сўзуг кезла, қилга қўр-a*”. Мазмуни: “*Эй Юсуф, керак сўзни рўйи рост сўзла, Кераксиз сўзни яшир, (чунки у) зиён қиласди*”¹. Асарни тадқиқ қиласган Қ.Каримов, Б.Тўхлиев сингари ўзбек ва В.В.Радлов, В.И.Бартолд, Н.А.Баскаков, С.Е.Малов, Е.Э.Бертелс, А.А.Кононов каби рус олимлари битикнинг автобиографик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратишган².

¹ http://library.navoiy-uni.uz/files/adabiyot_oqitish_metodikasi.pdf

² Радлов В.В. Кутадгу билиг. Факсимила уйгурской рукописи императорской и королевской придворной библиотеки в Вене. Спб., 1990, –220 с.; Радлов В.В. Турфандские текст в лингвистическом отношении. ЗВОРАО, 1911-12, т XXI, –с 15-17. Бартольд В.В. Богра-хан, упомянутый в «Кутадгу билиг». Соч.. т У, М., Наука, 1968; Очерк истории Семиречья. Соч., т. П., ч 1. –М.: Наука. 1963. –с. 40-47; 3 Бартольд В.В. Богра-хан, упомянутый в «Кутадгу билиг». Соч., т У. –М.. Наука, 1968; Малов С.Е. Из третьей рукописи «Кутадгу билиг». – Изв.АН СССР, отд. гум. наук. 1929, № 9, –с. 734-754.; Образцы древнетюркской письменности с предисловием и словарем. –Ташкент, 1926. –84 с.; Кутадгу билиг. Факсимиле, - СВ, V, 1948, –с. 327-328; Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков. –М.: Высшая школа, 1962; Роль уйгурокарлукского

Олам, одам ва ислом динининг пайдо бўлиши ва уларнинг тараққиёти истагида босиб ўтилган узоқ ва мاشаққатли йўл, Аллоҳ элчиларининг синовларга тўла ҳаёти ҳаққоний акс эттирилган «Қисаси Рабғузий» (хижрий 710, милодий 1309-1310 йиллар) асарининг муқаддимасида китоб муаллифи ҳақида ғоят қисқа маълумот берилиб: “...бу китобни тузган, тоат йўлида тизган, маъсият (шариатга хилоф тарзда иш тутиш, гуноҳ) ёбонин кезган, оз озуклуғ, кўп ёзуқлуғ Работ ўғузининг қозиси Бурҳон ўғли Носируддин...”, – дейилган. Асарда битикнинг юзага келиш сабаби ҳам кўрсатилиб, унинг Носируддин Тўқбўға отлиғ бекнинг топшириги асосида ёзилгани: “...йигитлар ариғи (поки), улуг отлиғ, қутлуғ зотлиғ, эзгу хулқлиғ, ислом ёриғлиқ, мўгул санилиғ, мусулмон динлиғ, одамийлар инончи, мўминлар қувончи, ҳиммати адиз (юксак), ақли тенгиз бег”, тарзида қайд этилган¹.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, адабиёт дарсларида муаллиф томонидан берилган автобиографик маълумотлардан ташқари, у ҳақда бошқалар томонидан билдирилган фикрларга ҳам таяниш жиддий дидактик самара келтиради. Мумтоз адиблар ҳақидаги бундай манбалар ўқувчини адибларнинг маънавий дунёсига яқинлаштиради, уни бир тирик одам сифатида туйиш имконини беради. Адиг шахсиятини яхши биладиган замондошларининг ёзган хотиралари ўқувчиларнинг ижодкор ва унинг асарига қизиқиб қолишини таъминлайди. Бу тўғрида адабиётшунос ва методист олим профессор Б.Тўхлиев ўзининг “Адабиёт ўқитиш методикаси” китобида: “Айрим адибларнинг таржимаи ҳолини ўрганишда бошқа кишилар, машхур шахслар, йирик олимлар, йирик давлат ва жамоат арбобларининг фикрларидан ҳам фойдаланиш мумкин бўлади. Масалан, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммадизо Эрниёзбей

литературного языка-Карахандского государства в развитии литературных языков средневековья Сов. Тюрк., 1970, № 4 –с 13-19; Бертельс Е. Э. Изречение Ибрахим ибн Адхама в «Кутадгу билиг». Суфизм и суфийская литература., –М.: Наука, 1965; Подготовка к изданию наманганской рукописи «Кутадгу билиг». –Литературная газета. 1945 10 марта; «Хабат ал-хакайик» Ахмад Югнаки. Трудм САГУ новая серия, выш.3 кн, 1., Самарканд, 1945, –с 16; Кононов А.А. Слово о Юсуфе из Баласагуна и его поэме «Кутадгу билиг». - СТ, 1970, № 4, –с. 3-12.

¹ То‘xliyev B., Karimov B., Usmonova K. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktabalarining 11-sinfi(1-qism) uchun darslik-majmua. – Toshkent: «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2018. – B.101.

ўғли Огаҳий, Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат сингари кўплаб мумтоз адабиётимиз вакилларининг ҳаёти ва ижодини ўрганишда шу усулдан фойдаланиш яхши самара беради”¹, – деган фикр билдиради.

Ёзувчининг шахси тўғрисида муҳим маълумот берувчи манба ижодкорнинг замондошлари, у билан мулоқотда бўлган, турли суҳбат, воқеаларда иштирок этган ёки унинг шахсияти ва ижодини пухта ўрганган кишилар ҳисобланади. Масалан, Бобур тўғрисида қуидаги фикрлар Бобурни ижодкор шахс сифатидаги қиёфасини тиклаш ҳамда унинг кўркам битикларини англаб етишга ёрдам бериши шубҳасиз:

“*Тарихи Рашидий*”дан: “У турли гўзал фазилатлар, мақтовга лойик сифатларга эга подшоҳ эди. Барча сифатлари ичидаги шижаат ва муруватпешалиги устун келар эди“.

Ҳасанхўжса Нисорий: “Чигатой султонларининг энг сараси ва зўр шижаатлиси эди“.

Жавоҳарлаъл Неру: “Бобур дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик хукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган, у санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур олишни яхши кўрарди. Унинг набираси Акбар яна ҳам дилбарроқ бўлиб, кўп яхши фазилатларга эга бўлган“.

Монстюарт Елфинстон: “Унинг услуби оддий ва мардона, жонли ва образли. У ўз замондошларининг қиёфалари, урф-одатлари ва интилишларини, қилиқларини ойнадек равshan тасвирлайди. Шу жиҳатдан бу асар Осиёда ягона, чинакам тарихий тасвир намунасиdir“.

Румер Годен: “Бобур бунёд этган давлат гарчи боболариники сингари бепоён минтақаларга ёйилмаган бўлса-да, у ўз салтанатининг султони, буюк императори даражасига кўтарилди. Ўз мулкида бошқарув тизимини маҳкам тутиб, уни моҳирлик билан идора қилди. Бу ўлкани 332 йил давомида маҳорат билан бошқарган буюк сулолага асос солди”.

Пиримқул Қодиров: “Бобур мирзо сўз билан жонли тасвир яратиш маҳоратини мукаммал эгаллаган адиб эди. Буни ўзи ҳам сезарди. Шунинг

¹Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиши методикаси. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. –Б.123.

учун умрининг охирида ўғли Ҳумоюнга “Бобурнома” ни тугаллаб тақдим этганида унга бир рубойй илова қиласи:

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,
Оlam элидин турфа ситамлар кўрдум,
Ҳар ким бу ”Вақойиъ“ни ўқир, билгайким,
Не ранж-у не машаққат-у не ғамлар кўрдум¹.

11-синф “Адабиёт” дарслигида инглиз олими Денисон Росснинг Бобур ҳақидаги фикрлари ўқувчиларнинг Бобур шахсияти борасидаги тасаввурларини кенгайтириб, уни ўспириналарга яқинлаштиради: “Бобур туркий шеъриятда Алишер Навоийдангина кейинги ўринда эди. У соғ ва нафосатли туркийда девон тартиб этди. У назм йўлида “Мубайин“ аталмии асарини яратиб, шу билан кўпчилик томонидан фойдали деб топилган исломий ҳуқуқшуносликка доир таълимотнинг муаллифи бўлди, шунингдек, туркийдаги аruz вазни ҳақида беназир рисола ёзди ва “Рисолайи волидия“ни таржима қилди. Унинг бекусурликда ягона ҳамда жўн услубда ёзилган “Вақоеъ“ ёки “Тарихи туркий“ асари ҳам бор. У мусиқа ва ўзга санъатларни гоятда нозик идрок этарди”².

Мутахассислар автобиографик асарни бошқа бир қатор адабий жанрлар билан кесишивчи жанр деб ҳисоблайдилар. Ҳақиқатан ҳам, автобиографик асарнинг мемуарлар, кундаликлар, хотиралар, эсдаликлар, саёҳатномалар билан ўхшаш томонлари бор. Лекин ўзга жанрлардаги битиклардан автобиографик асарда муаллифнинг диққат марказида ўзининг воқелик билан узвий алоқадаги шаклланиш тарихи, қалб ва онги тарихи туради³.

Тарихий-мемуар асарлар ҳам баъзан қайсиdir ижодкорларнинг ҳаёт йўли ва шахсиятини билишининг муҳим манбаси бўлиши мумкин. Захириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома“ тарихий воқеалар, баъзи шоир ва

¹To‘xliyev B., Karimov B., Usmonova K. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 10-sinfi(1-qism) uchun darslik.– Toshkent: «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2017. –B.135.

² To‘xliyev B., Karimov B., Usmonova K. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 11-sinfi(1-qism) uchun darslik-majmua. – Toshkent: «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2018. – B.161.

³ Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Akademnashr, 2013. –Б.5.

ёзувчиларнинг ҳаёт йўлига оид қизиқарли маълумотлар учрайди. “Бобурнома” асарининг “Тўққиз юз ўн биринчи (1505-1506) йил воқеалари” сарлавҳали қисмида бир йўла икки буюк шахс ҳақида: “...Яна, Алишербек Навоий эди. Беги эмас, балки сұхбатдоши эди, кичиклигидан мактабдоши бўлишган экан“¹, – йўсинида маълумот берилган. Ушбу маълумотдан Алишер Навоийнинг болалиқдан бирга ўйнаб катта бўлган дўсти султон Ҳусайн мирзо экани англашилади. Бу маълумот ўқувчиларга Алишернинг султон Ҳусайн олдидаги бекиёс обрўсининг сабабини изоҳлагандай бўлади.

Бошқа бир ўринда Бобур мирзо Навоий шахсиятига хос ғоят муҳим бир хусусиятни алоҳида таъкидлайди: “Алишербек мизожининг нозиклиги билан машҳурдир. Одамлар назокатини давлатининг ғуруридан деб тасаввур қиласадилар. Ундай эмас экан. Бу сифат унга туғма экан. Самарқандда эканида ҳам худди шундай нозикмизож экандир“². Қисқагина бу чизги ёрдамида Захириддин Мухаммад Бобур Алишербекнинг табиатидаги жуда муҳим бир жиҳатни кўрсатиб беради. Алишер Навоийнинг ғоят назокат билан битилган, ўта нозик инсоний туйғулар инжалик билан ифода этилган асарларини таҳлил қилишда бу чизги катта аҳамият касб этади. Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Мехр, Суҳайл тимсолларида ингичкалик ва нозикликнинг илдизи буюк мутафаккир шоирнинг шахсиятидан сувланиши ўқувчилар томонидан билиб олиниши бу асарларни теранроқ тушунишга хизмат қиласади.

“Бобурнома“да буюк Навоийнинг шоирлик истеъододи тўғрисида: “Алишербек ўҳшаши йўқ киши эди. Туркий тил билан то шеър битибдилар, ҳеч ким унчалик кўп ва яхши ёзган эмас. Олти маснавий (достон) китоб назм қилган: беши “Хамса“ жавобида, яна бири “Мантиқ ут-тайр“ вазнида “Лисон ут-тайр“ номли. Тўрт газалиёт девонини тузган: “Фаройиб ус-сигар“, “Наводир ушишабоб“, „Бадойеъ ул-васат“, «Фавоид ул-кибар»... Фазл аҳли ва ҳунар аҳлига Алишербекчалик мураббий ва ҳомийлик қилган

¹ Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Ўқитувчи НМИУ, 2008. –Б.132.

² Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Ўқитувчи НМИУ, 2008. –Б.133.

одам дунёда бошқа топилмаса керак. Созда пешқадам бўлган устоз Қулмуҳаммад, Шайх Нойи ва Ҳусайн Удий бекнинг тарбияси ва ҳомийлиги билан шунча камол топиб, шуҳрат қозондилар. Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музаффар тасвирда бекнинг саъй-ҳаракати билан маълум ва машҳур бўлдилар. Шунчалик кўп хайрий бинолар бунёд қилдики, оз киши бундай ишга муваффақ бўла олади»¹. Алишер Навоийнинг замондоши томонидан қилинаётган ушбу эътироф кейинги олимлар томонидан билдирилган фикрларга қараганда кучлироқ тарбиявий таъсир қўрсатади. Яъни ўқувчилар буюк Навоий фақат бизнинг замонимизда эмас, балки ўз даврида ҳам энг талабчан ва синчков одамлар томонидан тан олинганини билиб олишади. Бу ҳол унинг беқиёс шахсиятига муҳаббат уйғотади, ижодкор шахсига бўлган муҳаббат унинг асарига муҳаббатга айланиши шубҳасиз.

Навоийнинг бошқа бир ёш замондоши ва шогирди Хондамир “Макорим ул-ахлоқ” асарида буюк мутафаккирнинг шахсиятидаги қўли очиқлик, ғаразсизлик, бағрикенглик, ёш ижодкорларга эътибор, ободликка ўчлик, адолатсеварлик, топқирлик сингари гўзал фазилатларни ҳаётий мисоллар билан кўрсатиб берадики, буларни билиш ва ўқувчиларга билдириш Навоий асарларини ўрганишнинг самарадорлигига кафолат бўлади.

Умумтаълим мактаблари ўқувчилариға шоир ва ёзувчиларнинг ҳаёт йўли баён қилинаётганда мемуар асарлар ва тазкиралардаги маълумотларга таянилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Негаки дарсликларда берилган қисқа изоҳларни ўқувчиларнинг ўзлари ҳам ўқиб чиқишлари мумкин. Ўқитувчи мумтоз адиб шахсияти тўғрисида манбаларга асосланиб сўзласа, дарснинг натижадорлиги ортади. Ўқувчида ижодкор шахсига нисбатан меҳр-муҳаббат пайдо бўлади.

Маълумки, тазкира Шарқ мумтоз, жумладан, ўзбек адабиётида кенг тарқалган адабий-танқидий жанр. Бу битикларда ижодкорларнинг ҳаёти ва битганлари ҳақида муҳтасар маълумот берилиб, асарларидан характерли

¹ Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Ўқитувчи НМИУ, 2008. –Б.133.

намуналар келтирилади. Шу тариқа муайян ижодкор тўғрисида кишида умумий тасаввур уйғотилади. Тазкираларда адиблар ҳакида маълумотлар берилибгина қолмай, адабиётнинг назарий масалаларига доир мухим қарашлар ҳам баён қилинади. Ўлкамизда яратилган энг қадимги тазкира сифатида Абу Мансур ас-Саолибийнинг «Ятимат ад-дахр фи маҳосили аҳли аср» («Замона аҳлининг фазилатлари ҳакида ягона дурдона», XI аср) араб тилида битилган асари тилга олинади. Мазкур тазкирадан ўша давр Араб, Ажам, Мовароуннахр, Хоразм ва Хурросон адабиёти ҳамда санъати бўйича ноёб маълумотлар ўрин олган. Туркий тилдаги ilk тазкира сифатида эса Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари саналади. Умуман, тазкиралар мумтоз адабиёт тарихи, ўша даврдаги ижодкорларнинг асарларини ўрганиш борасида мухим манба бўлиб ҳисобланади.

Адабий таълим тажрибасидан яхши маълумки, бадий асарларни ўрганишда сұхбат методини қўллаш кўп самара келтиради. Ушбу усул орқали ўқувчига нафақат билим берилади, балки у тарбияланади ва мустақил фикрлашга ҳам йўналтиради. Сұхбат хотира ва кузатувчанлик, тасаввур ва хаёлотни фаоллаштиради. Сұхбат давомида ўрганилаётган асарнинг моҳияти намоён бўлибгина қолмай, ҳар бир ўқувчининг ўзига хос хусусиятлари ҳам ойдинлашади. Тўғри ташкил этилган дидактик сұхбат синфдаги ҳар бир ўқувчини фикрлашга ундейди.

Адабиёт сабоқларини сұхбат шаклида ташкил этишда автобиографик характердаги асарлар алоҳида аҳамият касб этади. Ўрта мактабнинг юқори синфларида Алишер Навоий асарларини ўрганишга бағишлиланган сабоқларда Бобур, Восифий, Хондамир ва бошқа муаллифларнинг буюк мутафаккир шоир шахсиятига доир маълумотлардан фойдаланиб сұхбат уюштириш мумкин. Мисол учун, 15 асрнинг машхур адиби ва шоири, муаммо илмининг тенгсиз билимдони Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарида ҳазрат Навоийнинг дўстга тенгсиз садоқати ва фидойилигини кўрсатувчи бир ҳикоят келтирилади. Унда айтилишича, ҳазратнинг ҳам устози, ҳам дўсти бўлмиш елкаси ер кўрмаган курашчи, шоирликда ҳам, мусиқада ҳам улкан

истеъдод эгаси бўлган Паҳлавон Муҳаммад сulton Ҳусайн Мирзонинг ғашини келтирадиган иш қилиб қўяди. Газабланган ҳукмдор саройдаги эътиборли бу одамни пайк (жарчи)лик мақомига туширади ва шунга муносиб кийинтириб, соқолини олдириб, ўзи минган отни етаклатиб, кўчама-кўча юргизиб, жар чақиртирмоқчи бўлади. Зайниддин Восифий шу воқеа ривожини ўз китобида: “*Бир киии бу гапни амир Алишерга етказди. Мир дарҳол отга миниб, улар турган ерга етиб келди. Ҳусайн Мирзо отга миниб, Боги Шамол дарвозасида турган эди. ...Мир отдан сакраб тушиб:* “Шоҳим биз Паҳлавон билан ҳар ишида бирга бўлмоққа, ажралмасликка қасам ичганмиз. Паҳлавон қандай йўлни ихтиёр қилган бўлса, камина ҳам шунга қўшиламан. Бу саодат фақат Паҳлавонга тегишили бўлмасин. Ҳукм этинг, мен учун ҳам пайклар кийимини келтиришисин Паҳлавон иккимиз бир либосда бўлайлик”, – деди. Буни эшиитиб Ҳусайн мирзо ўз хатосини тушунди, надомат бармогини пушаймонлик тишлари орасига олиб, буюрди: “Иноят қилиб Паҳлавонни узрхоҳлик қилинглар ва устидан бу либосни ечиб олинглар!”¹, – йўсинида тасвирлайди.

Адабиёт муаллими Восифийнинг китобидан шу ҳикоятни ўқиб бериб, мазмунини ўқувчиларга етказиб сўнг Алишер Навоийнинг “Икки вафоли ёр” ҳикояти ёки “Фарҳод ва Ширин” достонидаги юксак инсоний туйғулар тасвири таҳлилига киришса, яхши натижага эришиши шубҳасиз. Навоий табиатига хос олижаноблик акс этган ҳикоят билан танишилгач, ўқувчилар “Икки вафоли ёр” ҳикоятидаги босқинчи ҳукмдордан дор тагида олдин ўзини ўлдиришларини сўраган икки дўстнинг фидойилиги шунчаки бир бадиий тўқима эмас, балки муаллиф Алишер Навоийнинг баланд шахсиятидаги сифатларнинг бадиий асарда намоён бўлиш йўсини экани ўқувчиларга етиб боради ва асарнинг таъсир қучи неча бараварга ортади.

Шунингдек, “Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳоднинг ота таҳтини эгаллашдан бош тортиши, ўзига мутлақо бегона бўлган одамларга ёрдам

¹ Зайниддин Восифий. Бадоев ул-вақоев. –Т.: Faafur Fulom nomidagi Adabiёт va san'yat nashriёti, 1979. – Б.125.

бериб, тоққа сув чиқариши, Эрон шоҳи Хусравнинг барча қўриқчиларини ўлдириб қутулиб кетиши мумкин бўлгани ҳолда уларнинг жазога тортилишини ўйлаб зиндонга қайтиб келиши сингари тасвиirlарда Навоийнинг шахсига хос хусусиятлар борлигини билган ўқувчилар энди достон матнига ўзгача назар билан қарайдилар. Энди 9-синфда Фарҳоднинг комил шахслиги борасидаги сұхбат фақат бадиий тасаввур маҳсули эмас, балки муаллиф шахсиятидаги фазилатнинг эстетик қайта ишланган кўриниши ўлароқ ўқувчилар қалбига муҳрланиб қолади. Бу йўналишдаги сұхбат самимий, достон матнидан келиб чиқадиган ва унинг асл моҳиятини англашга йўналтирилганлиги билан ўзгача дидактик қиймат касб этади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 10-синфида Алишер Навоийнинг ҳаёт йўлини анча кенг миқёсда тўла бир соат давомида ўрганиш кўзда тутилади. Ана шу соатнинг дидактик самарадор бўлишига эришишда Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Шоирлар бўстони” китобининг “Низомиддин Алишер Навоий” номли бўлимидан олинган қуйидаги парчани ўқиб бериш ҳазрат Навоийнинг шахсиятидаги эзгу фазилатларнинг манбаси қаерда эканлигини чуқурроқ англаб етишга хизмат қилади: “*Бу номдор ва олий даражали амирнинг отаси замонасининг машҳур кишиларидан ва Чигатой улуси улугларидандир. Султон Абулқосим Бобир баҳодир ҳукмронлиги даврида мамлакат идораси ва давлатга кафиллик унинг қўлида бўлиб, сultonning яқин кишиси эди. Фозиллиги туфайли ўғлига фазилат ўргатишни тарқ этмади, тамом ҳимматини саодатли фарзандини фазл безаклари билан зийнатлаш ва ҳидоят нурлари билан равшан этишга сарфлади... Ул бузрукворнинг тиришиқоқ ҳаракати беҳуда кетмади ва отадан нодири даврон иззату тамкинлик курсисида қарор топди. ...У ҳамма вакт фазилат орттиришга интилди, фазл эгалари билан сұхбатда бўлди. Унинг карамли таъби ва ўткир зеҳни шеър айтиши, осор ва хабарларни ўрганишга қаратилди. Ёшлик чоғларидаёқ икки тил эгаси, туркий шевада соҳиби фан,*

*форсийда соҳиби фазл бўлди*¹. Ушбу маълумот Алишернинг ҳазрат Навоий даражасига юксалишида отасининг донишмандлиги нақадар катта ўрин тутганини кўрсатиш билан бирга Ғиёсиддин кичкинанинг жуда мартабали аслзода зот бўлганидан дарак беради. Шунингдек, Алишернинг Ҳусайн Мирзо билан муносабати кўнгил ва қарашлар яқинлигидан ташқари, насаблар, мартабалар яқинлигига ҳам асосланганини англатишга хизмат килади. Айни вақтда, Алишернинг юксак даражага кўтарилишида униб-ўсган оиласвий муҳит билан бирга унинг тенгсиз иқтидори, тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлгани юқоридаги парчада акс этадики, бу маълумот Навоий ҳаёт ва ижод йўлини ўрганишга бағишлиланган сабоқнинг қизиқарли ва эсдан чиқмайдиган бўлишига олиб келади.

Ҳазрат Навоийнинг умр йўлини ўрганишга бағишлиланган сабоқни дарсликда келтирилган, ўқувчилар олдинги синфларда ҳам неча бор ўқишиган асарлар номи ва йиллар саноғини келтиришдан иборат қилиб қўймай, буюк мутафаккирнинг шахсиятига хос асл хусусиятлар очиқ айтилган биографик асарларда битилган маълумотлардан фойдаланган ҳолда олиб бориши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу борада ҳазрат Навоийнинг ёш замондоши, шогирди, унинг марҳаматидан кўп баҳраманд бўлган тарихчи Ғиёсиддин Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” (Олижаноб хулқлар) биографик китоби жуда қизиқарли маълумотлар беради. Негаки, ушбу асар тўлиғича ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли ва шахслик хусусиятларини ёритишга бағишлиланган. Асарда мутафаккир шахсига хос юксак инсоний сифатлар унинг ҳаётдаги тутумлари, одам ва олам ҳодисаларига муносабатлари, юриштуришлари, айтган гаплари, қабул қилган қарорлари бевосита шу ҳолга гувоҳ бўлган киши томонидан ёзилган. Айни шу ҳол бу маълумотларга жозиба бағишлайди. Негаки, уларда ҳазратни кўрган, унинг одамийлигидан бевосита баҳраманд бўлган киши муҳаббатининг ҳарорати сезилиб туради.

¹ Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. –Т.:Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. –Б.188-189.

Китобнинг бир ўрнида Ҳусайн Мирзодан ҳаж қилишга қайта-қайта рухсат сўраган, аммо ҳар сафар ҳам вазият тақозоси сабаб ижобий жавоб ололмаган шоирнинг сultonга қаратса айтган” “...қутлуғ шахсингиз ваколати билан қолган умримни Ансорийнинг табаррук мақбарааси остонасини супурувчилик билан ўтказишимига ва [сарай] мулозимлиги ишидан бутунлай бўшашимга рухсат берсангиз”¹, – тарзидаги илтимоси қайд этилган. Бу сўровда буюк шоир шахсиятига хос олижаноблик, хокисорлик, бағрикенглик сифатлари нақадар бўртиб қўрингани 10-синф ўқувчиларига тўла етиб боради.

“Макорим ул-ахлоқ”нинг бошқа бир ўрнида ниҳоят ҳукмдордан ҳажга рухсат теккан вақтда юртнинг оқсоқоллари вазиятнинг қалтислиги, шундай пайтда ҳазратнинг узоқ вақтга кетиб қолиши, мамлакатда нотинчлик, талотўп бошланиши мумкинлиги сабаб, ҳажни кейинга қолдиришни сўраганларида Алишер Навоийнинг: “...ҳозир ўзимизнинг истагимизни сизнинг илтимосингиздан устун кўришининг ўрни эмас. Қолаверса, «Мўминлар қалбига хурсандчилик киритиши бутун одамлар ва жинларнинг қилган ибодатидан яхшироқдир», – деган ҳадисга асосланиб, сизнинг илтимосингизни ижобат этишига лойиқ деб топдик ва бандаларнинг манфаатини кўзлаб, бу сафар ҳам ушибу истагимиздан қайтдик”², – йўсинида жавоб бергани тасвиранади.

Ўқувчилар ҳазратнинг оқсоқолларга берган жавобидан унинг шахсиятига хос энг гўзал сифатларни яққол кўрадилар. Шаръий аҳкомларни ғоят пухта биладиган, ислом фарзларини мукаммал адо этадиган ва ҳажга бориши имкони бўлгани ҳолда ўзига савоби тегиши мумкин бўлган ишдан воз кечиб, кўпчиликнинг тинчлигини ўйлай оладиган Алишер Навоийнинг қандай буюк экани ўқувчиларга ҳеч бир қўшимча тушунтиришларсиз англашилади. Айни шу жиҳатлар шоир яратган асарлар қаҳрамонларидағи фидойилик, ўздан кечиш, олижаноблик фазилатлари қаердан пайдо бўлгани ва нима сабабдан ишонарли тасвиранганини чуқурроқ туйиш ва тушуниш

¹ Фиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. –Т.:Faafur Fулом номидаги НМИУ, 2017. –Б.90.

² Фиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. –Т.:Faafur Fулом номидаги НМИУ, 2017. –Б.97-98.

имконини беради.

Хондамир Алишер Навоий одамларга қилган барча яхшиликларнинг қанчалик бегараз ва чин юрақдан бўлгани тўғрисида: “*Амирнинг муборак хулқ-атворлари худди шундай бўлиб, [ул зотнинг] чексиз яхшиликлари бу борлиқ оламда шуҳрат топиш ёки абадий оламда катта савобга эришиши учун қилинган эмасди. Чунки бу дунё ва ундағи нарсалар ул зотнинг ҳиммат назарида бир сомон хасичалик қимматга эга эмасди. Аммо чексиз очиққўллик ва сахийлик хислатига эга бўлишига қарамасдан, ҳеч қачон ҳеч кимга бир арпа доничалик ҳам миннат қилмасди*”¹, – деб ёzádi. Ҳазратнинг табиатидаги атрофидаги кўплаб одамларга раҳмат эшитиш ёки савоб олиш учун эмас, шунчаки эзгулик қилиши, яхшилик қилиши мумкин бўлган ҳолатда уни қилмасдан туролмаслиги сифатлари улуғ мутафаккир шахсиятидаги бундай гўзал фазилатларнинг асарлари қаҳрамонларига ҳам ўтгани ўқувчиларга кучли таъсир қиласди.

“Макорим ул-ахлоқ”да Навоийнинг чексиз даражадаги қўли очиқ ва сахийлиги факат муҳтож одамларгагина эмас, балки подшоҳ саройи эҳтиёжларига ҳам давлатини аямаганини: “*Шундай ҳолатлар ҳам кўплаб юз берганки, Соҳибқирон Султон саройи амалдорлари айрим зарурий харажатлар учун катта миқдордаги пулни (солиқлар сифатида тўлаш учун) ҳалқ зими масига юклашмоқчи бўлишиганида, қалби денгиздай кенг бўлган бу Амир ҳалқ қийналиб қолмаслиги ва бу нарса салтанат қасри пойдеворининг ларзага келишига сабаб бўлмаслиги учун ўша пулни ўз хазиналаридан тўлаб юборардилар*”², – дея тасвиirlайди. Ҳазрат Навоийга хос бундай олижаноб хусусиятлардан хабардор қилиш ҳар бир ўқувчига икки жиҳатдан ижобий таъсир қиласди: биринчидан, бола Алишер Навоийдай гўзал фазилатлар ўзида ҳам бўлишига интилади, иккинчидан, шоир битган асарлардаги қаҳрамонлардаги эзгу сифатларни тушуниш ва қабул қилиши осонлашади.

Фиёсиддин Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» («Олижаноб хулқлар»)

¹ Фиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. –Т.: Faafur Fулом номидаги НМИУ, 2017. –Б.116.

² Фиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. –Т.: Faafur Fулом номидаги НМИУ, 2017. –Б.123.

асари буюк ўзбек шоири ва мутафаккири, давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг ҳаёти, адабий, илмий ва ижтимоий-сиёсий фаолияти тўғрисидаги маълумот берадиган қимматли манба ҳисобланади. Хондамир Ҳазрат Навоийга садоқат билан хизмат қилган. Умрининг сўнгти кунларигача унинг ёнида бўлган. Шунинг учун сўз мулкининг султони ҳақидаги воқеаларни, бирон бир олиму фузало у каби аниқ ёзиб қолдирмаган. Бу ҳол Алишер Навоий шахсияти ва ижод йўлини ўрганишга қаратилган адабиёт сабоқларида “Макорим ул-ахлоқ” асаридан кенг фойдаланишни тақозо қиласди.

Адабиёт дарсларида ижодкорнинг ҳаёт йўлини ёритища замондошларининг хотираларига таянилса, мақсадга мувофиқ бўлишини 9-синфда Бухорий ҳадисларини ўрганиш сабоқлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Албатта, имом Бухорийнинг қанчалар табаррук зот экани, унинг Куръони каримдан кейин турадиган муқаддас китоб тартиб берган шахслиги, ишончли ҳадислар йиғиш учун ўнлаб йиллар давомида бегона юртларда заҳмат чекканлиги ўқувчиларга кучли таъсир қиласди. Лекин бу маълумотлар шунчаки қандайдир илмий манбалардан эмас, балки Бухорийнинг замондоши ва шогирди қолдирган маълумотларга асосланган ҳолда билдирилса, унинг таъсир кучлироқ бўлади. Ат-Термизийнинг ёзишича, у ўз асрлари учун кўп маълумотларни ал-Бухорий билан учрашувларидан олган. Шу билан бирга ал-Бухорий ҳам ат-Термизийнинг билимини юқори баҳолаб: “Мен сендан кўрган фойда сен мендан кўрган фойдадан ортиқроқ”, – деб унга нисбатан чуқур хурматини билдирган. Бу ҳол устознинг нақадар камтар ва инсофли одам экани ҳамда шогирдининг кўнглини кўтариб, рағбатлантира биладиган шахс эканини кўрсатади. Термизий устозга садоқати эса кишини лол қолдиради: у Бухорийнинг вафоти сабаб жуда қаттиқ қайғуга ботиб, кўп йиғлаганидан кўзлари кўр бўлиб қолиб, узок йиллар кўзи ожиз ҳолда яшагани айтилади¹. Бундай маълумотлар ўқувчиларни ҳушёр тортириб,

¹ Yo‘ldoshev Q., Qodirov V., Yo‘ldoshbekov J. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 9-sinfi uchun darslik. Qayta ishlangan 4-nashri. –T.: «O‘zbekiston» NMIU, 2019. –B.130-131.

уларда эзгу маънавий-ахлоқий сифатлар шаклланишига туртки бўлади. Шунингдек, Бухорий ва Термизий шахсиятларига хос жиҳатларнинг ўрганилиши 9-синф “Адабиёт” дарслигидаги “Киши севган одами билан бирга бўлиши ҳақида”, “Гумон қилиш ҳақида”, “Марҳаматсиз кишига марҳамат қилинмайди”, “Тўғрилик ва номусни сақлаш ҳақида”, “Ёлғон – энг буюк гуноҳ” сингари ҳадислар моҳиятини чуқур ўзлаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Хуллас, ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини ўрганишда тазкираларда келтирилган маълумотлардан фойдаланиш ижодкорлар шахсиятига хос жиҳатларни теранроқ билиш ва шу орқали уларнинг асарларини аниқ ва тўла дидактик таҳлил қилишга ёрдам беради.

2.2.§. Мумтоз асарларни таҳлил қилишда ҳасби ҳолнинг аҳамияти

Мумтоз адабиёт намояндаларининг таржимаи ҳолини ўрганиш ва асарларини таҳлил қилишда ижодкорларнинг ҳасби ҳолидан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Ҳасби ҳол ёзувчи биографияси ва у яшаган даврнинг хусусиятларини ўрганишда қимматли манба ҳисобланади. “Аҳвол баёни”, “ҳол-аҳвол тасвири” маъноларини англатувчи арабча “ҳасби ҳол” атамаси шоир ёки ёзувчи томонидан муайян вазиятдаги ҳол-аҳволи баёнига бағищлаб ёзилган асарга нисбатан ишлатилади. Ҳасби ҳол қўпинча Алишер Навоийнинг Саййид Ҳасан Ардашер номига ёзган маснавийси сингари бирор яқин бўлган кишисига маснавий шаклида ёзилган мактуб ёки шоирнинг ўз аҳволидан шикояти, норозилиги баёнидан иборат бўлиши мумкин.

Ўзбек мумтоз адабиётида анча кенг тарқалган ҳасби ҳол адабиётшунос олим Д.Қуронов етакчилигига яратилган “Адабиётшунослик луғати”да шундай таърифланади: “Ҳасби ҳол (*ар. – ўз ҳолини билдириш*) – шеърда муаллифнинг аҳвол-руҳияти, ҳаётига оид маълумотларнинг акс этиши, автобиографиклик; мазмунига кўра таснифланувчи шеърий жанр. Аслида, ҳар қандай асарга муаллиф «мен»и, кўрган-кечирганлари, ҳис-кечинмалари, ўй-фикрлари, орзу-армонлари у ёки бу даражада сингади. Адабиётимиз

тариҳида шундай шеърлар борки, уларда шоирнинг ҳаёти (ҳаётидаги муайян босқич) ўзининг ёрқин ифодасини топади. Жумладан, Бобур рубоийларини айрим манбаларда «ҳасби ҳол рубоийлар» тарзида таснифланадики, уларнинг аксариятида шоирнинг мураккаб ва машаққатли ҳаёт йўли, ижтимоий-сиёсий фаолияти, руҳий олами, кайфияти кабилар «лирик мен»нинг иқрори тарзида баён этилади. Рубоийларидан бирида Бобур:

*Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,
Оlam элидин турфа ситамлар кўрдум.
Ҳарким бу «Вақоевъ»ни ўқур – билгайким,
Не ранжу не меҳнату не гамлар кўрдум, –*

дейди. Дарҳақиқат, унинг кўплаб рубоийлари, айрим ғазаллари «Бобурнома»дан келиб чиқиб тушунилса, уларнинг бўртиқ автобиографик характерда эканлигига иқрор бўлиш мумкин”¹.

Мумтоз адабиётимизда ҳасби ҳолнинг санъат даражасига кўтарилган намунаси Алишер Навоий ижодида учрайди. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Сайид Ҳасан Ардашер – Алишер Навоийнинг устоз ва ота мақомидаги яқин кишиси, маслакдош дўсти ҳисобланган. Сайид Ҳасан вафотига бағишланган асарида Сайид Ҳасан Ардашер шахсиятини очиб беришда адабиётдаги ҳасби ҳол усулидан маҳорат билан фойдаланганлиги кузатилади.

Ўзбек адабиётида XVIII асрдан бошлаб ҳасби ҳол жанрида ижод қилиш ва унинг гўзал намуналарини яратишга интилиш ўзига хос анъанага айланган. Махмур, Мужрим Обид, Муқимий, Комил, Анбар Отин, Дилшод Барно каби ижодкорларнинг ҳасби ҳол усулида ёзган асарлари бунга яққол мисол бўла олади.

Адабиёт тарихидан шу нарса аёнки, шоир ва ёзувчилар азал-азалдан ўзларининг аҳволини баён этиш, ё ҳаётидан нолиб ўз турмушидан шикоят қилиб асарлар битганлар. Уларда ижодкор шахснинг ўз ташвишларидан ташқари, давр муаммоси кўтарилган, халқнинг дарду ҳасратлари баён

¹ Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. – Т.: Akademnashr, 2013.–Б.400.

этилган. Шарқда ҳасби ҳоллар, асосан, мактуб шаклида битилган. Умумтаълим мактабларидағи адабиёт ўқитиш жараёнида ҳасби ҳоллардан фойдаланиш ўқувчиларга муайян бир асардаги у ёки бу тасвирнинг ҳаётий асосини англаб етиш имконини берадики, бу ҳол болаларнинг ўзга одамларнинг туйғуларини ҳис қила олиш, бинобарин, тўла маънодаги шахс сифатида шаклланишларида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, ёзувчи-шоирларнинг умр йўлини ўрганишнинг ўзи алоҳида дидактик мақсад эмас. Бу педагогик тадбир – муайян ўқув мақсадларига эришиш воситаси. Ўқувчиларга ижодкорларнинг таржимаи ҳолини ўргатиш сабаблари тўғрисида таниқли методист олимлар шундай ёзишади: “Ижодкорнинг ҳаёт ва ижод йўлини ўргатишда адабий таълим икки мақсадни кўзда тутади. Биринчидан, адиблар миллатнинг диққат-эътиборида турган, ҳурматини қозонган истеъдодли ва ўзига хос кишилар бўлгани учун уларнинг шахслик сифатлари ҳамда ҳаёт йўли ўқувчилар учун қизиқарлидир. Ижодкорлар шахсиятида болаларга намуна бўладиган жиҳатлар кўп эканлиги табиий. Бинобарин, ёзувчи шахсиятига хос жиҳатлар ўқувчилар учун маънавий ўrnak сифатида аҳамиятли. Негаки, барча ижодкорлар истисносиз ўта фаол ўқирманлар бўлишади. Ёшли маънавиятининг шаклланишида эса китоб беқиёс ўрин тутиши маълум. Бошқа томондан, адибларнинг табиати, инсоний саъжияси, босиб ўтган ҳаёт йўли уларнинг мактабда ўрганиладиган асарларида ўз нуқсини, албатта, қолдирган бўлади. Ижодкорнинг умр йўли ўрганилаётган асар моҳияти ва бадиий ўзига хослигини теранроқ англашга ёрдам беради”¹.

Мумтоз адиблар умр баёнини ўрганишда ҳам айни шу нуқтаи назардан келиб чиқиши лозим бўлади. “Ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси” китобида 5-9-синфларни ўз ичига олган таянч мактаб босқичида ижодкорларнинг таржимаи ҳолини ўрганишга алоҳида соат ажратиш керак эмас, чунки бу ёшдаги ўқувчилар адибнинг умр йўли билан асарлари ўртасидаги боғликларни етарлича тушуна олмайди, деган фикр билдирилади.

¹ Қозоқбой Йўлдош, Мухайё Йўлдош. Ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси. –Т.: Тафаккур, 2022. –Б.164.

Шу билан бирга китобда бундай ёндашув ижодкорларнинг ҳаётига доир дарсликларда бўлмаган қизиқарли маълумотлардан ўқувчиларни йўл-йўлакай хабардор қилиб бориш фойдали бўлиши мумкинлигини инкор этмаслиги таъкидланади¹.

Ўрта мактабнинг юқори босқичи бўлмиш 10-11 синфларда ижодкорлар умр йўлини ўрганишга алоҳида вақт ажратилади. Бу ҳол юқори синфларда ўрганиладиган бадиий асарларни таҳлил қилишда муайян ижодкорнинг ҳасби ҳолига доир маълумотлардан фойдаланиш ёки, аксинча, адабий матндан ижодкорнинг биографиясига доир чизгиларни топишга имкон беради. Чунончи, 10-синфда Бобурнинг “Бобурнома”, 11-синфда эса унинг лирик асарларини ўрганиш кўзда тутилган. Ўқитувчи Захириддин Мухаммад Бобурнинг ҳаёт ва ижод йўли тўғрисида дарсликда берилган маълумотларнигина такрорлаш ўрнига “Бобурнома” асарининг В.Раҳмонов ҳамда К.Муллахўжаева томонидан ўзбекчага қилинган табдилидан адаб шахсияти ёрқин намоён бўлган ўринларини ўқиб берса, ўқувчилар шоир ҳақида фақат муайян маълумотларга эга бўлибгина қолмай, унинг алоҳида ўзига хос бир шахсият эгаси сифатидаги минази, интилишлари, қалтис вазиятлардаги ўйлари, кайфиятидаги ўзгаришлар, жасурлиги, топқирлиги, меҳрибонлиги ва қаҳри сингари турли-туман инсоний сифатлари билан танишадилар. Ва ижодкорни ўзлари яқиндан биладиган бир одам сифатида яхши кўриб қоладилар. Билмай туриб севиш, севмай туриб чуқур билиш мумкин эмас. Бу ҳол “Бобурнома”ни ўқиши ва ўзлаштириш самарадорлигини сезиларли оширади.

“Бобурнома” асарида Бобур таҳтга чиққан 1494 йилдан 1530 йилгача, яъни умрининг охиригача муаллиф бошидан кечирган воқеалар тасвирангандар. Бобур асарида воқеаларни қайд этиш билан чекланиб қолмай, бу воқеаларнинг иштирокчилари тасвирига кўп ўрин бергани сабаб ўша даврда яшаб, мамлакат тарихида муайян из қолдирган таниқли шахсиятлар тўғрисида маълумотга эга бўлиш имконини беради. Муаллиф отаси

¹ Қозоқбой Йўлдош, Мухайё Йўлдош. Ўзбек адабиётини ўқитиши методикаси. –Т.: Тафаккур, 2022. –Б.167.

Умаршайх Мирзо, онаси, момоси, опаси, укаси тўғрисида; амакиси Султон Аҳмад, тоғаси Султон Маҳмуд, Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Бадиуззамон, Музаффар Мирзо, Умаршайх, каби кўплаб тахт эгалари, Алишер Навоий, Муҳаммад Солих, Ҳусайн Удий, Камолиддин Биной, Мирак наққош, Беҳзод сингари адабиёт ва санъат арбоблари ҳақида уларнинг шахсиятидаги энг муҳим жиҳатлар кўрсатиб берилган қимматли маълумотлар келтирилади. Ўқитувчи асарда ҳар бир йил воқеалари алоҳида берилганига ўқувчилар эътиборини қаратиб, Бобур шахсидаги ўсиш-ўзгаришларни кузатишга чақириши мақсадга мувофиқ бўлади.

“Бобурнома”ни синчиклаб таҳлил қилиш ўқувчиларда мақсад йўлида қийинчиликлардан чўчимаслик, интилувчанлик туйғуларини шакллантиради ва мустаҳкамлайди. Айниқса, асардаги Самарқанддан қувилган, Андижонга киритилмаган Бобурнинг ўша вақтдаги ҳолатининг: “*Аксар ялангоёқ юрур эдим, ялангоёқ кўп юргандин оёқларим андоқ бўлуб эдиким, тоз ва тош тафовут қилмас эди*”, – йўсинидаги тасвири моҳияти англаб етилса, муаллиф образи ўқувчиларнинг идеалига айланиши мумкин.

Асарда Бобурнинг ғоят синчков, ниҳоятда зийрак, фахм-фаросатли ва кузатувчан шахс экани акс эттирилган. У борган ҳар бир ерининг жуғрофий ўрни, одамлари ва уларнинг одатлари, ўсимлик ва ҳайвонлари, об-ҳавосини ўрганиб, ёзиб қўяди. Ўқувчиларнинг эътибори Бобурнинг самимийлигига қаратилиши керак. У хоҳ дўсти, хоҳ душмани ҳақида кўнглидаги чин гапни очик ёzáди. Болалар Бобурнинг ақлини танигандан бошлаб умрининг охиригача кечган ҳаёти акс эттирилган асардаги қайтмас, танти, мард, меҳрибон, топқир, жасур, фидойи одамнинг фазилатларига диққат қилдирилса, уларда “Бобурнома”нинг муаллифига хос маънавий сифатлар шаклланади.

Бутун бошли салтанат тузиб, улкан ва бой мамлакатнинг тахтида ўтирган Бобурнинг ўз ватанига муҳаббати, согинчи нақадар кучли экани тасвири ҳам ўқувчилар назаридан четда қолмаслиги керак. Унинг 1528 йилда

Андижондаги Хўжа Калонга ёзган хатидаги: „Бизни эҳтимомимиз¹ ул сорилар бормоқча беҳад ва бегоятдур. Ҳиндустон ишлари ҳам бир навъ сомон топиб² келадур... Ул вилоятларнинг латофатларини киши нечук унумтқай... Бу фурсатта бир қовун келтириб эрдилар, кесиб егач, гариб таъсир қилди, тамом йиглаб едим“ тасвиirlар Бобурнинг ватансуярлиги кўламини англатади.

Адабиёт муалими, албатта, асаддаги Бобурнинг оталик туйғуси, фарзандлар олдидаги масъулият ҳисси, болаларига мухаббати нақадар кучли экани, фидойи зотлиги ёрқин акс этган қуидаги тасвирга ўқувчилар эътиборини тортиши керак: „...табиблар ҳар неча дору-дармон бердилар, яхши бўлмади. Мир Абулқосимким, улуғ киши эрди, арзга еткурдиким, ушимундоқ дардларга дармон будурким, яхши нимарсалардин тасаддуқ қилмоқ³ керак. Тоинки тенгри таоло сиҳҳат бергай. Менинг кўнглумга келдиким, Муҳаммад Ҳумоюннинг мендин ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ. Мен ўзум тасаддуқ бўлайин, худой қабул қилсан. Ҳожса Ҳалифа, ўзга муқарраблардин арзга тегурдиларким, Муҳаммад Ҳумоюн сиҳҳат топар, сиз бу сўзни нечун тилингизга келтурасиз. Ғараз будурким, дунё молидин яхшисини тасаддуқ қилмоқ керак. Бас, ўшал олмоским, Иброҳимни урушида тушиб эрди, Муҳаммад Ҳумоюнга иноят қилиб эрдингиз, тасаддуқ қилмоқ керак. Тилга келдиким, дунё моли анинг эвазига нечук бўлгай, мен анинг фидоси қилурменким, ҳол анга мушкул бўлубтур. Ва андин ўтубтурким, мен анинг бетоқатлизига тоқат келтургаймен. Ўшал ҳолатга кириб, уч қатла бошидин ўргулуб, дедимким, мен кўтардим, ҳар не дардинг бор. Ўшал замон мен оғир бўлдум, ул енгил бўлди. Ул сиҳҳат бўлуб қўпти⁴. Мен нохуш бўлуб ииқилдим. Аъёни давлат ва аркони мамлакатни чорлаб, байъат қўлларини Ҳумоюнни қўлига бериб, жойнишинлигига ва валиаҳдлигига насл қилдим⁵. Ва тахтни анга топшурудум“ Тириклигига тахтини бошқага топширган камдан-

¹ Эҳтимом – гайрат, ишиёқ.

² Сомон топиш – йўлга тушиш, тартибга келиш.

³ Тасаддуқ қилиш – садака қилиш.

⁴ Қўпти – турди.

⁵ Насб қилиш – тайинлаш, кўйиш.

кам ҳукмдорлардан бўлган Бобурнинг шахслик сифатларини англаб етиш ўқувчиларда юксак маънавий-ахлоқий сифатлар шаклланишига омил бўлади.

Давлат тилига эътибор етарли бўлмай, она тилининг қўлланиш доираси торайиб, миллий тил тозалиги борган сари бегона сўзлар ҳисобига бузилиб бораётган ҳозирги кунда ўқувчилар диққатини Бобурнинг ватандан минглаб чақирим узоқдаги бегона юртда ҳам она тилининг тозалигини ўйлаганига қаратиш дарснинг амалий ва тарбиявий аҳамиятини оширади. “Бобурнома”да она тилига эътибор, уни булғамаслик бўйича Бобур томонидан ҳазил йўсинида амалга оширилган савоб ишлар: „...мутояба жиҳатидан дейилдиким, ҳар ким сортча¹ айтса, бир аёғ (қадаҳ) ичсун, бу жиҳаттин кўп киши аёғ ичти. Дейилдиким, ҳар киши туркча айтса, бир аёғ ичсун. Бунда ҳам галаба (кўп) киши аёғ ичти“ тарзида тасвиrlenган. Кўринадики, форсча гапирганларга жазо сифатида, она тилида тоза гапирганларга сийлов сифатида бир қадаҳдан ичкилик берилган. Она тилига ҳурмат кўрсатганлар шу тариқа ҳам рағбатлантирилган.

“Бобурнома”дан олинган тубандаги парчада Бобурнинг ҳам ҳарбий саркардалик, ҳам нотиқлик, ҳам довюраклик, ҳам таваккалчилик фазилатлари ёрқин кўринади. Парчага ўқувчилар алоҳида эътиборини тортиш орқали уларда туйғу қўзғаш йўли билан юксак инсоний сифатлар шаклланишига таъсир қилиш мумкин: „Жамиъ бекларни ва йигитларни чорлаб дедимким: Беклар ва йигитлар!.. Ҳар кимки, ҳаёт мажлисига кирибтур, оқибат ажсал паймонасидин ичгусидур ва ҳар кишиким, тириклик манзилига келубтур, охир дунё ғамхонасидин кечгусидур. Ёмон от била тирилгандин яхши от била ўлган яхшироқ. ...Тенгри таоло бу навъ саодатни бизга насиб қилибтур ва мундог давлатни бизга қарийб айлабтур. Ўлган шаҳид, ўлтурган гози. Барча Тенгрининг каломи билан онт ичмак керакким, ҳар ким бу қитол (жсанг)дин юз ёндирур (ўзини олиб қочиши) хаёл қилмагай, то бадандин жони айрилмагунча, бу муҳораба ва муқоталадин айрилмагай.

¹ Сортча – форсча.

...Улуғ-кичик борча *Мусҳафни*¹ иликка олиб, уибу мазмун била аҳд ва шарт қилдилар". Бобурнинг шахсиятига хос хусусиятларни унинг ўзи битган асар орқали англай бориш ўқувчиларни унга яқинлаштиради. Адиб ҳасби ҳоли бир йўла икки педагогик вазифани бажаради: ҳам ўқувчилар учун ўрнак ва ҳам "Бобурнома"ни чуқурроқ англашга хизмат қиласи.

Ўрта мактабларнинг 11-синфида Бобур лирикасини ўрганиш кўзда тутилган. Маълумки, шоир лирикасининг асосий қисмини ғазаллар ташкил қиласи. Анъанага кўра мумтоз ғазалда асосан икки жиҳат тасвир марказида турган. Буларнинг биринчиси — ошиқнинг абгор аҳволи, иккинчиси эса тошбағир маъшуқанинг таърифи. Бобур ғазалларида булардан ташқари, ҳасби ҳоллик хусусияти юз кўрсатади. У ўзига қадар мавҳум ошиқ-маъшуқа туйғуларини тасвирилашга мутахассислашган ғазалчиликка ўз ҳаёти тафсилотларини ҳам кирита бошлади. Ҳасби ҳол хусусиятига эгалик ғазалга ҳаётйлик, самимийлик бағишлайди. Ўқувчини шоир шахсига яқинлаштиради. Унинг қувончу ташвишларини бевосита туйиш имконини беради.

Бобур ўзининг „Хазон япроги янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим“ қатори билан бошланадиган ғазалини кузнинг манзарасини чизиш билан бошлайди. Бу маъюс манзара юрт ва ёрдан айрилиқдаги шоирнинг қисматига уйқаш келади. Шеърда акс этган туйғулар шеърдаги соғинч, дард ва айрилиқ фожиасини кучайтириб боради. Табиатдаги куз ва хазон инсон умрининг сўнгги рамзиdir: "Хазон япроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим, Кўруб, раҳм айлагил, эй лоларух, бу чеҳраи зардим", – илтижо қиласи шоир. Ҳижрон сабаб юзи куз хазони каби сарғайган ошиқ „лоларух“ (лола юзли) суюклидан раҳм айлашни илтижо этади. Бу ерда Бобур тазод санъатини усталик билан қўллайди: ўз юзининг сариқлигини, қиз юзининг қизиллигига, ўзининг хазон япроги эканини суюклининг лоларуҳлигига қарши қўяди. Кейинги байтларда ҳам бундай қаршилантириш давом этади: маъшуқа осмонга интилган сарв дарахтига ўзи эса ерда оёқ ости бўлиб ётадиган япроққа ўхшатилади.

¹ Мусҳаф – Куръон.

Ғазалнинг тўртинчи байтида ҳам сарғарган хазон тимсоли тасвири келтирилади. Энди қизил-сариқлик шоир образининг ўзида юз беради: бераҳм ёр сабаб унинг кўзидан қизил ёш оқади, эл эса ошиқнинг сариқ юзидан нафратланади.

Шоир дунёнинг синовларини кўп қўрган, одамларнинг турфалигини яхши билади ва шу сабаб уларнинг гап-сўзига асло парво қилмайди:

Улуснинг таън-у таърифи манга, Бобур, баробардур,

Бу оламда ўзумни чун ямон-яхшиидин ўткардим.

Бу сатрларда ҳаётнинг паст-баландини яхши биладиган мард, танти, дангалчи, қўнгли очик Бобур шахсиятига хос сифатлар ёрқин намоён бўлади. Шоир атрофдаги одамларнинг таънаси ҳам, мақтовига парвосиз қарайди. Сабабки у яхши-ёмонни бошидан кўп ўтказган. Чиндан ҳам бу тасвиirlар Бобур тақдирининг чизмаси каби туюлади.

Бобурнинг тасвир маҳорати „Ғурбатда ул ой ҳажри мени пир қилибтур“ ғазалида ҳам яққол кўзга ташланади. Бу беш байтли ғазалда ҳасби ҳоллик хусусияти аниқ сезилади. Чунки ғурбат мотиви Бобурнинг барча ёзганларида етакчилик қиласи ва ҳамиша чуқур ҳаётий асосга эга бўлади:

Ғурбатда ул ой ҳажри мени пир қилибтур,

Ҳижрон била ғурбат менга таъсир қилибтур

Ҳам ёрдан айрилиқ, ҳам мусофирикда яшаш таъсирида ошиқ вақтидан олдин қариган. Лекин у ёрга етишиш орзусидан воз кечмоқчи эмас. Шеърнинг лирик қаҳрамони бир мўмин сифатида Тангри манглайига қандай тақдир ёзганини билмайди, унга қарши бормоқчи эмас, лекин қудрати етгунча висолга интилади: “*Мақdur¹ борича қилурам саъии висолинг², То Тенгрини билмоники, не тақдир қилибтур*”. Ғазалнинг мақтаъси кутилмаган қўшмаънога эгалиги, фикрнинг ўткирлиги, ифоданинг янгилиги, кишини фикрлашга, муносабат билдиришга ундаши билан ўқувчиларнинг эътиборини тортади:

¹ Мақdur – қодирлик, имкон, кувват.

² Саъии висолинг – висолинг харакати.

*Сендин бу қадар қолди йироқ, ўлмади Бобур,
Маъзур тут, эй ёрки, тақсир қилибтур.*

Ушбу сатрларни Бобур сендан шунча узоқда яшаб ҳам ўлмади, эй ёр. Унинг бу қусурини кечир тарзида изоҳлаш, бизнингча, байтнинг сиртқи маъноси. Ёрни диёр, ватан рамзи сифатида қабул қилиб, сендан шу қадар узоқда яшаб, ўлмаган Бобурингни кечиргин, Ватан, тарзида ҳам тушуниш орқали битикнинг иккинчи – ички маъносини илғаш ҳам мумкин. Ёр билан диёр тимсолларини бунчалик маҳорат билан уйғунлаштириб юбориш Бобурга қадар ҳеч бир шоир ижодида қўрилмаган эди.

Бобур – кўркам сўзнинг жилвасини, товланиш имкониятларини нозик ҳис этиб, ундан усталик билан фойдалана оладиган шоир. „Яна“ радифли ғазалида бу жиҳат яққол кўринади. Бобурнинг ўзига хослиги шундаки, соғ ошиқона ғазалда ҳам ҳасби ҳолга доир тасвирларни қўллай олади. Бу эса тасвирга самимилик бағишлайди, битикни ўқувчи кўнглига яқинлаштиради:

*Сочининг савдоси тушибошима боштин яна,
Тийра бўлди рўзгорим ул қаро қошибин яна.*

Бир ўзакдан ясалган икки сўзнинг ёнма-ён икки маънода келиши соч образининг „бош“га алоқадорлиги, рўзғор қаролигига қошнинг қаролиги сабаб кўрсатилиши сингари бир байт ичидаги қилинган шунча бадиий кашфиёт кишини ҳайратга солади. Ошиқнинг ишқи шунчаликки, рўзгорнинг қайтадан қора бўлиши ҳам, хонумонининг яна бузилиши ҳам уни суюклисидан умид қилишдан қайтаролмайди. Шеърдаги: “*Яхшилигини кўз тутарсан ул паривашибин яна*” сатри фикримизни асослайди. Ғазал мақтага келиб бир қадар ҳасби ҳоллик хусусиятини касб этади: “*Оёғим етганча Бобурдек кетар эрдим, нетай, Сочининг савдоси тушибошима боштин яна*”. Шоир ўзининг жаҳонгашталиги, юртказарлигини мақтаънинг биринчи мисрасида маҳорат билан тасвирлаб, ғазалга ҳасби ҳоллик бахш этган.

Бобур барча ўйчил кишилар сингари олам ва одамга хос жиҳатлар тўғрисида кўп фикрлайди. Табиатидаги юксак фазилатлар туфайли одамларга фақат яхшилик қиласи, мардлик қўрсатади ва бошқалардан ҳам шуни кутади.

Аммо ҳаётнинг чигаллиги шундаки, одамлардан кутилган эзгуликка камдан-кам эришилади. Қисқа бўлса-да, ўзининг шиддатли, ҳадик-хавотир ва талотумларга тўла ҳаётида Бобур атрофидагилардан жуда кам яхшилик кўрди. “Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим” деб бошланадиган ишқий ғазалида таҳликали умри мобайнида кўрганларидан чиқарган хулосаси акс этади. Ушбу битик ҳам тўлиғича ҳасби ҳоллик хусусиятига эга. Шеърдаги ёр тимсолини фақат маъшуқа эмас, балки дўст, ишонадиган киши маъноларида ҳам қабул қилиш мумкин:

*Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.*

Саноқсиз одамлар орасидан битта ҳам одам тополмаслик, ўзидан бошқа ҳеч кимсага ишона олмаслик туйғуси юкоридагидай иқрорнинг юзага келишига сабаб бўлади. Ғазалнинг иккинчи байти тўлиғича ошиқона маъно ташийди: “Усрук кўзига токи кўнгул бўлди мубтало, Ҳаргиз бу телбани яна ҳушёр топмадим”. Ёрнинг хумор кўзларига мубтало бўлгандан бери ошиқнинг телба кўнгли ҳушёр бўлмаган. Яъни ёр ишқида телбалиқдан тузалмаган. Ғазалнинг кейинги байтларида ошиқни бу телба ҳолга солиб, меҳр кўрсатмаган ёрдан ёзғириш давом этади. Мақтаъда эса шеър яна ҳасби ҳоллик ҳолатига қайтади:

*Бобур, ўзингни ўргатакўр, ёрсизки мен,
Истаб жаҳонни мунча қилиб бир ёр топмадим.*

Чиндан-да Бобур ўзининг қисқа, аммо таҳликаларга тўла умри давомида ишонса бўладиган ёр тополмаганини шу тариқа бадиий ифода этади.

Букилмас ирода, юксак ғурур эгаси бўлган, мард ва таваккалчилиги сабаб бир умр хатарли воқеалар оғушида ҳаёт қечирган Бобур ўрни билан одамларга танқидий қарай билган. Шу боис унинг ғазаллари орасида кўпчилик инсонлардаги хиёнат, вафосизлик, алдов, очкўзлик, номардлик сингари иллатлардан ёзғириб битилганлари талайгина. Шоирнинг бир ғазали:

Ким кўрубтур, эй кўнгул аҳли жаҳондин яхшилиғ,

Кимки ондин яхии йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ

тарзидағи қатъий хулоса ифодаланган матлаъ билан бошланади. Шоир башарий кўламда фикр юритади. У жаҳон аҳлидан яхшилик кўрган одам йўқлигини, чунки аҳли жаҳон яхши бўлмагач, ундан қандай яхшилик қутиш, дея савол қўяди. Шоир замонни инсондан айри кўрмайди, унингча, одам қандай бўлса, давр шундай бўлади. Яхшилик қилишни билмайдиган кимсалар яшайдиган замонни рад этиб, инкор инкор қилгиси келади:

Гар замонни нафй қилсам¹ айб қилма, эй рафиқ,

Кўрмадим ҳаргиз, нетайин, бу замондин яхшилиғ

Бобур – ҳақиқат билан иш кўрадиган амалиёт кишиси. Гарчи замондан нолиш мумкин бўлмаса-да, ундан яхшилик кўрмагани сабаб уни рад қилиб, юз буришга журъат этади. Шоир ўз қарашларини асослаш учун кўнгилга мурожаат қилиб: “Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг, ямонлиғ асру қўп, Эмди кўз тутмоқ не, йаъни ҳар ямондин яхшилиғ”, –дейди. Чиндан ҳам яхши деганлардан шунча қўп ёмонлик қўриб тургани ҳолда энди ёмонлардан яхшилик қутища қандай маъно бор. Кейинги байтда шоир ўқувчининг хаёлига ҳам келмайдиган тўхтамга келади:

Бори элга яхшилиғ қилгилки, мундин яхии йўқ,

Ким дегайлар: даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ

Бобур яхшилик кўрган-кўрмаганлигига қарамай барчага яхшилик қилишга чорлайди. Сабаби шундай қилинса, дунёда фалончидан яхшилик қолди дейдилар. Ғазалнинг тугаши яна Бобурнинг ҳасби ҳолига хос кўриниш олади: “Яхшилиғ аҳли жаҳондин истама Бобур киби, Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ”. Лирик асарларидағи ёзғиришлар тўқима бўлмай, Бобур шахсиятига бевосита тегишли бўлганига урғу қилинса, улар ўқувчиларга кучлироқ таъсир қиласи.

Бобур ғазаллари енгил ўқилади. Уларнинг тили туркона содда, ҳажми кичик, тасвир эса қуюқ бўлгани сабаб ўқувчилар томонидан нисбатан осон қабул қилинади, хотирага михланади. Бунинг яна бир сабаби деярли барча

¹ Нафй қилиш – рад этиш, юз ўгириш.

битикларининг муайян даражада ҳасби ҳол хусусиятига эгалигига ҳам боғлик.

Ҳасби ҳолнинг таъсирчан, ифодали, гўзал намуналари Бобурнинг рубоийларида янада ёрқинроқ кўзга ташланади. Ҳамиша тафсилот эмас оқибат акс этган рубоийларини шоир таржимаи ҳолининг кичрайтирилган макети дейиш мумкин. Таниқли матншунос, таржимон ва методист олим Ваҳоб Раҳмон ёзади: “*Таъбир жоиз бўлса, айтиши мумкинки, “Вақоеъ” (“Бобурнома”) Бобур саргузашларининг воқеий тарихий лавҳаларидан иборат бўлса, унинг рубоийлари ана шу қомусий асарга ўзига хос иловадир. Зотан, “Бобурнома” воқеалар баёни бўлса, рубоийлар ўша воқеалар иштирокчиси Бобурнинг ҳис-туйгулари галаёни ифодасидир*”¹. Қуйидаги мисралар олим фикрининг тўғрилигига далилдир:

*Даврон мени ўткарди сари сомондин,
Ойирди мени бир йўли хонумондин,
Гаҳ бошима тож, гаҳ балойи таъма,
Неларки, бошима келмади даврондин.*

Ушбу рубоийда шоирнинг давр томонидан турфа синовларга дуч қилингани, у гоҳ хонумону ватандан айрилган бўлса, гоҳ бошига тож қўндирилгани, саноқсиз қийноқларни бошдан кечиргани акс эттирилган. Жуда машҳур бир рубоийсида ҳам Бобур одамнинг умри синовлар, топишу йўқотишлиар, афсус-надоматлар узлуксизлигидан иборат эканини эсда қоладиган тамсиллар орқали ўзига хос йўсинда ифодалайди:

*Толе йўқи жонимга балолиг бўлди,
Ҳар ишники айладим, хатолиг бўлди.
Ўз ерни қўюб Ҳинд сори юзландим,
Ё раб, нетайин, не юз қаролиг бўлди.*

Бу шеърда шоир ўз ҳаёт йўлининг кескин қисқартирилган, лекин ғоят қамровдор манзарасини чизганки, буни ўқувчиларга ҳис қилдириш Бобур ҳолатини яқиндан туйиш, унга туйғудош бўлиш имконини беради. Бу ҳол

¹ Ваҳоб Раҳмон. Мумтоз сўз сехри. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2015. –Б.157.

рубоийнинг туб маъносини теранроқ англаш йўлидаги илк қадам бўлади. Зеро, Ваҳоб Раҳмон таъкидлаганидек: “*Таржимаи ҳолниг рубоий ёки газалга дахли бадиий матнга ҳужжатлилик баҳи этади; ҳужжатлилик эса умумийликдан кўра таъсирчанликда устунлик қиласди. Чунки китобхон лирик қаҳрамондан кўра Бобурниг ўзини юракка яқинроқ олади*”¹.

Шундай қилиб, умумий ўрта таълим мактаблари адабиёт сабоқларида мумтоз битикларни ўрганиш ва таҳлил қилишда ижодкорларнинг ички дунёси, муайян вазиятдаги аҳвол-руҳияти акс этган ҳасби ҳоллардан фойдаланиш катта дидактик самара беради. Ҳар қандай бадиий асар, айниқса, мумтоз адабиётда ғоят кенг тарқалган шеърий битиклар муайян кайфият ва руҳий ҳолатнинг маҳсулидирлар. Ҳасби ҳол эса бевосита ана шу ҳолатнинг юзага келиш сабабига ишора қилганлиги билан ўша асарни теранроқ англаш ва таҳлил қилишга имкон яратади.

7-синф «Адабиёт» дарслигига Увайсийнинг «Увайсийман», «Доф ўлди, доф ўлди», «Соғиндим» каби ҳасби ҳол тарзида ёзилган ғазалларини таҳлил қилиш кўзда тутилган. Уларда шоира ҳаётининг ғоят муҳим бўлган лавҳалари баён этилган. Масалан, «Соғиндим» радифли ғазалда фарзандидан жудо онанинг изтироблари, соғинчини акс эттирган².

Букун, эй дўстлар, фарзанди жононимни соғиндим,

Гадо бўлсан не айб, ул шоҳи давронимни соғиндим.

Мусо фирманс, гарифман, бекас-у ҳам бенаводурман,

Вужудим дардга тўлди, эмди дармонимни соғиндим.

Бу сатрларда кўпдан буён фарзанди дийдорини кўролмаётган она ҳолати, унинг хавотирлари, изтироби акс этган. Мумтоз анъаналарга мувофиқ битилган ғазалда ўзбек аёлининг руҳий дунёси ёрқин акс этади. Маълумки, ўзбек оналари учун боласи унинг дардига “дармон”, фарзанд ким бўлишидан қатъи назар она учун “шоҳи даврон”. Чин ва самимий туйгулар акс этгани сабаб шеърнинг таъсирчанлиги ошган.

¹ Ваҳоб Раҳмон. Мумтоз сўз сехри. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2015. –Б.157.

² Yo‘ldoshev Q., Qosimov B., Qodirov V., Yo‘ldoshbekov J. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik-majmua. /Qayta ishlangan 4-nashri. –T.: Sharq, 2017. –B.225.

Хуллас, шоир ва ёзувчилар ижодини ўрганишда ҳасби ҳол акс этган парчаларга эътибор бериш ҳам педагогик, ҳам маънавий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун фақат дарслиқда берилган материаллар билан чекланиб қолмай, илмий-адабий манбалар, интернет маълумотлари, оммавий ахборот воситалари материалларидан ҳам фойдаланган ҳолда илғор педагогик технологияларни қўллаб иш кўриш кутилган самарани беради.

Боб бўйича хulosалар

1. Мумтоз адабиёт вакилларининг асарлари таҳлилида уларнинг ҳаёти ва фаолиятига доир ўзлари ёки замондошлари томонидан берилган маълумотлар катта ўрин тутади. Ўзбек мумтоз адабиётида таржимаи ҳолни акс эттирувчи асарлар кам бўлса-да, аммо мемуар ҳамда ҳасби ҳол йўналишда яратилган тазкира, ҳасби ҳол жанридаги битиклар анчагина. Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро”, Бобурнинг “Бобурнома” каби асарлари шу қаторга мансубдир.

2. Тазкира ва биографик асарлар мумтоз адабининг муайян бир асарининг яратилишига туртки бўлган омил, унда ифода этилган руҳият манзарасини теранроқ англаш имконини беради. Бу эса ўқувчиларни ижодкорга яқинлаштиради, ўрганилаётган битикнинг бир одам муайян ҳаётий сабаб билан қилаётган муножот эканини англаб этишига туртки бўлади.

3. Ҳасби ҳол кўринишидаги битиклар ҳам муайян ижодкор ҳаётини ўрганиш ва асарларини таҳлил қилишда муҳим ўрин тутади. Бундай яратиқлар кўпроқ шеърий йўлда, маснавий шаклида битилади ва унда ижодкорнинг муайян вазиятдаги ҳол-аҳволи баён этилади.

III БОБ. ЗАМОНАВИЙ АДАБИЁТ НАМУНАЛАРИНИ ЎҚИТИШДА АВТОБИОГРАФИК ВА БИОГРАФИК АСАРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

3.1.§.Автобиографик ва биографик асарлар – замонавий адабиёт намуналарини ўргатиш воситаси

Адабиётшунос олим Д.Қуронов ёзувчилар ҳаёти ва ижодини ўрганишда автобиографик битикларнинг ўрни ҳақида қуйидагича фикр билдирган: «Кўпинча эл ичида ижодкорлар тўғрисидаги турли-туман мишишларга, узунқулоқ гапларга дуч келинадики, гоҳо уларнинг бир-бирига тамомила зидлигию ақл бовар қилмас даражада ажабтурлигидан шошиб қолади киши. Албатта, бу нав мишишлар эл наздида катта обрў-эътибор топган кишилар ҳаётига қизиқишининг зўрлигидан юзага келади. Бироқ ўйлашимизча, буни оммавий қизиқувчанликнинг ўзи билангина изохлаш кам кўринади. Зеро, бунинг асосий сабабларидан бири сифатида адабиётшунослигимизда ижодкор биографиясини ўрганишга етарли эътибор берилмаслигини кўрсатишга мойилмиз. Ҳатто, сир эмас, ижодкор биографияси билан боғлиқ ишларга менсимасданроқ, илмдан йироқ ҳодиса сифатида қараш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Ҳолбуки, адибу шоирлар ҳаётига оид фактларни тўплашу илмнинг чинакам «қора иши» сифатида баҳоланиши керак. Сабабки, бу хил ишлар конкрет ижодкорнинг шахс ва санъаткор сифатидаги тадрижини кузатиш ёки конкрет асарнинг ижодий тарихини, уни тўғри талқин қилиш учунгина эмас, ижод психологияси, ижодкор ва жамият муносабати каби қатор умумэстетик муаммоларни ёритишида ҳам муҳим аҳамият касб этади»¹. Ижодкорнинг ҳаёти ва шахсиятига доир маълумотлар нафақат адабиётшунослик илми, балки мактабда адабиёт ўқитиши кечимининг самарадорлигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутади.

Кейинги йилларда умумтаълим мактабларининг “Адабиёт”

¹Қуронов Д. «Адабиёт надир» ёки Чўлпоннинг мангу саволи. //Адабий-танқидий мақолалар. –Т.: Zarqalam, 2006. –Б.40-41.

дарсликларида автобиографик ва биографик маълумотларни беришда ўқувчиларнинг ёши, мавзуни қай даражада идрок қилиши, тушуниш даражасини бир қадар ҳисобга олишга уриниш сезилади. Ўқувчиларга шоир ёки ёзувчи ҳаёти ҳақида фақат сана ва рақамларга асосланган маълумот бериш билан кифояланмай, уларни қизиқтириши мумкин бўлган қўшимча материаллардан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилинаётгани диққатга лойикдир. Айрим ҳолларда умумтаълим мактаблари “Адабиёт” дарсликларида шоир ва ёзувчилар ҳаётига доир маълумот беришда ўша ижодкорнинг ўзи томонидан билдирилган автобиографик ёки унга замондош бўлган, ҳаёти ва ижодини атрофлича ўрганган мутахассисларнинг биографик ёзмишларидан фойдаланишга аҳамият берилмоқда.

Адабиётшунос олим Баҳодир Каримов «Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур» номли монографиясининг «Бадиий асар ва биографик маълумот» салавҳали бўлимида ижодкор таржимаи ҳоли билан унинг асарлари ўртасида боғлиқлик ҳақида: «Ёзувчи биографияси қайсиdir йўсинда унинг асарларида ўз ифодасини топади. Ва қайсиdir даражада санъат асарининг оригиналлигини таъмин этади. Ёзувчи ҳаётидаги ўзгаришлар, руҳий кечинмалар, дунёқарашидаги силкинишлар фонида бадиий асарни талқин қилиш ўзининг ижобий самарасини беради, албатта”¹, – деб ёzádi.

Таълим жараёнида ўқитувчи ўқувчиларни таҳлил этилиши керак бўлган бадиий асар билан таништиришдан олдин болалар эътиборини ўрганилиши режалаштирилаётган асар муаллифининг қайси даврда, қандай яшаганлиги, табиати қандайлиги тўғрисида бир қадар маълумот бериши лозим. Агар шоир ёки ёзувчи шахси ҳақида дарслиқдаги маълумот ижодкорнинг ўз тилидан берилган бўлса, ўқувчиларнинг унинг шахсиятига ҳам, асарларига ҳам ўзгача муносабатда бўлади. Айни вақтда муайян ижодкорнинг шахсияти ва ижодини турли-туман манбаларга таянган ҳолда атрофлича ўрганган мутахассисларнинг фикри ҳам адаб шахсини

¹Каримов Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. –Т.: Академнашр, 2014. –Б.183-184.

нурлантириб, унинг битганлари замиридаги яширин маъноларни илғашга ёрдам бериши мумкин.

Академик Наим Каримов: «Чўлпоннинг улуғворлиги шундаки, у XX аср ўзбек адабиётини янги поғонага кўтариб, ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва равнақ топишига улкан ҳисса қўшибгина қолмасдан, халқда «Ватан», «Миллат», «Истиқлол» тушунчаларининг теран маъно касб этишига ҳам мислсиз даражада катта таъсир кўрсатди. Ўзга сўзлар билан айтганда, у халқда хуррият туйғусини уйғотди, унинг қўзидағи ғафлат пардасини олиб ташлади, унда Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч ҳисларини тарбиялади. Унинг фуқаролик жасорати худди шундадир»¹, – деган фикрларни билдиради. Бу фикрлар Чўлпон ижодининг асосий йўналишларини англаб етиш ва таҳлилга тортиладиган асарлари замиридаги ижтимоий маъноларни топа билишда ўқитувчи ва ўқувчиларга қўл келади.

Ўзбекистон Қаҳрамони шоир Абдулла Ориповнинг: «Эркин Воҳидов дилбар рубобий тароналари, аср армони, фифони даражасига кўтарилган достонлари қатори ғоят нозик лутф, беозор қочирилмлар, айни пайтда истеҳзо, киноя-кесатиклар, ўткир ижтимоий пафос билан йўғрилган ҳажвиёти, беназир табассуми билан ҳам элимиз учун ардоқлидир», – деган фикрлари шоир Э.Воҳидовнинг “Рухлар исёни” ва “Донишқишлоқ ҳангомалари” асарларини таҳлил қилиш, битиклар замиридаги ҳаётини ва бадиий хақиқатларни англаб етишда ўқувчиларга ёрдам беради.

Кўринадики, муайян бир ижодкор тўғрисида адабиётшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар томонидан билдирилган фикрлар умумтаълим мактаблари адабиёт дарсларида асарлари ўрганилаётган адиблар тўғрисидаги маълумотларни бойитиб, тасаввурларини кенгайтирибгина қолмай, уларнинг битганларини чуқур ва тўла таҳлил қилишга ёрдам беради.

Мактаб “Адабиёт” дарсликларида замонавий шоир ва ёзувчилар ҳақида маълумот беришдан худди мумтоз адиблар билан бўлганидек, икки мақсад кўзда тутилади. Бунда, биринчидан, ижодкорнинг ҳаёт йўли, шахсияти

¹ <https://e-tarix.uz/maqolalar/486-cholpon-istiqlol.html>

ўқувчилар учун маънавий-ахлоқий ўрнак, иккинчидан, унинг ўрганилаётган асарларидағи яширин маънолар, гўзал ифодаларни тушуниш учун калит сифатида фойдаланиш кўзда тутилади.

Умумтаълим мактаби дарсликларида асарлари ўрганиладиган ижодкор ҳақида узоқ даврдан буён кўпроқ расмий маълумотлар бўлмиш ўқиши ва иш жойлари ҳамда асарларининг саноқлари келтириш анъанага айланган эди. Истиқлолдан кейинги йилларда яратилган дарсликларда ижодкор умр йўлини тақдим этиш бўйича сезиларли ижобий ўзгаришлар бўлаётганлигини қайд этиш лозим.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синф “Адабиёт” дарслигига Абдулла Қодирийнинг таржимаи ҳоли берилган. Унда дарслик муаллифлари ёзувчининг ўғли Ҳабибулла Қодирийнинг «Отам ҳақида» биографик асаридағи маълумотлардан фойдаланишган. Ҳ.Қодирий отасининг ҳаёти билан боғлик қизиқарли воқеа тасвирини беради: “*Кеч кузак пайтлари, шаҳар ҳовлида яшар эдик. Бир кун Қодирий ижодхоналаридан чиқиб, ташқари ҳовлимиизда ошиқ ўйнаётган болаларга дедилар:*

- Болалар бир таклифим бор...
- Қани айтинг-чи? – дейишади улар.
- Сизларга уй топиб берсам, қироатхона очмайсизларми?
- Майли очамиз. Лекин китобларни қаердан оламиз?..
- Бу ёгини мен тўғрилайман. Сизлар олдин қироатхонани тартибга солинглар-чи.

Раҳимберди ва Қудратилла амакиларим яшайдиган ҳовлининг кўчадан кираверишида, ариқ бўйида каттагина бўш бир ўтинхона бўлар эди. Шу хонани дадам кўчамиз болалари ихтиёрига бердилар. Болалар ишига киришиб кетдилар. Сомон топиб келиб, лой қилиб, уйнинг баъзи тушиб кетган жойларини сувадилар, ёргу тушсин, деб иккита тешик очиб, ромсиз ойна кўйдилар, супуриб тозаладилар, эшикни тузатдилар, уйнинг шифтига оқ қогоз ёпиштиридилар, уй ўртасига тахта қоқиб, узун стол ва ўтиргичлар ясадилар, уйма-уй қидириб, икки-учта ортиқча керосин лампа топиб

келдилар. Дадам босмахонаданми, магазинданми жуда кўп ҳар хил афишалар, «Муштум» келтириб бердилар... Уларни деворларга қоқиб, ёпишишириб чиқдилар. Сўнг дадам ўз кутубхоналаридан ва яна аллақаерлардан анча китоб келтириб бердилар ва болалар ичида ёши каттаси, жиоддий ва саводлиси бўлган Нуриддин акани кутубхонага бошлиқ қилиб тайинладилар. Шу билан қарабсизки, қисқа муддат ичида кичкина, шинам кутубхона пайдо бўлди...”¹.

Келтирилган парча орқали ўқувчилар Абдулла Қодирийнинг одамлар тақдирига бефарқ бўлмагани ойдин, болаларнинг, демакки, миллатнинг эртаси тўғрисида ўйлайдиган маърифатли шахс эканини билиб оладилар. Бундан ташқари, воқеа юз берган даврдаги майший шароит ҳамда ўша давр болаларининг қизиқиши даражаларидан ҳам хабардор бўладилар. Уларни оддий бир ўтинхонани кутубхонага айлантириш, деразаси ҳам бўлмаган бостирмага ромсиз ойна ўрнатиш, силлик сувалмаган ва оқланмаган деворларга турли афишалар, журналу газеталар ёпишишириб кутубхона ҳолига келтириш учун ўзида куч топган болалардаги жўшқинлик, маърифатга интилиш туйгулари ҳайратга солади. Ва бу ҳол адибнинг берилган асарини қизиқиб ўқишлирга туртки бўлади.

2015 йил умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфи учун чиқарилган дарсликда² Абдулла Қодирийнинг «Улоқда» ҳикояси берилган эди. Аммо у 2020 йил чоп этилган дарсликда³ негадир чиқариб ташланган. Абдулла Қодирийнинг ҳаёт йўлини ўрганишда «Улоқда» ҳикоясини ўрни бекиёс. Асар воқеасидаги лавҳалар тўқима эмас, муаллифнинг ўзи унибўсган маҳалласидаги одамлар ҳақида билган, кўрганларини қаламга олади. Ҳабибулла Қодирийнинг ёзишича, 1936 йилда отаси «Улоқда» ҳикоясини қайта нашрга тайёрларкан, сарлаҳа тагига «Бу ҳикоя 1915 йилда ёзилган эди. Болалик давримни ёдгори бўлгани учун ортиқча ўзгартиришилар

¹ Саримсоқов Б., Халилов Т., Қурбонбоев Б. Ўзбек адабиёти. –Т.: Ўқитувчи, 1993.

²Ahmedov S., Qosimov B., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh.Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. –Toshkent:Sharq, 2020. –B.133-141.

³Ahmedov S., Qosimov B., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh.Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. –Toshkent:Sharq, 2020. –B.93-106.

киритмадим»¹ деган изоҳ қолдиради. Бундан кўринадики, ёзувчи кўрганларини бўрттирмасдан аниқ, реал воқеликка таяниб иш кўрган. Асар персонажлари ҳам ўзи таниган билган инсонлардир.

С.Аҳмедов ва бошқалар томонидан яратилган 5-синф ўқувчилари учун янги адабиёт дарслигига Абдулла Ориповнинг ижод оламига кириб келиши ва унинг машҳур ижодкорлар эътиборига тушганлиги ҳақида қуидагича маълумот берилади: «Абдулла Ориповнинг биринчи китоби 1965 йилда «Митти юлдуз» номи билан босилиб чиқади. Бу митти китобча адабиётимизга катта истеъдод кириб келаётганини маълум қиласди. Ёш шоир шеърларидаги ҳеч кимникига ўхшамаган дард ва оҳанглар, кутилмаган ўхшатиш – манзаралар, дадил хуносалар бирдан ҳамманинг диққатини ўзига жалб этади. Унга ўз даврининг энг машҳур адиблари, масалан, Абдулла Қахҳор эътибор билан қараган ва салоҳиятига юксак баҳо берган эди»².

Умуман, тўғри бўлган бу фикрларнинг 5-синф ўқувчилари томонидан қандай қабул қилинишини ўйлаб кўриш лозим. Юқоридаги қарашлар филолог мутахассислар ёки ижодкорларга мўлжаллангандай таассурот қолдиради. Ўсмир ёшидаги болалар учун шеъриятга янги истеъдод кириб келаётгани ҳам, унга Абдулла Қахҳордай ёзувчининг эътибор билан қарагани ҳам ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Уларга ўсмир Абдулла шахсига хос жиҳатларни билиш фойдалироқ. Агар ёзувчи ҳақидаги бу хилдаги тадқиқот нусха маълумотлар ўрнига ёзувчининг ўзи ёзган таржимаи ҳолдаги болалиги, қўй боққани, ўт ўргани, йўл-йўлакай шеърлар тўқигани ҳақидаги маълумот берилганда, болалар шоир шахсига кўпроқ қизиқиб қолган бўлишарди³.

Умумтаълим мактабларининг 10-синф ўқувчиларига мўлжалланган “Адабиёт” дарслигига Абдулла Ориповнинг «Кўрган-билганларим» номли автобиографик битиклари берилиши ўқувчиларнинг шоирнинг ёшлиги, оиласи, у яшаган жой тўғрисидаги билимларини бойитишга хизмат

¹ Кодирий X. Отам ҳақида. – Т.:Faafur Fulom nomidagi Adabiyet va san'yat nashriyoti, 1983.–Б.19.

²Ahmedov S., Qosimov B., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh.Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. –Toshkent:Sharq, 2020. –B.217.

³Орипов Абдулла. Танланган асарлар/1 жилд/ Шеърлар ва достонлар. –Т.:Faafur Fulom nomidagi Adabiyet va san'yat nashriyoti, 2000. –Б.9.

қилишдан ташқари синфда ўрганилиши кўзда тутилган асарларини тушунишга калит бўлади. Шоир асарларидаги образлар, деталлар қаердан келгани, унинг табиат манзараларини бу қадар нозик ва бетакрор йўсинда тасвирлай олишининг асоси қаерда экани ўқувчилар томонидан англаб етилади.

Бадиий ижодда автобиографик битиклардан фойдаланиш асар таҳлилиниң ишончли, қизиқарли ва аниқ чиқишини таъминлайди. Бу эса бадиий асар тўғрисида ўқувчиларга тўлиқ тушунча шаклланиши, унинг руҳиятига таъсир қилган омил нимадан иборат эканини англаб етишга хизмат қиласди. Абдулла Орипов шахсиятига хос хусусиятлардан чуқур хабардор бўлган ўспириналар у ҳақдаги қуйидаги фикрларни қабул қилишга руҳан ва ақлан тайёр бўладилар: «Абдулла Орипов, шубҳасиз, XX аср ўзбек адабиётиning бармоқ билан санаарли намояндадалидан биридир. Унинг шеъриятида Ойбекка хос нозик поэтик ташбех, Чўлпонга хос ҳиссиёт, Ҳамид Олимжонга хос жўшқинлик, Ғафур Ғуломга хос донишмандлик уйғунлашиб, 60-йилларда ўзбек шеъриятини одам қалби билан баробарлашган поғонага кўтариб қўйди. ...Адабиёт ...қачон замоннинг ёлғонлари билан ўралашиб қолса, одам қалбидан узоқлашади, дарддан, ҳақиқатдан узоқлашади. Шу сабабли қайси тузум, шоҳ адабиёт жиловини ўзимнинг қўлимда ушлаб тураман деган бўлса, адашган»¹. Бу фикрлар улкан истеъдод соҳибининг миллат бадиий тафаккурини юксалтиришдаги хизматини тўғри ифодалагани билан диққатга лойикдир.

Замонавий ўзбек адабиётида ҳам соф автобиографик характерда битилган асарлар унчалик кўп эмас. Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртаклар”, Ойбекнинг “Болалик” асарлари бевосита муаллифларнинг болалик хотираларига асосланган бўлса, Анвар Обиджоннинг “Ажинаси бор йўллар” асари адибнинг болалиги ва ёшлигининг нурли, қизиқарли ҳамда ташвишли кунлари тасвирига бағишланган. Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” асарида бир қанча автобиографик унсурлар бўлишига қарамай, уни соф автобиографик

¹<https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/nazar-eshonqul-abdulla-oripov.html>.

асар дейиши мумкин эмас. Бу ҳатто асарнинг номидан ҳам кўриниб туриди.

“Ўтмишдан эртаклар” ёзилиш услуби, воқеаларнинг ҳаққоний, таъсирили ва ишончли баён қилиниши билан китобхон эътиборини ўзига тортади. Эътиборлиси шундаки, асардаги бир қатор лавҳалар тасвири кейинчалик адабнинг қисса ва ҳикояларига кўчиб ўтган. “Ўтмишдан эртаклар” қиссасидаги ана шу тасвирлар Абдулла Қаҳҳор битикларини таҳлил қилишда жуда қўл келади. Жумладан, муаллиф автобиографик қиссасида ёзади: “*Кунлар гурбат билан бошланиб, гурбат билан тугар эди. Шу орада Ўлмасой¹ касал бўлиб қолди... Боласининг касал бўлишидан юрак олдириб қўйган аям нима қилишини, ўзини қаёққа уришини билмай, феъли тез бўлиб, дадамга, ҳатто кампирга ҳам шовқин соладиган бўлиб қолди. Кўшиноч келиб Ўлмасойни хипчин билан савалаб кўчирди, қора товуқ сўйиб қонлади. Банди эшон ҳар куни сахарда аврод² аям ҳар куни сахарлаб Ўлмасойни кўтариб авродга борадиган бўлди. ...Шу куни Ўлмасой кўзини очди. Ҳаммамиз суюндин. Аям сахарда Ўлмасойни кўтариб яна авродга кетди. ...аям авродан Ўлмасойнинг ўлигини олиб келибди*”.

Адабнинг “Бемор” ҳикоясини ўргатишда “Ўтмишдан эртаклар” қиссасидан ушбу парчани ўқиб бериш ҳикояни теранроқ таҳлил қилиш, асардаги образларни ўқувчиларга яқинлаштириб, ҳолатнинг қанчалар аянчли эканини бевосита ҳис қилдириш имконини беради. Ўқувчилар “Бемор” ҳикояси шунчаки бир бадиий тўқима эмас, балки бевосита ижодкорнинг ўз бошидан ўтган воқеа ифодаси эканини билгач, қаҳрамонларнинг туйғуларини ўз юракларидан ўтказишиади. Шу тариқа асардаги образлар ўқувчиларга яқин кишиларга айланади. Яқин одамларнинг ҳолати эса бевосита ҳис этиладики, шу йўсин ҳикоянинг таҳлили теранлашади.

Кўринадики, асар воқеалари ҳаётийлиги, ишончли эканлиги билан дастлаб ўқий бошлагандан китобхонни ўзига жалб қиласи. Ҳикояни ўқиш жараёнида ўқувчи ўзига яқин бўлган одамнинг бошидан ўтган воқеаларга

¹ Ёзувчининг синглиси.

² Аврод – сахарда ўқиладиган дуо.

аралашиб, ўзи сезмаган ҳолда уларнинг таъсирига тушиб қолади. У воқеа қаҳрамони билан бирга ҳаракатланади, бирга ўйлади. Асар ўқувчини мозийга, бундан бир аср илгариғи ҳаёт томон етаклайди.

Анвар Обиджоннинг “Ажинаси бор йўллар” романидаги Анвар образининг табиатига хос хусусиятлар билан танишиш шоирнинг 5-синфда ўргатиш кўзда тутилган “Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал, Умрнинг ҳар дамиғанимат” шеъри таҳлилини бир қадар осонлаштиришга хизмат қилади. Негаки болалигидан ўзгалар дардини ҳис қиласиган, ўзларининг бошқаларга қараганда бойроқ яшаётганидан ҳижолат чекадиган Анвар шахсиятини болалар ёқтириб қолишади. Шоирнинг асарига бўлган муҳаббат ва қизиқиши нинг шахсига бўлган муҳаббат ва қизиқишидан пайдо бўлади. Романда бола Анвар ҳолати шундай акс эттирилади: “*Илк болалик чоғларим оиласизнинг тўкин-сочин даврига тўғри келди. Мени жуда башанг кийинтиришига уринишарди, ҳадеб овқатлантирмоқчи бўлишаверарди, эркалатишгани эркалатган эди. Айрим қўрс ўспиринларни ҳисобга олмагандা, “бойнинг арзандаси” деб, маҳалла болалари, айниқса, тенгқурларим мени турткилаши ўёқда турсин, ортиқча қўполлик қилишидан ҳам ўзларини имкон қадар тийиб юришарди. Бу ҳол айрим жсангчаларда устунлигимни таъминлаб, ўзимни хотиржам сезишимига сабаб бўлса-да, кўнглимга заррача ҳам ҳузур бағишиламас эди, аксинча ғашимни келтирарди. Тенгдошларим мендан ҳуркимаслигини, жайдарича муомалада бўлишиларини, керагида қўполлик ишилтишиларини хоҳлардим. Улар билан уришиб кўришини истаб, гоҳо атайлабдан бирор нарсани талашардим, жсанжал қўзирдим, улар эса мен билан олишувга киришимасликка тиришардилар...* Бой эканлигимиздан уялаётгандек, бошқаларга ўхшаб камбагал эмаслигимиздан ўксинаётгандек эдим. Барчадек бўлишини истардим, ўзгалардан фарқланиб, ёввойидек ажралиб туришини ёқтирасдим. Биринчиридан жулдуровоқи болаларга боққаним сайин, раҳмим келаверарди. Негадир, уларнинг ҳам менга раҳми келишини хоҳлардим”.

Болалигидан шундай олижаноб туйғулар эгаси бўлган одам ёзган

шеърлар ўқувчиларнинг катта кўпчилигини қизиқтириши табиийдир. Бу шоирнинг бошқа шеърларидағи гоҳ танқидий сатирик, гоҳ қувноқ юмористик рух муаллиф шахсиятига хос хусусиятлардан хабардор бўлган болалар учун қизиқарли ва ардоқли бўлади. Бу ҳол болани матнга эътибор бериб ёндашишга ундейди.

“Ажинаси бор йўллар” романининг 5-синф ўқувчилариға мос келадиган ўринларидан парча ўқиб бериш шоирни ўқувчиларга шерикка айлантиради. Романдан олинган қуйидаги парчада шу синфдаги ўқувчилар тенги Анварнинг фикрлаши, ҳаракатлари ва ўйларида болаларча беғуборлик, соддалик ва айни дамда ўзига хос қувлик сезилиб туради. Қахрамондаги айни шу хусусиятлар ўқувчиларни ўзига ром этади: “*Мактабга бордим-у, кўпдан бери ичимда армон бўлиб турган бир орзум ниҳоят ушалди. Бошқа маҳалла болалари дадамнинг нуфузи ҳақида деярли ҳеч нарса билишимас, сал-пал эшиштганлари ҳам буни юзхотир қилиб ўтирумасдан, мен билан тан тортмай ёқалашувга киришар эдилар. Ўз обрўйимни ўз кучим билан қарор топтиришига интилавердим*”. Бу тасвирлар акс этган туйғулар 5-синфдаги ўсмирларга ҳам бегона бўлмагани учун улар шоирни ўзларига жуда яқин оладилар. Бу эса Анвар Обиджон шеърларининг севиб ўқилиши, тушунилиши ва чуқур таҳлил қилинишига омил бўлиб хизмат қиласи.

Умуттаълим мактаблари учун мўлжалланган “Адабиёт” дарслари самарадорлигини оширишда автобиографик битиклар муҳим ўрин тутади. Бу битиклар айрим ўринларда муаллифларнинг ўз тилидан баён қилиниши билан ўқувчиларга маълум давр тўғрисида маълумот беради. Шуниси характерлики, бундай маълумотлар нафақат насрий усулда, балки шеърий тарзда ҳам берилиши мумкин. Масалан, Ҳамид Олимжоннинг бадиий ижодга қизиқиши ёшлиқдан бошланган ва бунда онаси Комила аянинг таъсири катта бўлган. Бешинчи синф “Адабиёт” дарслигига “Ойгул билан Бахтиёр” адабий эртак-достонида шоирнинг ёшлигига оид автобиографик маълумот келтирилган:

Болалик кунларимда,

*Уйқусиз тунларимда
Кўп эртак эшиштгандим,
Сўйлаб берарди бувим.
Эсимда ўша дамлар:
Ўзи учар гиламлар,
Тоҳир-Зухра, Ёрилтои,
Ойни уялтирган қоши...
Бувимнинг ҳар қиссаси,
Ҳар бир қилган ҳиссаси
Фикримни тортар эди,
Ҳавасим ортар эди¹.*

Шу синфда Ойбекнинг «Фонорчи ота» ҳикояси ўрганилади. Шунингдек, ёзувчининг “Болалик” қиссасидан олинган “Боланинг кўнгли пошишо” ҳикояси ҳам берилган бўлиб, унда ёзувчи хаётига оид автобиографик маълумотлар ҳикоя тарзида ўқувчига етказилган. Келтирилган парчалар ўқувчиларнинг ёшига мос, уларнинг ўтмиш воқеалари тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтиради ҳамда “Фонарчи ота” ҳикояси таҳлилини осонлаштиришга хизмат қиласи. Дарсликда: “Агар «Болалик» қиссасини топиб, тўлиқ ўқиб чиқсангиз, жуда қизиқ воқеаларга бой бу асар Ойбекнинг болалиги, ўсмирлиги тўғрисидаги тасаввурларингизни кенгайтиши аниқ” тарзидаги тавсия ҳам қайд этилган².

Дарсликларда автобиографик маълумотларни келтиришдан мақсад ўқувчиларни ватанпарвар, меҳнатсевар, ота-онани, халқни севадиган, ҳурмат қиласиган, маънавий қадриятларимизни улуғлайдиган кишилар қилиб тарбиялашдан иборат. Келтирилган маълумотлар шу маънода тарбиявий аҳамият касб этади.

Дарсликнинг Ўткир Хошимов ҳаёти ва ижодига бағишиланган

¹ Ahmedov S., Qosimov B., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. – T.: Sharq, 2020. –B.55-56.

² Ahmedov S., Qosimov B., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. – T.:Sharq, 2020. –B.107-108.

саҳифасида ҳам шу ҳолатга дуч келинади. Бунда ёзувчининг “Дунёниг ишлари” асари тўғрисида сўз юритилиб, ундан парчалар келтирилган. Дарсликда онанинг буюқ эканлигини тавсифлашда қуйидаги фикрлар аҳамиятлидир: Шу ўринда қиссадаги «Гилам пайпок» ҳикоясиغا диққат қиласайлик. Унда она ўз жигарбандини касаллик хавфидан тезроқ ҳалос қилиш учун ҳар нарсага, ҳатто жонини ҳам беришга тайёр. Она қаттиқ шамоллаб қолган ўғилчасини олиб, шоша-пиша: «*Вой, энди нима қиласман?! Вой, болам ўлиб қолади!*» – деган таҳлика билан ҳаллослаганча табиб Ҳожи бувининг уйига югуради. Бола дардан бироз енгил тортгач, она ўз соғлигини хавф остига қўйгани – оёгини совуққа олдиргани маълум бўлади. Асардаги «Алла» деб номланган боб ҳам ниҳоятда таъсирчанлиги билан киши ёдида қолади. Қиссада бир-биридан мазмунли, қизиқарли ҳикоялар кўп. Шу туфайли ҳам сизга бу асарни, албатта, топиб, тўлиқ ўқиб чиқишни маслаҳат берамиз¹. Ўқитувчи томонидан асарда акс этган бу тасвирлар Ўткир Ҳошимовнинг ўз ҳаётидан олинган лавҳалар экани айтилса, асарнинг таъсир кучи ортади. Унга болалар ўзларига тегишли ҳолатдай муносабатда бўладилар.

Умумтаълим мактабларининг 6-синф ўқувчилари учун мўлжалланган “Адабиёт” дарслигига Ғафур Ғулом ҳаётига доир автобиографик маълумотлар сифатида Сайд Ахмаднинг 2000 йилда нашр қилинган уч жилдлик асарлар тўпламига киритилган «Йўқотганларим ва топганларим» номли хотиралар китобидан олинган парча келтирилган. Парчада қуйидаги маълумотларга дуч келинади: «*Шум бола*»нинг учинчи қисми ёзилаётганда мен Ғафур аканинг ёнида эдим. Қиссани тезроқ ёздириши учун «Муштум»дан мени Ғафур аканинг уйига «командировка» қилишган эди. Уйига борганимда Ғафур ака йўқ, қўлёзма стол устидаги таҳланганча туради. Ғафур ака менга қўлёзмасини ишонарди. Чунки араб алифбосини билганим учун унинг бир нечта шеър ва ҳикояларини машинисткаларга диктовка қилганман. Стол устидаги қўлёзмаларни варақлай бошладим. Шуни ҳам айтиб қўяйки,

¹ Ahmedov S., Qosimov B., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. – T.: Sharq, 2020. –B.121-122.

журналишимиз қиссани битмаёқ эълон қила бошлаганди. *Гафур* ака навбатдаги бобларни пешма-пеш келтириб турарди. Бирон сабаб бўлиб *Гафур* ака командривкага кетиб қолса, журналхонлар олдида хижсолат бўлиб қолишидан қўрқардик. Шунинг учун ҳам *Гафур* акани ҳол-жонига қўймай саҳарлаб уйига борардим. Мен борганимда қисса охирлаб қолган, шум бола Тошкентга қайтиб *Кўса Маддоҳ* ҳикояларини тинглаб турган пайтда тўхтаган эди.

Домла *Шоаҳмад* акани кузатгани чиқиб кетган эканлар. Келиб сал хижсолат чеккандек бўлдилар.

– Битказолмадик, укажсон, нима қилсанг қил,вой деган номард!

– Шу бугун олиб кетмасам, мени «Муштум»дан ҳайдаб юборишиади.

Домла кўчага чиқиб кетиши учун ўзини у ёқ-бу ёққа ташлаб баҳоналар қидира бошлади. Эплолмади. Охири ўтироди.

– Бўпти. Шу бугун «Шум бола»га нуқта қўйиб бераман. Сен чиқиб эски Жўвадан битта «Казбек» опкелиб бер. Мен ёзиб тураман.

Гафур ака мени ишига буюриб, қочиб қолишини билиб турибман. Муҳаррам опа: «Хушёр бўлинг, акангиз Мирза Абдулла ака билан аллақаёққа кетишмоқчи», – деб айтиб қўйган эди. Нима қилишиимни билмай қолдим. Ҳовлига чиқсам, Жўрахон шимини чўткалаётган экан.

– Жон ука, битта папирос опкелиб беринг, – деб ялиндим. Жўрахон пулни олиб зингиллаганча кетди.

(Жўрахон – *Гафур* аканинг фронтда ҳалок бўлган ўғли. Қирқ биринчи йили «Согинии» шеърини унга багишлаган эди.) У Мирза Абдулла аканинг ўғли Фатхулланинг велосипедида кетган экан, бирпасда папиросни олиб келди. *Гафур* ака энди ҳеч қандай баҳона тополмай қолди.

– Қув бола экансан. Мени енгдинг.

Ана шундан кейин *Гафур* ака оғзи ён тарафдан қўйилган сиёҳдонга ручкани тиқиб ўйлаб кетди. Ручкани сиёҳдондан чиқармай турибок ҳиринглаб кула бошлади.

– Қизиғи келди. Антиқаси келди. Агар эртага ёзсанм бу гап ё келарди, ё

келмасди.

Ғафур ака ручкани қитирлатиб ёза бошлади.

Хожи бобо Шум болага иссиқ нонни орқалатиб эзмаланиб гапириб кетаётган жойи эди. Қоғозга шундай сўзлар ёзилди. «Ҳа, шунақа, болам. Ота-она дунёга мўрт келади. Энди битта она топсанг бўлди. Ота ўз оёги билан келади...»

Хуллас, ўша куни мен ҳовлида қоровул бўлиб ўтиридим. Ғафур ака гоҳ мени сўкиб, гоҳ мақтаб, қиссага охирги нуқтани қўйди. Умуман, Ғафур аканинг ёзув столи ёнига ўтириши қийин эди. Бир ўтириб олгандан кейин эса турмасди. Айниқса, шеър бўлса битта тўртлик, ҳикоя бўлса биринчи саҳифа тўлгандан кейин ўзи қизиқиб кетиб, то асар битмагунча ўрнидан турмасди. Аввалига хираки қилиб кўзига ёмон кўринардик. Битгандан кейин эса ўзи миннатдорчилик билдирарди.

— *Хўп иши қилдинг-да. Баҳона билан қисса битиб қолди...*

Минг тўйқиз юз олтмиши иккинчи йили Ғафур ака «Шум бола»ни қўлига олди. Шу қиссанинг биринчи сатрларидан бошлаб стенография усулида ёзиб олган Шоаҳмад Шораҳмедов Ғафур акани ишига солди. Қисса бошдан-оёқ таҳрир қилинди. Янги боблар киритилди. Хожи бобо образига жуда кўп деталлар қўшилди”¹.

Ушбу маълумотлар ўқувчиларда Ғафур Ғулом шахси ҳақида илиқ тасаввур уйғотади ва уларнинг асарни тушуниш ва таҳлил қилишларига катта ёрдам беради. Чунки улар ёзувчининг қандайдир номаълум киши эмас, балки ўзлари кўриб юрган одамлар сингари жуда қизиқ ва ўзига хос одам эканини билиб оладилар ва асарни таҳлил қилишда унга меҳр билан астойдил ёндашадилар².

6-синф ўқувчилари учун мўлжалланган “Адабиёт” дарслигининг 53- сахифасида ёзувчи Худойберди Тўхтабоев фаолияти тўғрисида маълумот

¹ Сайд Аҳмад. Таъланган асарлар. III жилдлик. III жилд. –Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, 2000. Б.42-45.

² Ahmedov S., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 6-sinfi(1-qism) uchun darslik.– Toshkent: Ma’naviyat, 2017. –B.10-14.

берилар экан, унинг болалар ҳаёти тўғрисида асарлар яратишга киришиш сабаблари қисқа автобиографик битикни келтириш орқали изоҳланган: Ёзувчи ўзининг таржимаи ҳолида бу қарорини шундай изоҳлайди: «*Руҳий дунёси пок бўлган, тарбияга қулоқ соладиган, савоб ва гуноҳни билишига интиладиган, руҳи гўзалликка талпинаётган болалар дунёсида ишласам қандай бўлар экан деб ўйлай бошладим ва қарор ҳам қабул қилдим болалар, ўсмирлар дунёсига пақкос ўтиб кетдим»¹.*

Дарсликда жаҳон адабиётининг йирик вакиллари тўғрисида ҳам маълумот берилган. Жанни Родарининг болалик йиллари мashaққатли кечганлиги, унинг отаси Жузеппе Родарининг касби новвой бўлиб, Жаннининг болалиги қийинчиликда ўтганини тавсифлашда адабнинг ўзи томонидан айтилган «*олов жизиллаб турадиган тандир ёнида, ун ва кўмир солинган қоплар орасида*» кечганлиги ҳақида автобиографик маълумот келтирилган². Бу маълумот болалар қалбига ўзгача таъсир кўрсатади ва уларнинг “Хуришни эплолмаган кучукча” асарини ўқиши ҳамда таҳлил қилишдаги фаоллигини оширади. Негаки, бу битикни ёзган одамнинг ҳам ўзлари биладиган, ён-атрофдаги кишиларга ўхшаган қисмат эгаси эканини билиш ёзувчини ўқувчиларга яқинлаштиради. Биографик маълумот ҳикоядаги олдин ўзлигидан йироқ бўлиб, ўзгаларга тақлид қилиб қониқмай ҳаёт кечирган, фақат ўзлигини топгандагина ҳаётида маъно кўрган кучукча тақдирини, ундаги рамзий маънони англашга ёрдам беради.

Дарсликда атоқли адаб Одил Ёқубовнинг “Музқаймоқ” ҳикояси берилган. Ўқитувчи асарни ўқиб бергач, унинг автобиографик моҳиятга эга эканини айтиб, адабнинг болалик хотиралари акс этган “Қарноқ” китобидаги тасвиirlардан кичик бир парчани ўқиб берса, ҳикоянинг таъсир кучи бир неча марта ошади, уни чуқурроқ таҳлил қилиш имконияти пайдо бўлади. Чунки бадиий асарга шунчаки бир ўқиладиган материал сифатида қараш билан,

¹ Ahmedov S., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 6-sinfi(1-qism) uchun darslik.– Toshkent: Ma’naviyat, 2017. –B.53.

² Ahmedov S., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 6-sinfi(1-qism) uchun darslik.– Toshkent: Ma’naviyat, 2017. –B.82-83.

унинг болаларга қанчалик даражададир таниш бўлган инсон тақдирига дахлдор яратик эканини хис қилиш тамомила ўзгача ҳолатдир. Ёзувчини ўқувчига тегишли қилиш унинг битиклариға бўлган қизиқиш ва бу битиклар маъносини илғашга интилишни чандон орттиради.

Одил Ёқубов ҳам ўз отаси тақдири мисолида қатағон даврининг даҳшатлари акс этган болалик хотираларини қаламга олади. Мехнаткаш, ҳалол, садоқатли отасининг ўз хизматлари учун тухматга учраб, қатағон қилингани воқеаларини тасвирлайди. Бўлажак ёзувчи ҳам ўн яшар чоғларида отасининг қўрқув ва хавотир ичида юрган кунлари гувоҳи бўлган. Отаси шўро идораларида катта-катта лавозимларда ишлаган, бувалари Ёқубшайх сўфилик қилгани учун ўғли Эгамберди улкан лавозимларидан олиниб, туман молия бўлимига кичик бир вазифага тушириб қўйилган. Қатағон сиёсати авжига чиқаётган паллалар. Барча таҳликада, бир-биридан гумонсираган даврлар. Ана шундай кунларнинг бирида ота ҳисбса олинади.

Ёзувчи мазкур манзарани тасвирлар экан, бир томонда даҳшатдан ҳайкалдай қотиб қолган отаси, дод-фарёд солиб йиглаётган опаси, бурчакка тиқилишиб қўрқувдан бир-бирининг пинжига кириб олган укалари ҳолатини кўрсатиб, қатағон даврининг нақадар қўрқинчли бир ҳодиса эканини ўқувчи тасаввурида акслантиради¹. Шу ўринда Қ.Хусанбоеванинг умумтаълим мактабларида мазкур ҳикоянинг ўрганилишига доир фикрларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир: “Музқаймоқ” ҳикоясини ўрганишга икки соат ажратилган. Ҳикоя дарсликда анча қисқартириб берилган. Бу ҳол ўқитувчини дарсликдаги “Музқаймоқ” ҳикояси ҳақида” номли назарий-филологик йўналишдаги мақолага кўпроқ урғу берилган. Ўқувчиларни дарслик муаллифларининг асар ҳақидаги фикрлариға эргаштиришга, улар чиқарган тайёр хulosаларни қабул қилишга йўналтиришга мажбур қиласди. Қолаверса, дарсликдаги қисқартирилган ҳикоя матни устида батафсилроқ ишлашнинг имкони ҳам йўқ. Чунки О.Ёқубов биографияси, ҳикоя ва у ҳақдаги мақола

¹ Ahmedov S., Qo'chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot: Umumiy o'rta ta'lim mакtablarining 6-sinfi(1-qism) uchun darslik.– Toshkent: Ma'naviyat, 2017. –B.131-132.

юзасидан бор-йўғи ўн битта савол-топшириқ (улардан фақат бештаси бевосита ҳикоя матнига дахлдор) тақдим этилган”¹. Олимнинг ушбу фикрлари умумтаълим мактаблари дарсликларида бадиий асар таҳлилида автобиографик маълумотлардан фойдаланишинг маълум бир мезонлари ишлаб чиқилмагани адабиёт сабоқлари сифатига салбий таъсир кўрсатиши қайд этилади.

Баъзан автобиографик маълумотларнинг шеърий тарзда берилиши унинг таъсир кучини янада оширади. Чунки шеърдаги мусиқийлик ва фожиавийлик муаллифни ўқувчига янада яқинлаштиради. Умумтаълим мактабларининг 6-синфида татар шоири Муса Жалил ижоди ўрганилаётганда унинг «Кечир, юртим!» шеърида берилган автобиографик маълумот ушбу битикнинг таъсир даражасини оширишдан ташқари, шоирнинг бошқа шеърларида акс этган руҳий ҳолатлар илдизини кўрсатишга ҳам хизмат қиласи. Ушбу шеърида шоирнинг Иккинчи жаҳон уруши фронтларида жанг қилаётиб, 1942 йилда душман қўлига асир тушиб қолиши сабабини акс эттирган:

*Тақдир кулди, ўлим тегмасдан
Ўтиб кетди, қилмади журъат.
Нетай, ахир сўнгги минутда
Пистолетим қилди хиёнат...
Нетай, ахир дўст пистолетим
Сўнгги сўздан тўсат бош тортди.
Кишин солди душман қўлимга
Ва эрксизлик қаърига отди.*

Ўқувчи жангчи шоирнинг асирга тушишдай улкан фожиада юртини айблаш ўрнига ундан кечирим сўрашга куч топган, асир бўлиш олдидан ўзини отиб ташламоқчи бўлган, лекин тўппончаси хиёнат қилган мард ўғлон ҳолатини бевосита илғайди. Бу энди унинг битганларига ўзгача кўз билан қарашга мажбур қиласи.

¹ Хусанбоева К. Тахлил – адабиётни англаш йўли. – Тошкент: Мухаррир, 2013.–Б.201.

Шоирнинг турмадаги ҳаёти у томонидан ёзилган қуйидаги автобиографик битикда акс этган: «*Татарча ёзувни танийдиган ва бу дафтарни ўқувчи дўстга. Буларни татарларнинг таниқли шоири Муса Жалил ёзиб қолдирди. Унинг тарихи бундай... 1942 йилда урушига кетиб ҳам ... асирикда кўп азоблар тортиб қирқ ўлимдан қолиб, охирида Берлинга келтирилди. Берлинда яширин сиёсий уюшмада қатнашувода айбланиб қўлга тушиби ва турмага қамалди. Балки уни ўлим жазосига ҳукм этарлар. У ўлар. Аммо унинг асирикда ва тутқунликда ёзган 115 шеъри бор. У шулар учун қайғуради. Шунинг учун 115 шеърнинг 60 тасини бўлса ҳамки, кўчириб қолдиршишга тиришиди. Аммо бу китоб қўлингга тушса, шеърларни яхшилааб диққат билан оққа кўчириб сақла, ҳам урушдан сўнг Қозонга хабар қилиб, татар халқининг марҳум шоирининг шеърлари деб нашр эттир. Менинг васиятим шу! Муса Жалил, 1943 йил декабрь*¹.

Жасур жангчи шоирнинг бу илтижоси ўқувчилар қалбини уйғотиб юборади ва Муса Жалилнинг ўрганиладиган барча шеърларига ўзгача меҳр билан ёндашиб, улардаги теран маънолар, ватанга муҳаббат, бурчга садоқат туйғуларини шунчаки ўқимайди, балки симиради. Негаки бу шеърларни қандайдир бир мавҳум шоир эмас, балки мардлик ва садоқатни, шеърни ҳаётидан азиз билган инсон битганини англаб етади. Шоир энди ўқувчининг ўз одамига айланади. Ўз одамининг битганларини эса лоқайд ўқиб бўлмайди.

Автобиографик битиклар 7-синф “Адабиёт” дарслигидаги “айрим асарлар таҳлилиниң ҳам теранроқ бўлишига хизмат қиласи. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий шеърларини ўрганишда шоирнинг 1926 йилнинг 25 августида ўзи ёзган таржимаи ҳолидан қуйидаги парча келтирилган: «*1914 йилларнинг охирларида Марғилонда мактаб очдим. 8 ойга бормай Андреев исминдаги Скоблев маориф раҳбари томонидан мажбурий ётилди. Ундан яна Ҳўқанд келиб, бир қанча ўзимга яқин кишилар тўплаб, уларнинг ёрдами билан йўқсул болалар учун пулсиз ўқитиш мактаби очдим. 20-30, кейин 15-16 киши*

¹ Ahmedov S., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 6-sinfi(2-qism) uchun darslik.– Toshkent: Ma’naviyat, 2017. –B.17-18.

бир ойгина ёрдам бердилар, ўзим 4 ойча давом эттиргандан кейин, уяз началниги томонидан тинтув бўлиб, ёпилди. Лекин ҳеч бир қандай қоғозларим қўлига тушимагани учун қамалмай қутулдим»¹.

Бу иқрорлар 7-синф ўсмирларининг шоир битган “Жонларни жонони ватан” ва “Дардига дармон истамас” шеърлари замиридаги поэтик маънони чуқурроқ тушуниш, камбағалларнинг болалари учун ўз ёнидан мактаб очган, миллатни саводли ва баҳтли қилишга уринган муаллиф руҳий ҳолатини ҳис қилиш имконини беради. Бир қарашда бугунги ҳаётга алоқаси йўқдай кўринган шеърлар табиийлик ва ҳаётийлик касб этади.

Кўринадики автобиографик ва биографик битиклар фақат шоир ёки ёзувчи ҳаёти ва фаолияти тўғрисида маълумот беришгагина хизмат қилмайди. Бундай битикларда муаллифнинг ўрганилаётган асарига муносабат ҳам ўз аксини топади. Атоқли ёзувчи Шуҳрат ўзининг “Олтин зангламас” асари тўғрисида шундай ёзади: «*Олтин зангламас*»даги ҳаётни мен яхши биламан, улар – мен билан бўлган, менга учраган кишиларнинг ҳаёти. Мен бу ҳаётнинг атрофидамас, нақ ичида бўлганман. Бу мавзуда бирон нарса яратмасам, кўнглим ўрнига тушимас эди»².

Автобиографик битикда ижодкорнинг шахси тўғрисидаги маълумотлардан ташқари у мансуб бўлган халқнинг миллий-маънавий қадриятлари, урф-одатлари тўғрисида ҳам қизиқарли маълумотлар акс этади. Машҳур ёзувчи Чингиз Айтматовнинг 7-синф “Адабиёт” дарслигига “Ёзувчи ўзи ҳақида” деган ном остида берилган маълумотларда шу хол кўзга ташланади: “*Бизнинг овулмизда етти отасини билиши одатига қатъий риоя қилинарди. Шу сабабдан ўзимиздан олдин ўтган етти аждодимизни билиши муқаддас бурч эканлиги болаликданоқ онгимизга сингдириларди. Одатда, овул қариялари бу борада ўғил болаларни: «Қани, айт-чи, ботир, кимларнинг авлодидансан? Отанг ким? Отангнинг ота-боболари кимлар? Нима иш*

1 Yo‘ldoshev Q., Qosimov B., Qodirov V., Yo‘ldoshbekov J. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik-majmua. /Qayta ishlangan 4-nashri. –T.: Sharq, 2017. –B.15-16.

2 Yo‘ldoshev Q., Qosimov B., Qodirov V., Yo‘ldoshbekov J. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik-majmua. /Qayta ishlangan 4-nashri. –T.: Sharq, 2017. –B.31.

билан шуғулланишиган? Одамлар улар ҳақида нима дейди?» – каби саволлар билан синашарди. Агар бола бу саволларга жавоб беролмаса, унинг отонаси қаттиқ изза қилинарди.

Айтмат бобомни кўрмаганман. У 1918-1920 йилларда вафот этган. Мен эса 1928 йил 12 декабрда түгилганман. Бизнинг Шакар овулимиз чеккасидаги Курқуров дарёси қирғозида эски, ерга ботиб бораётган тегирмон тоши бор. Йиллар ўтган сайин у кўпроқ емирилиб, ерга чуқурроқ сингиб бормоқда. Ана шу ерда бобомнинг тегирмони бўлган. Бу тегирмон бир йилча ишилаган, холос, кейин ёниб кетган. Шундан кейин инқирозга учраган бобом 12 ёшли ўғли Тўракўл – менинг отам билан у ердан кетиб, темирийўл туннеллари қурилишида ишилаган. Шу ердан менинг отам рус божхона маъмурияти ёрдамида Авлиёота шаҳридаги рус-музем мактабига ўқишига кирди. Кейин у икки маротаба Москвада ўқиди. Қирғизистонда раҳбарлик лавозимларида ишилади. Онам – Нагима Ҳамзаевна Айтматова ўқимишили, ўз даврининг илгор аёлларидан бўлган. Бу нарса ота-онамга мени рус маданияти, тили ва адабиётига ошно қилиши имконини берган...”¹.

Бу маълумот ўзбек ўқувчисининг баркамол шахс сифатида шаклланиши учун ҳам, бу кирлаган ва жирканч дунёда яшай олмаганидан балиқ бўлиб Иссиққўл бағрига сингиб кетган “Оқ кема” асарининг қаҳрамони туйғуларини ҳис этиши учун ҳам ғоят муҳимдир. Айтматов таржимаи ҳолидаги бу жиҳатлар ўқувчиларга етказилса, ўсмирлар қиссада акс этган воқеалар шунчаки бир фалокатни кўрсатишга эмас, балки инсон ҳаётида эзгулик, гўзаллик сингари юксак туйғулар хукмрон бўлгандагина одам эркин яшаши мумкин эканини англаб етадилар. Улар асарнинг таҳлилчисига айланадилар.

Дарсликнинг жаҳон адибларига бағишланган қисмида Эрнест Сетон-Томпсон тўғрисида маълумот берилган. Ёшгина Эрнестнинг ёшлиги қандай ўтганлиги, бадиий адабиётга меҳр қўйиши, турмушидаги қийинчиликлар

¹ Yo‘ldoshev Q., Qosimov B., Qodirov V., Yo‘ldoshbekov J. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik-majmua. /Qayta ishlangan 4-nashri. –T.: Sharq, 2017. –B.93-95.

ижодкорнинг ўз тилидан баён қилинган: «*Қии олис-олис бўлди. Нихоят, марта чинакам кўклам келди, кун чарақлаб кетди, теваракдаги қорлар эрий бошлиди, осмон тиниқдан тиниқ, зангори бўлди. Шунда, жажжигина бир қуича уйимиз олдидаги теракка келиб қўнди-да, оҳиста-оҳиста сайради. Биздан каттароқ бир бола уни: «Бу – бахт қуши», – деди. Хаёлимда бахт қушининг мовий елкасини кўргандай бўлдим. Бахт қуши қайта-қайта сайраб, ўзининг нафис қўшигини куйлади. Нимагалигини ўзим ҳам билмайман, шунда мен бирдан ўпкам тўлиб, ииғлаб юбордим. Бахт қушининг қўшигидан кўнглимнинг туб-тубигача тўлқинланиб кетдим. Шундан буён мен ҳар йили баҳор билан мовий қушимни – бахт қушимни кутадиган бўлдим».*

Бу тасвир ўсмирларга “Ёввойи йўрға” ҳикоясидаги бўйсунмас, эрку озодликни жонидан ортиқ кўрадиган қора йўрға ва унга қарама-қарши қўйиб тасвиранган одамлар образини яратган ёзувчи шахсидаги кўнгилчанлик, бахту эзгуликка интилувчанлик туйғулари ўқувчиларга ҳам юқади. Улар энди “Ёввойи йўрға” шунчаки йилқилар ҳақидаги бир асар эмас, балки эрку озодлик учун курашувчи, эзгуликка астойдил интилган шахс истеъдодининг маҳсули эканини англайдилар. Бу ҳол ҳикоя замиридаги рамзий маъноларни англаш имконини беради.

Дарслиқдаги автобиографияда Эрнестнинг қатъиятли, мақсад сари интилишда қийинчиликлардан қўрқмайдиган, қайтмас бола экани ёрқин акс этган. Адиб ўз таржимаи ҳолида ёзади: «*Бир куни ... доктор Росснинг «Канада қушлари» китоби Пиддингтон китоб магазинида сотилаётганини билиб олдим. Эртаси куни ҳаяжондан қалт-қалт қалтираб, ўша ёққа йўл олдим. Қарасам, китоб бир доллар турар экан. Отамдан пул сўраб бўлмайди, у – менинг табиат илми билан қизиқишишмга қарии одам. Ўзимда бўлса пул йўқ. Шунда мен ана шу юз сентни ҳалол меҳнатим билан топмоқчи бўлдим. Иккита ажойиб қуёним бор эди, шуларни бозорга солиб, эллик сентга пулладим... Бир ҳафта ўтиб, бир аёлнинг ўтиларини кўчасидан ҳовлисига ташиб бердим. Аёл хизмат ҳақим учун ўн сент берди. Жамгарган пулим жами олтмиши цент бўлди. Кейин бор майдада тошларимни пуллаб, яна*

үн икки цент топдим. Тагин иш изладим. Бисотимдаги нарсаларимни жаллобларга пулладим. Бир инглиз хонимга ҳашарот териб бердим. Бир-икки ҳафта деганда жамгарган пулим тўқсон цент бўлди. Сўнг, омадим келмай, қолган центларни тополмай қолдим... Аммо китоб магазинига бормаган куним қолмади, ҳар куни Пиддингтонга бориб, китоб магазини токчасидаги мени табиатнинг бор сир-асроридан воқиф этажсак мўъжизавий китобни келиб кўриб юрдим»¹. Қизиқарлилиги жихатидан “Ёввойи йўрга” ҳикоясидан кам бўлмаган бу икрорлар яхшилаб етказилса, ўсмирлар эътиборини қозонибгина қолмай, ўқилган ҳикояни чуқур таҳлил қилишга ҳам қўл келади. Чунки ўқувчилар адиб шахсиятига хос асосий етакчи хусусиятлар ҳикоядаги қора йўрга табиатига ҳам кўчиб ўтганини англаб етадилар. Йўрга шунчаки бир от эмас, балки озодлик рамзи, эрк учун курашчи шахс тимсоли ҳам эканини туядилар.

8-синф “Адабиёт” дарслигида Усмон Носир ижоди тўғрисидаги қизиқарли биографик маълумот сифатида шоир Туроб Тўланинг ўша давр тўғрисидаги фикрлари келтирилган: «Усмон шеъриятимизга шамолдай кириб келди. Балки бўрондай! У шундай тўполон ва тўлқин билан келдики, унчамунча шеърий услугуб ва ижодни тўс-тўс қилиб юборди. Уни ўзимизда «Ўзбекнинг Лермонтови», Москва газеталарида «Шарқда Пушкин пайдо бўлди», деб ёзишиди»². Бетакрор шоир тўғрисида Т.Тўлан берган бу баҳо нафақат ўзбек ўқувчилари, балки ўқитувчилари учун ҳам бир қадар кутилмаган йўсиндаги тасвиirlар берилган “Монолог” ҳамда “Нил ва Рим” шеърларини ўқиш ҳамда таҳлил қилишга катта ёрдам беради. Шоирнинг адабиёт майдонига бўрондай кириб келгани

Севги!

Сенинг ширин тилингдан

Ким ўпмаган, ким тишламаган?

1 Yo‘ldoshev Q., Qosimov B., Qodirov V., Yo‘ldoshbekov J. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik-majmua. /Qayta ishlangan 4-nashri. –T.: Sharq, 2017. –B.340-341.

2 Olimov S., Ahmedov S., Qo‘chqorov R. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 8-sinfi uchun darslik. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2019.–B.174.

Дардинг ёйдай тилиб кўксидан
Ким қалбидан қонлар тўкмаган?
тарзидаги ноодатий ифодалар, юракни титроққа соладиган образли тасвиirlарда кўринишини қабул қилишга, ундан хижолат бўлмасликка ўқувчиларни тайёрлайди.

9-синф “Адабиёт” дарслигида атоқли ёзувчи Ойбекнинг адабиёт оламига кириб келиши унинг ўзи томонидан ёзилган автобиографик битик ёрдамида кўрсатиб берилган. Ойбек ўз хотираларида: “Хаёл дарёси кенг эди менда. Ўқтин-ўқтин ўзимча машқ қилиб, битта-яримта шеър ёзиб ҳам қўярдим. Хотирамда бор, илк шеърим техникумнинг “Тонг юлдози” номли деворий газетасида чиқди. Кейин шу газетага ўзим масъул муҳаррир бўлдим. Секин-секин республика газеталарида шеърларим босила бошлади”. Ойбек шахсияти ҳақидаги маълумотлар унинг умр йўлдоши Зарифа Саидносированинг қуйидаги хотиралари билан янада тўлдирилган: “Ойбек ориқ ва новча йигит бўлиб, қўнғир... қалин соchlари дўпписидан тошиб турарди. Йирик қора кўзлари шогирдлик давридаёқ теран маъноли ва хаёлчан эди... Ойбек “Тонг юлдози” деворий газетамизнинг муҳаррири эди. У баъзан йўлимни тўсар, газетага бирор нарса ёзиб бериш им ёки расм солишимни сўрар эди. У бир куни шеърга лиқ тўла, қалингина, сариқ муқовали дафтарни қўлимга тутқазди-да, шеърларининг боши ва охирiga кичик-кичик расмлар чизиб бериш имни сўради. Йўқ, дея олмадим ва энг нозик мўйқалам ва акварел бўёқлар ила расмлар чиздим...”¹. Адиб шахсиятига хос бу жиҳатларни билиш “Навоий” романидаги Навоий образини теранроқ тушунишга ёрдам беради. Чунки Ойбек шахсиятига хос ўйчанлик, хаёлкашлик, теранлик роман бош қахрамонида қучайтирилган ҳолда намоён бўлган. Агар дарслик муаллифлари ўқувчиларга Ойбекнинг ўзига тухмат қилган кишига ҳам ёрдам берадиган даражада бағри кенг одам эканини ёзганларида бу жиҳат Навоий образи таҳлилида яхши самара берган бўларди.

¹ Yo‘ldoshev Q., Qodirov V., Yo‘ldoshbekov J. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktabalarining 9-sinfi uchun darslik./ Qayta ishlangan 4-nashri. –T.: «O‘zbekiston» NMIU, 2019. –B.145-146.

Абдулла Ориповнинг ўз ижод йўли бошланиши ҳақида шу дарсликда келтирилган қўйидаги автобиографик мисол ҳам шоир табиатига хос ибратли жиҳатни кўрсатиш ҳамда “Соҳибқирон” драматик достонини таҳлил қилишда жуда қўл келади: “...*биринчи шеърлар ёза бошлаганимга нима туртки бўлганини аниқ билмайман. Ҳар ҳолда сўзларни қофиялашга ишқибоз бўлиб қолганим эсимда. Балки зерикканимдан, балки завқим тошиб нимадир ёзгим келаверарди. Фикр эса йўқ. Ёзмасликнинг ҳам иложи йўқ*”¹. Бу иқрор А.Орипов даҳосининг қудратини англаш, унинг ибтидосининг ўқувчилар томонидан тушунилишига хизмат қилишдан ташқари, драматик достонни таҳлил қилиш, унинг замиридаги бадиий маънони англаб етишга хизмат қиласиди.

Ҳалима Худойбердиева шеъриятида инсон кўнгли ҳақида сўз боради... Шоира “Бегим, сизни табиат...” шеърининг яратилиши ҳақида шундай деб ёзади: “*Шундай ривоят кўнглимда юради. Буни бир жойдан эшиштганманми, ўзим ўйлаб топганманми, аниқ билмасдим. Бир-бирига ўта кўнгил қўйган, меҳр-у садоқатда тенги йўқ эру хотин узоқ ийлар яшаб, фарзанд кўришимабди. Учрамаган табиби, сирлашмаган ҳабиби қолмабди. Турли таъсиrlар, узоқ маслаҳатлардан кейин хотин эрининг уйланмогига рози бўлибди. Хотин ўз уйининг тўғрисидаги янги уйга келиб тушгач, шом аралаши, одамларнинг кўзини хато қилиб, икки уй оралигидаги катта масофада бутун ҳовли юзига мих қоқиб чиқибди. Зора, оёғига мих кириб қийналиб, ҳовлида юролмаса... Зора, бу фожиали тунни ёстиқни тишилаб ётиб бўлса-да, ўз хобгоҳида ўтказолса... Тонгда уйғониб ҳовлига чиққанлар ўз уйида беҳуши ётган аёлни ва аёл оёғидан оққан қондан қип-қизил лолазорга айланган ҳовли юзини кўрадилар. Дастлабки туртки шу – “Михнинг, тигнинг заҳрини сезмай ёниб бораман” сатри бўлиб, кўнглимни қиздирди. Қолгани ижодкорнинг хаёлоти...*² Мана шу иқрор севги лирикасининг мумтоз

¹ Yo‘ldoshev Q., Qodirov V., Yo‘ldoshbekov J. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 9-sinfi uchun darslik./ Qayta ishlangan 4-nashri. –T.: «O‘zbekiston» NMIU, 2019. –B.209.

² Yo‘ldoshev Q., Qodirov V., Yo‘ldoshbekov J. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 9-sinfi uchun darslik./ Qayta ishlangan 4-nashri. –T.: «O‘zbekiston» NMIU, 2019. –B.140-141.

намунаси бўлмиш “Бегим, сизни табиат” шеърини теран тушуниш ва чуқур таҳлил қилиш имконини беради. Ўқувчилар севган киши учун суюклисисининг ҳар бир хатти-ҳаракати, қўриниши, тутумлари гўзал ва бетакрор бўлиб туюлиши, унда ҳеч қандай камчилик қўрмаслиги, шу боис у комиллик намунаси сифатида таассурот қолдиришини англашлари керак бўлади. Шунда лирик қаҳрамон бўлмиш маъшуқанинг куйиб-ёнишлари, илтижоси, хавотири, умид ва илинжи сабаблари уларга англашилади.

Шеърнинг: “*Қиз қалбига севмоқни осонга йўймагайсиз*” сатрида ўзбек қизига хос тортинчоқлик, гап-сўзлардан қўрқиш ҳолатининг акс этгани, “*Қийнамангиз, ул ўзи куйдиргувчи бир бағир*” мисрасида суюклисига илтижо ифодаланганига болалар эътибори тортилади. Айниқса, шеърдаги: “*Мен сизни ўзимга ҳам раво кўрмам рости гап, Ўзгага бермоқ эса, тушимга кирмас ухлаб*” йўсинидаги иқрорлар юқорида шоира келтирган афсонанинг шеърга кўчганидан далолат сифатида намоён бўлади. Шеърнинг қуйидаги мисраларида севган ёрини ўзга аёлга беришга мажбур бўлган маъшуқанинг фожиавий ҳолати юқори нуқтага чиққани тасвиранади:

Михнинг, тизнинг заҳрини сезмай ёниб бораман.

Ишқ зардобли шаробдир, қониб-қониб бораман.

Ҳеч ким билан сирлашмай, ҳеч кимсага туттмай май,

Ўз қоним билан ўзим алвонланиб бораман.

Бу шеърий қаторлардаги улкан дард, чексиз изтироб ўқувчиларга юқади. Чунки шоиранинг автобиографик иқрори асарни шунчаки холис бир шеърдан, ўқувчилар танийдиган ва биладиган кишининг тақдири баёнига айлантиради.

Шеърнинг кейинги бандларида ўзбек аёлининг чўнг иродаси, ғурури авж пардаларда куйланади. Унда ўз қонига ботиб, суюклисига интилган бўлса-да, сўнгги дақиқаларда вазиятдан юксакда туришга ўзида куч топган ўзбек аёлининг покиза туйгулари намоён бўлади:

Ҳайратларда қотгайсиз мени кўрганда ул дам,

Ёнингиздаги совуқ сулувдан совурсиз ҳам,

*Сизни обдон музлатгач, ўзим қайтарман, чунки
Бунгача йўқ садоқат бундан сўнг ҳам бўлур кам.
Ўзга тортмам, чексам ҳам шунча жабру жафони,
Ўзгага ҳам бермасман, сиздек бир бевафони!
Ўқувчилар севгувчи қалбнинг тушуниш ва изоҳлаш мушкул руҳий
ҳолатидаги инжа жиҳатларни бир қадар туйдилар. Бу эса уларнинг маънавий
камолотига хизмат қиласди.*

Автобиографик битикларнинг ажойиб намунаси драматург Шароф Бошбеков қаламига мансуб. Ўрта мактабларнинг 9-синф “Адабиёт” дарслигига муаллифнинг “Ўзим ҳақимда” деб номланган таржимаи ҳоли келтирилган: “*Бизнинг оиласизда ҳеч ким санъат ёки адабиёт билан шугулланмаган. Ота-онам оддий хизматчи бўлишган. Мен ўқиган қишилоқ мактабида қизиқ бир қоида бор эди: чет тили ўқитувчиси йўқ бўлса, ўрнига ашула дарси ўтиларди, физика муаллими келмай қолса ҳам, кўпинча шу тарзда “ўқитиларди”. Билмадим, ё ўқитувчилар етишимасмиди, ё ашула муаллимимиз шунаقا зўрмиди... Энди эсласам, ашула дарсини “Яллама ёрим”дан бошқасини билмайдиган бир амаки ўтар экан. Хуллас, ўн ишл ашула айтдик. Энди бу овоз билан қаерга бории керак? Артистликка-да! Шундай қилиб, Тошкент Театр ва рассомлик санъати олийгоҳининг талабаси бўлиб қолдим...*”¹. Адабнинг таржимаи ҳолидаги бу хил пичинг оҳангига “Темир хотин” трагик-комедиясидаги киноявий ёндашувни англаб етишда ўқувчиларга дастак бўлади.

Амалдаги 10-синф “Адабиёт” дарслигига Ўткир Ҳошимовнинг ҳаёт йўли унинг “*Машаққатли сафар Китобхон билан икки оғиз суҳбат*” деб номланган хотиралари янги автобиографик маълумотлар билан тўлдирилган. Ушбу хотирадан каттароқ бўлса-да, бир парча келтириш адиб асарларининг таҳлилини амалга оширишда муҳим ўрин тутади: «*Болалигимни эсласам, илиқ ёз кечалари кўз олдимга келади...*» «*Дунёнинг ишлари*» китобининг бир

¹ Yo‘ldoshev Q., Qodirov V., Yo‘ldoshbekov J. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 9-sinfi uchun darslik./ Qayta ishlangan 4-nashri. –T.: «O‘zbekiston» NMIU, 2019. –B.257-258.

боби шундай сўзлар билан бошланади. Чиндан ҳам бу асар – деярли ҳасби ҳол қисса. Фақат ундағи баъзи одамларнинг исми ўзгарган. Аслида, ҳар қандай бадиий асарда ҳам маълум маънода муаллиф таржимаи ҳолининг бир бўлади. Сабаби, ёзувчи ўз асарига қалбини бағишлайди. Менга қолса, бадиий ижодда қандайдир илоҳий жараён бор, деган бўлур эдим. Худо кўнглига солмагунча ҳақиқий ижодкор қўлига қалам олмайди! Ҳақиқий асар шунчаки ёзилавермайди, ҳақиқий асар фарзанд каби тугилади! «Дунёнинг ишлари» ва «Қалбингга қулоқ сол», «Нур борки, соя бор» ва «Баҳор қайтмайди», «Икки эшик ораси» ва «Тушда кечган умрлар» асарлари, қатор ҳикоя ва саҳна асарлари ҳам шу тарзда тугилган”¹. Ижодкорнинг бундай иқрорлари ўргатилиши кўзда тутилган “Икки эшик ораси” романидаги Музаффар, Мунаввар, қора амма образлари таҳлилида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу образларнинг хамири адабнинг беғубор болалик чоғида учратган одамлар одамларнинг гўзал сифатларидан қорилгани романдаги тимсолларга ҳаётйлик, ўқувчиларга эса ҳаётда мавжуд бўлган ёзувчи шахсиятига дахлдорлик бахш этадики, бу ҳол асарнинг ўқувчилар томонидан идрок этилиши, таъсир кўрсатиши ҳамда таҳлил этилишига кучли таъсир кўрсатади.

Юқорида айтилган фикрлардан маълум бўладики, автобиографик ва биографик битиклар ижодкор шахси шаклланган муҳит, у иштирокчиси бўлган адабий жараён, унинг воқеликка муносабати, рухиятига мансуб хусусиятлар ва буларнинг ҳаммаси жам бўлиб ижодкорнинг ўзига хос услуби тўғрисида маълумот берувчи муҳим манбалар ҳисобланади. Бу маълумотлар ижодкорларни мактаб ўқувчиларига яқинлаштиради, бирор адабнинг ижод намунасини ўрганиш асносида унинг шахсиятига хос жиҳатлар қай йўсин намоён бўлишини кўрсатиб беради. Бу эса, ўрганилаётган бадиий асарни чуқурроқ англаб, ундағи сиртдан кўриниб турмайдиган хосликларни англашнинг калити бўлади. Шу тариқа мактаб адабий таълим мининг ўқувчи

¹ То‘xliyev B., Karimov B., Usmonova K. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 10-sinfi(2-qism) uchun darslik.– Toshkent: «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat nashriyoti, 2017. –B.116-120.

шахсида эзгу маънавий сифатлар шакллантириш борасидаги фаолияти самарадорлиги таъминланади.

3.2.§. Ўқув таҳлилида автобиографик битиклардан фойдаланиш бўйича тажриба-синов ишларининг мазмуни

Умумтаълим мактаблари «Адабиёт» дарсликларида 5-синфдан бошлаб ўқувчиларга турли даврларда яшаган ижодкорларнинг ким эканлиги, қаерда туғилганлиги, ёшлиги қандай ўтганлиги, меҳнат фаолияти қандай кечганлиги, бадиий ижоднинг қайси турида қалам тебратганлиги билан танишириб борилади. Бунинг боиси, олдин айтилганидек, икки омил билан изоҳланади: биринчидан, миллатнинг истеъдодли ва меҳнаткаш вакилларидан хисобланмиш ёзувчи-шоирларнинг ҳаёти ўқувчилар учун ибрат мактаби, иккинчидан, уларнинг ҳаёти ва шахсияти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг синфда ўқиб-ўрганилиши керак бўлган асарларини теранроқ тушуниш калити бўлади.

Кейинги йилларда автобиографик ва биографик асарларга қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу типдаги бадиий асарлар ўзбек адабиётшунослигига ёзувчи ва бадиий асар жуфтлигидаги ўзига хосликка асосланадиган биографик методга таяниб ўрганилади. Ижодкорнинг шахсияти, яшаган муҳити, руҳий-психологик ҳолати, шахсий қизиқишлари, муайян бир асарини ёзишга туртки берган факторларни билиш мактаб адабий таълимининг самарадор бўлишига хизмат қиласди.

Маълумки, автобиографик ва биографик асарларда бир қадар ҳужжатлилик, ҳаққонийлик етакчи бўлади. Негаки унинг марказида конкрет инсоннинг ҳаёти ва шахсияти туради. Адабиёт ўқитищда биографик маълумот асари ўрганилаётган ижодкорни бир тирик одам сифатида ўқувчига яқинлаштиради. Яқин одамнинг шахси ва унинг асарига эса лоқайдлик билан шунчаки муносабатда бўлинмайди.

Шунинг учун автобиографик маълумотларни ўқувчиларга ўргатиш муҳим тарбиявий аҳамият касб этади. Лекин сиртдан осон кўринган бу

маълумотлар моҳиятини ўқувчилар онгига сингдириш таълим жараёнида адабиёт муаллимлари учун маълум муаммолар келтириб чиқараётганлигига гувоҳ бўлдик. Атоқли методист олим Қ.Йўлдошев дарс жараёнида автобиографик битиклардан фойдаланишда эҳтиёткорлик лозимлиги ҳақида қуидаги фикрларни билдиради: “Таҳлилда майший-биографик контекстдан фойдаланиш бевосита ижодкор шахсининг ўзига дахлдор бўлган ҳолатлар акс этган бадиий асарларни тадқиқ этишда қўлланилганда кутилганидай самара беради. Шунингдек, муайян бир тарихий ёхуд ҳаётий ҳодисага тегишли жиҳат акс эттирилган бадиий асарлар таҳлилида ҳам бир қадар қўл келиши мумкин. Санъаткорнинг умр йўли, ўзгалар билан муносабатига доир маълумотларга ортиқча эътибор қаратиш баъзан унинг асари кўламини торайтириб, уни майший муносабатлар даражасига тушириб қўйиши ҳам мумкин”¹.

Бу ҳол, айникса, аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги автобиографик битикларни ўқитишида яққол намоён бўлмоқда. Бунинг боиси шуки, умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун мўлжалланган “Адабиёт” дарсликларида, аввало, мумтоз асарларни ўқиш ва мазмунини тушуниш, шарҳлаш бўйича муайян кўникум ва малакаларнинг етарли даражада шаклланмаганлигидир. Бу ҳолат мумтоз ижодкорлар таржимаи ҳол ҳақидағи матнларни ўрганишга йўналтирилган ўринларда, айникса, кўзга ташланади. Бунинг сабаби эса, умумтаълим мактабларида бошланғич синфларданоқ мумтоз матнларнинг асли билан таништириб борилмаганлиги, уларда қўлланилган тушунарсиз сўз ва жумлаларнинг мазмунини ўқувчиларга тушунтиришда дарсликларда керакли изоҳлар берилмаганлиги, дарс жараёнида мумтоз асарлар учун тузилган лугатлардан деярли фойдаланилмаганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, дарсликларда келтирилган автобиографик намуналарнинг ҳам асосан табдили берилиши ўқувчиларда фанга қизиқиши, креативлик хусусиятларини сўндириши табиий, албатта.

¹ Қозоқбой Йўлдош, Мухайё Йўлдош. Бадиий таҳлил асослари. -Т.: Камалак, 2016. –Б.168.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфи учун чиқарилган “Адабиёт” дарслигига Навоийнинг тахаллуслари тўғрисидаги маълумотлар ўқувчиларнинг ёшига мос тарзда, содда ва тушунарли берилган: «Булар бежиз кетмади. Бўлажак шоир етти-саккиз ёшларидан шеър машқ қила бошлади. Икки тилда ижод қилди. Ўзбекча шеърларига «Навоий», форсча шеърларига «Фоний» тахаллусини қўйди. «Навоий» «наво» – «куй» сўзидан олинган, «Фоний» эса форсчада «вактинча» маъноларини берар эди. Шундай қилиб, Навоий 12 ёшларида ўз шеърлари билан замонасининг энг машҳур шоирларини ҳайратга солди. Масалан, тўқсон ёшли Мавлоно Лутфий унинг: Оразин ёпғоч, кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш, Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш сатрлари билан бошланадиган бир шеърини тинглаб, қойил қолганди. Шеър чиндан ҳам гўзал эди. Ундаги хаёл мислсиз эди. «Ёр юзини ёпгач, кўзимдан ҳар лаҳза ёш сочилади. Бу гўё қуёш ботганида юлдузлар пайдо бўлгани кабидир», – деб ёзган эди ёшгина шоир”¹.

Биз кузатиш олиб борган айрим умумтаълим мактабларида ўқитувчилар мавзу моҳиятини тушунтиришда енгил йўл танлаганликларига, яъни матн мазмунини сўзлаб бериш билан чекланиб қолганликларига гувоҳ бўлдик. Тажриба-синов давомида эски усуслардан қочиб, ўқувчилар олдига “Ораз” сўзи қандай маъно англатади?”, “Ёпқоч сўзининг маъноси нима?”, “Бўйлаким сўзининг маъноси нима?”, “Ниҳон бўлмоқ” нима деган маънони билдиради?” каби муаммоли саволлар қўйилди. Кейин эса ўқувчилар берган жавоблари умумлаштирилиб, умумий маъно чиқарилди. Бу усул кўзланган натижани берди.

Бешинчи синф “Адабиёт” дарслигига “Ойгул билан Бахтиёр” эртагида шоирнинг ёшлигига оид автобиографик маълумот келтирилиши ўқувчиларнинг қизиқишини орттиради. Тажриба олиб борилган умумтаълим мактабларининг аксариятида кўпчилик ўқувчилар қуйидаги парчани ёддан айтиб беришди:

¹ Ahmedov S., Qosimov B., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. – T.: Sharq, 2020. –B.155.

*Болалик кунларимда,
Үйқусиз тунларимда
Кўп эртак эшиштгандим,
Сўйлаб берарди бувим...
Бувимнинг ҳар қиссаси,
Ҳар бир қилган ҳиссаси
Фикримни тортар эди,
Ҳавасим ортар эди¹.*

Бу сатрлар дафъатан достонни ўқувчиларга яқинлаштиради. Чунки бу синфдаги ўсмирларнинг хам кўпчилиги буви-боболаридан эртак эшишиб юришган. Ўқитувчи уларнинг шоир тимсолида ўзларини кўришига эътибор қаратиши керак. Шунда ўқувчилар Ойгул билан Бахтиёрнинг бошидан ўтганлар тасвирига лоқайд бўлишмайди. Достондаги ҳар бир образ ва уларнинг ифодасидан келиб чиқадиган маънога эътибор қаратишади.

Шунингдек, 6-синф “Адабиёт” дарслигига Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асари ўрганилиши кўзда тутилган. Дарсликда улуғ бобомизнинг қуидаги сўзлари келтирилган: “Бу хоксор ва паришонрўзгор камина болаликдан то қарилкка қадар кўхна даврон воқеаларидан, айланувчи осмон ҳодисаларидан, фитна қўзғовчи дунё буқаламунлигидан – товламачилигидан, замонанинг ранг сингари гуногунлигидан кўп вақт ва узоқ муддат ҳар хил хаёл ва тараддувлар билан дайдиг юрдим; ҳар товур ва равища бўлдим ва турли йўлларга кирдим, яхши-ёмоннинг хизматини қилдим; катта-кичикнинг суҳбатида бўлдим; гоҳ хорлик ва қийинчилик вайронасида нола қилдим; гоҳо иззат ва маъмурлик бўстонида мажлис курдим.

Маснавий:

*Гаҳи топдим фалакдин нотавонлиғ,
Гаҳи кўрдум замондин комронлиғ,*

¹ Ahmedov S., Qosimov B., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. – T.: Sharq, 2020. –B.55-56.

Басе иссиғ-совуғ күрдүм замонда,

Басе аччиғ-чучук төтдим жаҳонда»¹.

Ҳазратнинг асар бошидаги ҳасби ҳоли асарни ҳаётнинг аччиқ-чучуги, иссиқ-совуғи, яхши-ёмонини кўп кўрган мўйсафид мутафаккир ёзаётгани, битикда шоирнинг улкан ҳаётий тажрибаси ва нозик кузатишлари акс этганини англашга ёрдам беради. Асарнинг ижодкор шахсидан узиб қўйилиши уни бетараф, шунчаки бир матнга айлантириб қўйиши мумкин. Дарсларда ижодкор шахсини тудириш унинг ўрганиладиган асарини сўдириш сари ташланган қадам бўлади. Ўқитувчилар ана шу жиҳатга эътибор қаратишлари керак.

Шу ўринда умумтаълим мактабларида мумтоз адабиёт намуналарини ўқитишининг илмий-методик асосларини аниқлаш бўйича маҳсус илмий тадқиқот яратган педагогика фанлари доктори В.Қодировнинг қуйидаги қарашларини ёдга олиш ўринлидир:

- асарларнинг фақат асл матни билан ишлаш лозим, уларнинг табдили билан чегараланишга умуман йўл қўймаслик;
- изчил, босқичма-босқич тарзда ўқувчиларда мумтоз асарларни тушуниш, идрок қилишининг асосий омили бўлмиш мумтоз бадиий тафаккур тарзини шакллантириб бориш;
- машғулотларда асосий эътибор асар билан ишлаш, ҳар қандай талқин ва таҳлил матндан келиб чиқсан ҳолда амалга ошириш шартлиги;
- асар мазмунини сўзлаб бериш, сюжетбозликка йўл қўймаслик;
- таҳлилдаги устувор мақсад асарнинг бадиий-эстетик жозибасини, муаллифнинг бадиий маҳоратини очиб беришдан иборат бўлиши;
- ҳар бир адабий жанр бўйича ўқувчиларда таҳлил кўникма ва малақаларини ўқувчиларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб шакллантириш ҳамда ривожлантириб бориш;
- талқин ва таҳлилда автодидактизмга, у ёки бу томон фикрини

¹ Ahmedov S., Qo'chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot: Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 6-sinfi(2-qism) uchun darslik.– Toshkent: Ma'naviyat, 2017. –B.44.

мутлақлаштириш, ягона ечимга интилиш каби салбий ҳолатларга йўл қўймаслик, балки фикрлар плюрализми, мустақил қарапарнинг асослови, педагогик ҳамкорлик негизида ишлашни йўлга қўйиш, тарбияланувчиларни бунга одатлантириш;

- адабиёт дарсларида муайян бир ғоя тарғиби ёки инкори чақириқ, уқтириш, насиҳат билангина эмас, балки гўзаллик қонуниятлари асосида тарбияланувчилар кўнглига кучли эстетик таъсир кўрсатиш орқали уларнинг онгига сингдириш йўлидан бориш¹. Биз тажриба-синов ишларини ўтказиш мобайнида шу тамойилларга амал қилишга интилдик.

Тажриба-синов жараёнида материал танлашда ўқувчиларнинг ёшини, уларнинг тафаккур доираси ва танланган адабий матннинг бола тарбиясидаги ролини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этиши маълум бўлди. Умумтаълим мактабларининг 6-синф ўқувчиларига мўлжалланган “Адабиёт” дарслигига Faafur Fулом ҳаётига доир автобиографик маълумотлар сифатида Сайд Аҳмаднинг 2000 йилда нашр қилинган «Йўқотганларим ва топганларим» номли хотиралар китобидан олинган парча келтирилган. Унда Сайд Аҳмад ва Faafur Fуломнинг муносабати, “Шум бола” асарини ёзилиш жараёнидан бир лавҳа ҳикоя қилинган. Fуломнинг ҳаёт йўли ҳақидаги қўшимча манбаларнинг келтирилиши ўқувчи билими ва тафаккури доирасини кенгайтиришга хизмат қиласи.

Мактаб ўқувчиларига бадиий асарларни тахлил қилишда автобиографик ва биографик маълумотлардан фойдаланиш бўйича ўтказилган тажриба-синов дарсларида дарсликда берилган ёки биз томондан тавсия этилган савол ва топшириқларга жавоблар оғзаки ҳамда ёзма шаклда қайтарилди. Масалан, 10-синфда “Бобурнома” ҳақида” деб номланган мавзу бўйича дарслик асосида ўқувчиларга блиц савол методи орқали топшириқлар берилади:

1. Бобурнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қандай маълумотларни биласиз?

¹ Қодиров В.А. Умумтаълим мактабларида мумтоз адабиёт намуналарини ўқитишининг илмий-методик асослари. Пед.фан.докт.(DSc)...дисс. –Наманган, 2019.–Б.139-140.

2. Бобур ҳақида билдирилган фикрларга эътибор беринг. Уларда Бобур шахсига хос бўлган қайси жиҳатларни англаш мумкин?

3. Бобур ижодининг маърифий ва тарбиявий аҳамияти ҳақида нима дея оласиз?

4. Тарих китобларидан Бобурнинг Шайбонийхон билан рақобати ҳақидаги маълумотлар билан танишиб чиқинг. Бобур Самарқандни дастлаб ишғол қилганида неча ёшда бўлган?

5. «*Бисёр саховати бор эрди. Хулқи дози саховатича бор эрди, хуши хулқ ва ҳарроф ва фасиҳ ва ширин забон киши эрди, шужӯ ва мардона киши эди*». Ушбу кўчирмадаги услугга эътибор беринг. У ҳозирги тилимизда мавжуд услублар билан қандай ўхшаш ва фарқли жиҳатларга эга, деб ўйлайсиз? Изоҳлашга ҳаракат қилинг!

6. Ирвинг Стоун биографик қиссалар ҳақида гапириб, жумладан, бундай дейди: «Соддаликка эришмоқ ва соддаликни сақлаб қолмоқ. Фақат маънодор саҳналарни суръатни тезлаштириб тасвирламоқ керак... Фуқаролар уруши тарихини яхлитлигича тасвирлаш керак эмас... Ортиқча номларни тилга олишдан қочиш керак. Бирон томоннинг ёнини олишдан сақланиш керак, бирёқламалиқдан ва бағритошлиқдан қочиш керак. Нафрат эмас, хайриҳоҳлик ва дардқашлик уйғотмоқ лозим. Гуссани тасвирлагандаги ҳаддан ошиб кетиш ярамайди, туйғулар тасвирида лофга берилманг... Муаллифни бир четга чиқариб қўйиш керак, ҳикоя ўз-ўзича оқаверсин». Ана шу андоза билан «Бобурнома» орасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар ҳақида нималар дея оласиз?

7. «Бобурнома»дан олинган парчани диққат билан ўқиб чиқдингиз. Парчада акс этган Бобур шахсиятига оид қайси фазилатларни қадрлайсиз?

8. Бобурнинг отаси ҳақидаги қайдлардан қайси бир фазилатлар эътиборингизни тортди. Уларни изоҳлаб беринг.

9. Бобурнинг алоҳида шахслар ҳақида фикр билдириш тарзига эътибор беринг. Унинг ўзига хосликлари нималарда деб ўйлайсиз?

10. Бобур – бадиий тасвир устаси, деган фикрни қандай изоҳлай оласиз?

11. Бобур меросининг илмий, адабий ва тарбиявий аҳамияти нималарда?

12. «Бобур – дилбар шахс» мавзусида иншо ёзинг.

Бобур ҳаёти бўйича автобиографик маълумотлар билан боғлиқ ушбу топшириққа ўқувчиларнинг тайёргарликлари, жавоб қайтаришлари бирмунча мураккаб бўлди. Ўқувчиларнинг мазкур мавзу бўйича қайтарган жавобларида ўхшашлик, қайтариқлар, дарслиқда берилган маълумотлар билан чекланиб қолиш ҳолатлари кузатилди. Уларнинг нутқларида ижодий фикрлаш, жавобларда тизимлилик, автобиографик маълумотларни баён қилишда уларга муносабат билдириш анча сустлиги бу борада дарс жараёнида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш зарурлигини кўрсатди.

Ўрта мактабларнинг 9-синфи учун тайёрланган “Адабиёт” дарслиги муаллифлари автобиографик маълумотларни келтиришда 9-синф ўқувчиларининг онги, дунёқарashi, руҳият дунёсига хос жиҳатларни ҳисобга олишга уринишган. Масалан, Омон Матжоннинг автобиографик маълумотларида ўтган асрнинг ўрталарида содир бўлган воқеалар қаламга олинган. Шоир ўз болалик даврини шундай эслайди: “*Отам почтада ишилаганларидан уйда нон бўлмаса-да, газета-журнал бўлар эди. Эсимда, 1953 йилнинг 5 марта мактабда эрталаб, ҳовлида мажлис бўлиб, мактаб ўқув бўлими мудири Сталиннинг ўлганини ииғилганларга маълум қилди. Болалар, муаллимлар дод-фарёд солиб қолдилар, тупроққа ииқилганлар бўлди. Мен ииғлаб уйга келдим. “Ота, Сталин отамиз ўлибди!..” У киии молларга хашик солиб юрган эдилар: “Нишатийин, менинг отам ҳам ўлган!”, – дедилар бепарво*”¹. Айни шу маълумотлар шоирнинг “Энг сўнгги хазина”, “Ватан меҳри” сингари босқинчиларга нисбатан нафрат тўлиб тошган,

¹ Yo‘ldoshev Q., Qodirov V., Yo‘ldoshbekov J. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 9-sinfi uchun darslik./ Qayta ishlangan 4-nashri. –T.: «O‘zbekiston» NMIU, 2019. –B.229.

миллатнинг буюк тарихи, шонли фарзандларига аёвли муносабат ва ифтихор туйғулари акс этган шеърларнинг дунёга келишида муҳим ўрин тутгани, ижодкорнинг бежизга тарих ва унда ўтган шонли ўғлонлар ҳаётини тилга олмаганини изоҳлайди.

Дарсликларда шоир ва ёзувчилар ҳаётига оид автобиографик ва биографик маълумотларни беришда изчиликнинг йўклиги, мавжуд маълумотларнинг кўпинча йиллар ва асарлар саногига қаратилгани тажрибасинов ишларини ўтказишида муайян қийинчиликлар туғдирди. Мавзунинг ўйналишидан келиб чиқиб, бадиий асарларни таҳлил қилишида автобиографик ва биографик битиклар ҳамда тазкира, ҳасби ҳол каби мумтоз адабий жанрлардан қай тартибда фойдаланиш самарадор эканлигини ўрганишга уриндик. Бу борадаги қарашлар тажриба-синов учун танланган мактаб ўқитувчилари билан давра суҳбатлари ўтказилиб, маҳорат дарслари уюштирилди ҳамда илмий муаммони синовдан ўтказиш бўйича тавсиялар берилди. Танланган мактабларнинг белгиланган синфларида тажрибасиновлар режасига мувофиқ ушбу тавсиялар асосида машғулотлар ўтказилди. Тажриба-синовдан олинган натижалар ижобий бўлди. Ўқувчиларнинг дарсда ўрганилаётган асарни таҳлил қилиши самарали бўлишида автобиографик ва биографик маълумотлар муҳим ўрин тутиши, бу жараёнда ўқувчиларнинг асарни ўқиши, изоҳлаши, муносабат билдиришида креатив фикрлашлари кучайганлигини тажриба-синовлар кўрсатди.

Бир неча йил давомида мактабда ижодкорларнинг ҳаёт йўлига доир қизиқарли ва муҳим маълумотларнинг бадиий асарни ўрганиш ва уни таҳлил қилишдаги ўрнини белгилаш бўйича ўтказилган тажриба синовлар ижобий натижалар берди. Тажриба-синов ишлари Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида, Самарқанд шаҳар халқ таълими бошқармасига қарашли 9-ИДУМда, Жиззах вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли 6-умумтаълим мактабида ва Президент таълим муассасалари агентлиги тасарруфидаги Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактабида,

Бухоро шаҳрида жойлашган 6-ИДУМ ва Жондор туманига қарашли 2-умумтаълим мактабларида ўтказилди.

Тажриба-синов ишларида қўлланилган усул ва воситаларни тайин этиш, олинган натижаларни умумлаштириш ва амалиётга татбиқ қилиш куйидаги йўсинда амалга оширилди:

1) диссертация олдига қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, бадиий асарларнинг ўқув таҳлилида автобиографик, биографик асарлар ҳамда тазкира, ҳасби ҳол сингари асарлардан фойдаланиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди;

2) Самарқанд ва Жizzах вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги умумтаълим мактаблари ўқитувчилари талаб ва истакларига кўра, автобиографик матнлардан фойдаланиш бўйича тўпланган эришилган натижалар ўқитувчилар билан муҳокама қилинди;

3) 2019 йилдан 2021 йил октябрь ойига қадар Жizzах шаҳридаги Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактабида мумтоз асарларни таҳлил қилишда автобиографик ва биографик маълумотлардан фойдаланиш бўйича давра сұхбатлари ташкил этилди;

4) 2020 йил Бухоро шаҳрида жойлашган 6-ИДУМ ва Жондор туманига қарашли 2-умумтаълим мактабларида янги инновацион технологиялар асосида ижодкорларнинг ҳаёт йўлини ёритиш масалалари кўриб чиқилди.

5) 2020 йилдан 2021 йил ноябрь ойигача Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар халқ таълими бошқармасига қарашли 9-ИДУМда, Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида она тили ва адабиёт ўқитувчилари учун мумтоз асарлар таҳлилида тазкира, ҳасби ҳол каби жанрлардан самарали фойдаланиш усуллари бўйича маҳорат дарслари ташкил этилди.

Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактабидан 100 нафар, Жizzах халқ таълими бошқармасига қарашли 6-ИДУМдан тажриба-синов ишларига 112 нафар ўқувчилар жалб қилинди. Асосий кўзланган мақсад эришиш учун қуйидагиларга эътибор қаратилди:

**Мумтоз асарларни таҳлил қилишда автобиографик ва биографик
маълумотлардан фойдаланиш бўйича олиб борилган кузатишлар ва
таҳлиллар, самарадорлик натижалари**

№	Мактаблар	Nазорат гурухидагилар сони	Тажриба гурухидагилар сони	Натижалар	
		Назорат гурухи	Тажриба гурухи		
1.	Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактаби	7-“А”синф 25 ўқувчи	7-“Б”синф 25 ўқувчи	65%	78%
		8-“А” синф 26 ўқувчи	8-“Б” синф 24 ўқувчи	67%	76%
2.	Жиззах халқ таълими бошқармасига қарашли 6- ИДУМ	5-“А”синф 28 ўқувчи	5-“В”синф 27 ўқувчи	57%	73%
		6-“А” синф 29 ўқувчи	6-“Б” синф 28 ўқувчи	58%	74%

- юқори синжаларда ижодкорларнинг ҳаёт йўли баёнида мемуар, хотира,
эсдаликлардан фойдаланиши;

- қизиқарли ҳамда ибратли автобиографик ва биографик маълумотлар
ёрдамида ўқувчилар билан олиб бориладиган машгулотлар мазмун-
моҳиятига янгилик киритиши;

- дарсларни медиа воситалари ва кўрсатмали қуроллар асосида ташкил
қилиши.

Кейинги тажрибамиз Бухоро шаҳрида жойлашган 6-ИДУМ ва Жондор
туманига қарашли 2-умумтаълим мактабларида ўтказилди. Ўқувчиларга
таълим беришда автобиографик асарлардан фойдаланиш амалиётда синааб
кўрилди. Барча қизиққан педагогларга тажриба ишида қатнашиш имкони
яратилди.

Тажриба-синов жараёнига Бухоро шаҳар халқ таълими бошқармасига
қарашли 6-ИДУМдан 98 нафар, Жондор туман халқ таълими бўлимига
қарашли 2-мактабдан 105 нафар ўқувчилар иштирок этишди. Ўқувчилар
билан ўтказилган сұхбатлар ҳамда ёзма ишлар синовнинг ижобий натижаси
берганини кўрсатди.

Ижодкорларнинг ҳаёт йўлини ёритишда янги инновацион технологиялардан фойдаланиш бўйича олиб борилган кузатишлар ва таҳлиллар, самарадорлик натижалари

№	Мактаблар	Назорат гурухидагилар сони	Тажриба гурухидагилар сони	Натижалар	
				Назорат гурухи	Тажриба гурухи
1.	Бухоро шаҳрида жойлашган 6-ИДУМ	5-“А”синф 26 ўқувчи	5-“Б”синф 25 ўқувчи	62%	79%
		9-“А” синф 24 ўқувчи	9-“Б” синф 23 ўқувчи	60%	76%
2.	Жондор туманига қарашли 2-умумтаълим мактаби	10-“А”синф 26 ўқувчи	10-“Б”синф 27 ўқувчи	59%	78%
		11-“А” синф 27 ўқувчи	11-“В” синф 25 ўқувчи	58%	73%

Мумтоз асарлар таҳлилида тазкира, ҳасби ҳол каби жанрлардан самарали фойдаланиш бўйича олиб борилган кузатишлар ва таҳлиллар, самарадорлик натижалари

№	Мактаблар	Назорат гурухидаги лар сони	Тажриба гурухидаги лар сони	Натижалар	
				Назорат гурухи	Тажриба гурухи
1.	Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги 1-ИДУМ	7-“А”синф 27 ўқувчи	7-“Б”синф 26 ўқувчи	63%	79%
		8-“А” синф 26 ўқувчи	8-“Б” синф 27 ўқувчи	59%	75%
2.	Самарқанд шаҳар халқ таълим бўлимига қарашли 9-ИДУМ	5-“А”синф 28 ўқувчи	5-“Б”синф 27 ўқувчи	61%	76%
		9-“А” синф 27 ўқувчи	9-“В” синф 26 ўқувчи	60%	74%

Барча ўқувчиларнинг автобиографик асарлар орқали ижодкор ва уларнинг асарларига бўлган қизиқишилари ортгани, болаларнинг ижодий тасаввур ва тафаккурининг ривожланиш даражаси, нутқ бойлиги ошгани кузатилди. Таъкидлаш лозимки, тажриба ишларини олиб бориш жараёнида

ўқувчиларда автобиографик асарларга барқарор қизиқиши, у билан бирга ўз-ўзини ривожлантиришга интилишни шакллантиришга, ўқувчининг маънавий оламини бойитишига бир қадар эришилди.

Тажриба-синов ишлари Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабидан 105 нафар, Самарқанд шаҳрида жойлашган 9-ИДУМдан 108 нафар ўқувчилар иштирок этишди. Янги мавзу хотиралар, ёндош биографик манбалар орқали тушунтирилса, машғулот самараси сезиларли даражада ошиши маълум бўлди. Сабоқда ўқувчиларнинг фаоллиги ўтилган мавзуларни сўраш ва мустаҳкамлаш қисмларида ошди. Адиларнинг таржимаи ҳоли рақамлар билан чекланмай, қизиқарли биографик маълумотлар билан уйғунлаштириб ўтилса, яхши натижага эришилар экан.

Самарадорлик қуийдагича баҳоланди:

Биринчи усул: Абдулла Қодирийнинг ҳаёт йўли ҳақида йил, сана ва рақамлар билан тушунтирилди.	Иккинчи усул: Ҳабибулла Қодирийнинг “Отам ҳақида” ва Набижон Боқийнинг “Қатлнома” қиссаси ҳамда адебнинг ўзи ва замондошлари ёзиб қолдирган битикларидан тушунтирилди.
Кейинги дарсда берилган маълумотлар сўралди.	Барчада дарсга бўлган қизиқиш ошди, диққат қилиш кучайди.
Хотираси кучли болаларгина яхши жавоб беришди, холос.	Ўзлаштириш даражаси юқорилади.

Одатда ўқувчиларнинг бадиий асарларни таҳлил қилиши, мантиқий-танқидий фикрлаши ва муаммоли вазиятларга ечим топиши қийин бўларди. Автобиографик ва биографик асарларда хронология, ҳаққонийлик, самимийлик ҳамда холислик етакчи ҳисобланади. Унинг марказида тирик

инсон ва унинг ҳаёти турати. Одатда биографик асар қаҳрамони машҳур шахс ҳисобланади.

Адабиёт дарслари орқали ўқувчиларнинг ДТС бўйича ўзлаштиришлари кўзда тутилган билим, кўникма ва малакаларни эгаллашларига йўл очилади. Айнан адабиёт дарсларида инсоннинг, аввало, ўзлигини, қолаверса, бутун оламни англашга бўлган интилишларига туртки берилади. Шу боисдан “Адабиёт” дарсларини самарали ташкил қилишда Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳхор, Ойбек, Ғафур Ғулом, Одил Ёқубов, Абдулла Орипов, Анвар Обиджон каби шоир ва ёзувчиларнинг асарларини ўрганишда уларнинг автобиографик битикларидан фойдаланиш катта самара келтиради.

Адабиёт дарсларини ташкил қилишда болани ўзгарувчан ва мураккаб ҳаётга маънан тайёрлаш, уларни ҳаётий билимлар билан қуроллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим. Айнан бадиий асарларнинг таҳлилига таяниб иш олиб бориш катта самара бериши табиий.

Анъанавий таълимда ўқувчилар тайёр билимларни эгаллашга ўргатиб келинганд. Бундай усул ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ишлаш, ижодий изланиш, ташаббус кўрсатиш қобилиятларини ривожлантиришга етарлича имкон бермаслиги аниқ. Эндиликда фан, техника ва инновацион технологияларнинг ривожланиши натижасида ўқув-тарбия жараёнида интерфаол усувлар, инновацион педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиб, таълимнинг самарадорлигини кўтаришга бўлган эътибор кундан кунга кучайиб бормокда. Таълим тизимида замонавий технологиялар қўлланилган машғулотлар эгалланиши керак бўлган билимларнинг ўқувчилар томонидан қидириб топилиши, мустақил ўрганилиши, таҳлил қилинишини кўзда тутади. Ўқитувчи бу жараёнда шахс ва жамоанинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига, шунингдек, эркин фикрлаб синфдошлари билан ўзаро ҳамкорликда ишлаш ва ҳаракат қилишларига шароит яратади, шу билан бир қаторда, бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради. Бундай ўқув-тарбия жараёнида ўқувчи марказий иштирокчига айланади.

Педагог-олимлар кўп йиллар давомида таълим тизимида *нега ўқитилади, нима ўқитилади, қандай ўқитилади* сингари саволлар билан бир қаторда қандай қилиб самарали ва натижали ўқитиш мумкин? – деган саволга ҳам жавоб қидирдилар. Бу эса, олим ва амалиётчиларни ўқув жараёнини *технологиялаштиришига*, яъни ўқитишни ишлаб чиқаришга оид аниқ кафолатланган натижа берадиган технологик жараёнга айлантиришга уриниб кўриш мумкин, деган фикрга олиб келди.

Бундай фикрнинг туғилиши педагогика фанида янги педагогик технология йўналишини юзага келтирди¹. Қуйида адабий таълимда самара келтираётган айрим педагогик технологияларга хос хусусиятлар ва улар берадиган дидактик самара кўрсатилади.

Масалан, Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижодини ўқитишда илғор педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш ўринлидир. “Ақлий хужум”. “Давом эттири...”, “Йилнома” каби усууллар яхши самара беради.

Ўқувчилардан шоирнинг ҳаёти ҳақидаги назарий билимларини аниқлаш ва баҳолаш учун “Йилнома” усулини кўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу технология тарқатма материаллар таркибиغا кириб, бир вақтнинг ўзида ҳаммани рағбатлантириш мумкин. Дастрлаб, ўқитувчи ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб, йиллар ёзилган варақаларни жамоаларга тарқатиб чиқади. Маълумотнинг ҳажмига қараб, вақт белгиланади. Муаллим бир пайтнинг ўзида бажарилган ишларни йиғишириб олади ва баҳолайди.

“Давом эттири...” усули орқали ёд олинган шеърни ифодали, адашмасдан айтиш назорат қилинади. Масалан, “Ватаним” шеърини ким қандай ва қанча ёдлаганини билиб олиш мақсадида, ҳар бир жамоадан биттадан ўқувчи ёзув тахтаси ёнига чақирилади. Биринчи гуруҳ вакили шеърнинг хоҳлаган бандидан бир мисра келтиради, иккинчи қаторини кейинги жамоа аъзоси давом эттиради. Яхши ёд олмаган ўқувчи мусобақани тарк этади. Муаллим шеърнинг маълум бир банди якунлангач, иштирокчиларнинг ҳар биридан

¹ Ишмуҳамедов Р., Юлдошев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.–Т.: «Nihol» нашриёти, 2013.–Б.9.

тўлиқ, тутилмасдан, нотиқона айтишни талаб этади. Бу орқали шеърни мустаҳкам ёдлашга, хотирада яхши муҳрланишига эришилади.

«Портрет» усули. Масалан, «Захириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди» мавзуси юзасидан дарс режалаштирилган бўлса, ўқувчиларга Бобур ҳақида билган барча маълумотларни тўплаш топширилади.

Ўқитувчи шоир ва ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижодини чуқурроқ ўргатиш учун адилларнинг суратидан фойдаланади. Бу суратда қайси шоир тасвирланган? Қачон ва қаерда туғилиб ўсган? «Бобур» сўзининг маъноси нима? Каби блиц саволлари билан ўқувчиларга юзланади. Фаол иштирок этган ўқувчилар юқори баҳоланади.

Резюме» технологияси

«Резюме» – [fr. *resume* < *resumer* – қисқача баён қилмоқ]. Ёзилган, айтилган ёки ўқилган матн мазмунининг қисқача баёнидир. Бу технология мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар муаммоли мавзуларни ўрганишга қаратилган. Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда бир йўла мавзунинг турли тармоқлари бўйича ахборот берилади. Айни пайтда уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Ижобий ва салбий томонлари, афзаллик ва камчиликлари, фойда ва заарлари кўрсатилади.

3.1- жадвал.

Автобиографик ва биографик манбалардан фойдаланиш ўқувчиларда қандай самара беради?		
Ижодкорларнинг таржимаи ҳолини баён қилишда анъанавий таълим усулидан фойдаланилганда		
Афзалликлари		Камчиликлари
■ Вақт тежалади ■ Хотира мустаҳкамланади	■ Нутқий ривожланмайди. ■ Мустақил ўргатилмайди. ■ Ижодий ёндашув ўсмайди. ■ Ўқувчига меъёрдан кўпроқ маълумот берилади	компетенция фикrlашга
Хуноса: Анъанавий таълим усулидан фойдаланиш мантиқий ва танқидий фикrlаш қобилиятини чеклайди.		

3.2-жадвал.

Автобиографик ва биографик манбалардан фойдаланиш ўқувчиларда қандай самара беради?	
Ижодкорларнинг ҳаёт йўлини ёритишда ноанъанавий таълим усулидан фойдаланилганда	
Афзаликлари	Камчиликлари
<ul style="list-style-type: none"> ■ Ўқувчининг нутқий кўнимаси ошади. ■ Мустақил фикрлаш қобилияти шаклланади. ■ Дунёқараши кенгаяди. ■ Кузатиш ва таҳлил қилишни ўрганади. ■ Таассуротларини умумлаштира билади. ■ Ижодий қобилиятни ўстиради 	<ul style="list-style-type: none"> ■ Ўқувчилар тўла эркин бўлишади ■ Ўқитувчи вазиятга хукмон бўлмайди. ■ Ўқитиш кечимининг ёлғиз субъекти бўлмайди.
<p>Хулоса: Ноанъанавий таълим усулидан фойдаланиш ижодкорлик сари кўйилган қадамдир.</p>	

3.3-жадвал.

Муаммонинг тури	Муаммонинг келиб чиқиши сабаблари	Муаммони ечиш йўллари
<p>Шоир ва ёзувчилар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ жиҳатларни ёритишида амалдаги дарсликларда берилган маълумотлар қониқарли эмас.</p>	<p>Бунинг боиси адилар ҳаёти акс этган биографик битикларнинг баъзан қисқа берилиши, кўпинча, умуман, берилмаслигидир.</p>	<p>Ўқувчиларга ижодкор ҳаёти ҳақида фақат сана ва рақамлар саноғини келтирмай, адилнинг ўзи ёки уни билган бошқа ижодкор томонидан берилган биографик маълумотлар ўқувчиларни ўрганилаётган асарга қизиктиради.</p>

«Муаммо» технологияси

Бу технология –ўқувчиларга ўқув предметининг мавзусидан келиб чиқсан турли муаммоли масала ёки вазиятларнинг ечимини тўғри

топишларига ёрдам беради. Ушбу технология ўқувчиларда муаммонинг моҳиятини аниқлаш малакасини шакллантириш, муаммонинг келиб чиқиши сабаблари ва уни ечиш йўлларини тўғри аниқлашга ўргатади.


3.3.§. Олиб борилган тажриба-синов ишлари натижалари таҳлили

Адабий таълим жараёнида умумтаълим мактаблари ўқувчиларига ижодкорларнинг ҳаёт йўлини ўргатишида автобиографик асарлар, хотиралар, кундаликлар, мемуар асарлар, ҳасби ҳол ва тазкиралардан фойдаланиб, ўргатиш дарснинг сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилиши бўйича ўтказилган тажриба-синов ишларида 693 нафар ўқувчи иштирок этди. Автобиографик асарлардан фойдаланиш, юқори синф ўқувчиларида самараси ҳақидаги маълумот 3.4-жадвалда келтирилган. 3.1-3.8-расмларда тажриба-синов натижаларини солиштирма таҳлил диаграммалари келтирилган.


3.4-жадвал.

Автобиографик асарлардан фойдаланиш ўқувчиларда қандай самара бериш ҳолати акс этган жадвал

Кузатувлар	Баҳолаш бали	Бухоро ш. 6- ИДУМ, 2-мактаби, 5-11- синф		Жиззах ш. 6- ИДУМ, Ижод мактаби, 5-11-синф		Самарқанд ш. 6-ИДУМ, 1- ИДУМ, 5-11-синф	
		Н.Г	Т.Г	Н.Г	Т.Г	Н.Г	Т.Г
Тажрибадан олдин	100– 86 “5”	6	5	7	6	10	9
	85 – 71 “4”	159	155	165	160	165	164
	70 – 55 “3”	59	62	62	61	68	71
Тажрибадан кейин	100– 86 “5”	80	186	82	188	87	200
	85 – 71 “4”	115	36	120	39	122	44
	70 – 55 “3”	29	0	32	0	34	0
Ўқувчилар сони		224	222	234	227	243	244




3.1-расм. Тажрибадан олдин Бухоро шаҳридаги 6-ИДУМ, 2-мактабларининг ўзлаштириши кўрсаткичлари




3.2-расм. Тажрибадан кейин Бухоро шаҳридаги 6-ИДУМ, 2-мактабларининг ўзлаштириши кўрсаткичлари

3.4-жадвал ва 3.1-расм ҳамда 3.2-расмлар асосида Бухоро шаҳридаги 6-ИДУМ, Жондор туманидаги 2-мактабларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатадики, назорат гурухларида 70 – 55 ("3") баҳолаш кўрсаткичи 26.3% дан 12.9% га, яъни 13.4% га камайган, 85 – 71 ("4") баҳолаш кўрсаткичи 71.0% дан 51.3% га, яъни 19.7% га камайган, 100 –

86(“5”) баҳолаш кўрсаткичи 2.7% дан 35.7% га, яъни 33.0% га ошган. Тажриба гурухларида эса 70 – 55(“3”) баҳолаш кўрсаткичи 27.9% дан 0% га, яъни 27.9% га камайган, 85 – 71(“4”) баҳолаш кўрсаткичи 69.8% дан 16.2% га, яъни 53.6% га камайган, 100 – 86(“5”) баҳолаш кўрсаткичи 2.3% дан 83.8% га, яъни 81.5% га ошган.




3.3-расм. Тажрибадан олдин Жиззах шаҳридаги 6-ИДУМ, Ижод мактабларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари




3.4-расм. Тажрибадан кейин Жиззах шаҳридаги 6-ИДУМ, Ижод мактабларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари

3.4-жадвал ва 3.3-расм ҳамда 3.4-расмлар асосида Жиззах шаҳридаги 6-ИДУМ, Ижод мактабларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатадики, назорат гуруҳларида 70 – 55 (“3”) баҳолаш кўрсаткичи 26.5% дан 13.7% га, яъни 12.8% га камайган, 85 – 71(“4”) баҳолаш кўрсаткичи 70.5% дан 51.3% га, яъни 19.2% га камайган, 100 – 86 (“5”) баҳолаш кўрсаткичи 3.0% дан 35.0% га, яъни 32.0% га ошган. Тажриба гуруҳларида эса 70 – 55(“3”) баҳолаш кўрсаткичи 26.9% дан 0% га, яъни 26.9% га камайган, 85 – 71(“4”) баҳолаш кўрсаткичи 70.5% дан 17.2% га, яъни 53.3% га камайган, 100 – 86(“5”) баҳолаш кўрсаткичи 2.6% дан 82.8% га, яъни 80.2% га ошган.




3.5-расм. Тажрибадан олдин Самарқанд шаҳридаги 6-ИДУМ, Иштихон туманидаги 1-ИДУМларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари
3.4-жадвал ва 3.5-расм ҳамда 3.6-расмлар асосида Самарқанд шаҳридаги 6-ИДУМ, 1-ИДУМларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатадики, назорат гуруҳларида 70–55(“3”) баҳолаш кўрсаткичи 28.0% дан 14.0% га, яъни 14.0% га камайган, 85 – 71 (“4”) баҳолаш кўрсаткичи 67.9% дан 50.2% га, яъни 17.7% га камайган, 100–86 (“5”) баҳолаш кўрсаткичи 4.1% дан 35.8% га, яъни 31.7% га ошган. Тажриба гуруҳларида эса 70 – 55(“3”) баҳолаш кўрсаткичи 29.1% дан 0% га, яъни 29.1% га камайган, 85 – 71(“4”)


баҳолаш кўрсаткичи 67.2% дан 18.0% га, яъни 49.2% га камайган, 100 – 86(“5”) баҳолаш кўрсаткичи 3.7% дан 82.0% га, яъни 78.3% га ошган.



3.6-расм. Тажрибадан кейин Самарқанд шаҳридаги 6-ИДУМ, Иштихон туманидаги 1-ИДУМларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари



3.7-расм. Тажрибадан олдин умуний Бухоро, Жиззах, Самарқанд шаҳарларида мактабларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари



3.8-расм. Тажрибадан кейин умумий Бухоро, Жиззах, Самарқанд шаҳарларидағи мактабларнинг ўзлаштириш қўрсаткичлари

3.4-жадвал ва 3.7-расм ҳамда 3.8-расмлар асосида Бухоро, Жиззах, Самарқанд шаҳарларидағи мактабларнинг ўзлаштириш қўрсаткичлари ўзлаштириш қўрсаткичлари таҳлили шуни қўрсатадики, назорат гуруҳларида 70–55("3") баҳолаш қўрсаткичи 27.0% дан 13.6% га, яъни 13.4% га камайган, 85–71("4") баҳолаш қўрсаткичи 69.8% дан 50.9 % га, яъни 18.9% га камайган, 100–86("5") баҳолаш қўрсаткичи 3.3% дан 35.5% га, яъни 32.2% га ошган. Тажриба гуруҳларида эса 70–55("3") баҳолаш қўрсаткичи 28.0% дан 0% га, яъни 28.0% га камайган, 85–71("4") баҳолаш қўрсаткичи 69.1% дан 17.2% га, яъни 51.9% га камайган, 100–86("5") баҳолаш қўрсаткичи 2.9% дан 82.8% га, яъни 79.9% га ошган.

Ўтказилган тажриба-синов натижаларининг аҳамиятли эканлигини тасдиқлаш учун математик статистик таҳлил қилиш усуслари ўқув танланмалар катта бўлгани учун χ^2 мезонидан фойдаландик.

χ^2 мезонида $\chi^2_{\text{сп}} > \chi^2_{\text{кр}}$ шарт бажарилиши дастлабки фаразни инкор қиласиз ва альтернатив фаразни, яъни тажриба-синов гуруҳларида

ўзлаштириш кўрсаткичлари статистик қиймати аҳамиятга эга ва назорат гуруҳидагидан юқори деган фаразни қабул қиласиз. Ушбу шартнинг бажарилмаслигидан, дастлабки фаразни қабул қиласиз ва тажриба-синов гуруҳларида ўзлаштириш кўрсаткичларининг статистик қийматга, аҳамиятга эга эмаслигини билдиради.

χ^2_{kp} мезонининг назарий жиҳатдан ҳисобланган критек қиймати бўлиб, χ^2_{kp} мезон жадвалидаги $\chi^2_{kp}(l, \alpha)$ ёрдамида аниқланади. Педагогик тадқиқотларда асосан $\alpha = 0.05$ қиймат бўйича аниқланади.

χ^2_{emp} мезонининг эмперик қиймати бўлиб, у қуйидагича ҳисобланади:

$$\chi^2_{emp} = n_1 n_2 \sum_{i=1}^L \left[\frac{1}{n_{i1} + n_{i2}} \left(\frac{n_{i1}}{n_1} - \frac{n_{i2}}{n_2} \right)^2 \right],$$

бу ерда n_1, n_2 - назорат ва тажриба гуруҳларида танланмалар сони, n_{i1} назорат гуруҳидаги танланмалардан i – баҳони олганлар сони, n_{i2} тажриба гуруҳидаги танланмалардан i – баҳони олганлар сони.

χ^2_{emp} мезонининг эмперик қийматини ҳисоблашларини амалга оширамиз. Ҳисоблашлар тажрибадан кейин умумий Бухоро, Жиззах, Самарқанд шаҳарларида мактабларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари асосида амалга оширилади.

$$n_1 = 701, n_{11} = 95, n_{21} = 357, n_{31} = 249, n_2 = 693, n_{12} = 0, n_{22} = 119, n_{32} = 574,$$

$$\begin{aligned} \chi^2_{emp} &= n_1 n_2 \sum_{i=1}^L \left[\frac{1}{n_{i1} + n_{i2}} \left(\frac{n_{i1}}{n_1} - \frac{n_{i2}}{n_2} \right)^2 \right] = \\ &= 701 \cdot 693 \cdot \left[\frac{1}{95+0} \left(\frac{95}{701} + \frac{0}{693} \right)^2 + \frac{1}{357+119} \left(\frac{357}{701} + \frac{119}{693} \right)^2 + \frac{1}{249+574} \left(\frac{249}{701} + \frac{574}{693} \right)^2 \right] = 342.3 \end{aligned}$$

Тажриба-синовлардаги 5 баҳолик тизимда ўртача қийматларини аниқлаймиз.

Назорат гуруҳи учун:

$$\bar{x} = \frac{\sum_{i=1}^L x_i^2 n_{i1}}{n_1} = \frac{3 \cdot 95 + 4 \cdot 357 + 5 \cdot 249}{701} = 4.2,$$

Тажриба гурухи учун:

$$\bar{y} = \frac{\sum_{i=1}^I y_i^2 n_{i2}}{n_2} = \frac{3 \cdot 0 + 4 \cdot 119 + 5 \cdot 574}{693} = 4.83,$$

Ушбу натижалар асосида ўртача қийматлари тажриба гурухи назорат гурухи 15% ошгани яниқланди.

$\chi^2_{\text{кр}}$ мезонининг назарий жиҳатдан ҳисобланган $\chi^2_{\text{кр}}(2,0.05)$ критек қийматини мезон жадвалидан $\chi^2_{\text{кр}}(2,0.05) = 5.99$ га тенглигини аниқлаймиз.

Юқоридаги ҳисоблашлар асосида $\chi^2_{\text{нр}} > \chi^2_{\text{кр}(0,05)}$ ($342.3 > 5.99$) шартнинг бажарилиши текширамиз ва дастлабки фаразни инкор қилиб, альтернатив фараз тажриба-синов гурухида ўзлаштириш кўрсаткичлари аҳамиятли эканлигини ва назорат гурухидагидан юқори деган фаразни қабул қилишини кўрсатади.

Ушбу ҳисоблаш асосида Бухоро, Жиззах, Самарқанд шаҳарларидағи мактаблар учун $\chi^2_{\text{кр}}$ мезонининг ҳисоблаш натижаларини қўйидаги 3.5-жадвалда келтирамиз.

3.5-жадвал.

Бухоро, Жиззах, Самарқанд шаҳарларидағи мактаблар учун $\chi^2_{\text{кр}}$ мезонининг қийматлари акс этган жадвал

Баҳолаш бали	Бухоро ш. 6- ИДУМ, 2-мактаби, 5-11- синфлар		Жиззах ш. 6- ИДУМ, Ижод мактаби, 5-11-синфлар		Самарқанд ш. 6-ИДУМ, 1-ИДУМ, 5-11-синфлар	
	Н.Г.	Т.Г.	Н.Г.	Т.Г.	Н.Г.	Т.Г.
100–86 “5”	80	186	82	188	87	200
85–71 “4”	115	36	120	39	122	44
70–55 “3”	29	0	32	0	34	0
Жам и	224	222	234	7 22	243	244
$\chi^2_{\text{нр}}$	112.6		114.8		115.1	
$\chi^2_{\text{кр}}$	5.99		5.99		5.99	

3.5-жадвалда келтирилган ҳисоблардаги Бухоро, Жиззах, Самарқанд шаҳарларидағи мактаблар учун алоҳида $\chi^2_{\text{кр}}$ мезонининг эмперик қийматлари $\chi^2_{\text{кр}}$ мезонининг назарий жиҳатдан ҳисобланған $\chi^2_{\text{кр}}$ (2,0,05) критек қийматларидан катталиги ҳар бири дастлабки фаразни инкор қилиб, альтернатив фараз Бухоро, Жиззах, Самарқанд шаҳарларидағи мактаблардаги тажриба-синов гурухларида ҳам ўзлаштириш күрсаткичлари аҳамиятли эканлигини тасдиқлайди ва назорат гурухидагидан юқори деган фаразни қабул қилишини күрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, ўртача қийматлари тажриба гурухи назорат гурухи 15% ошгани, 100–86(“5”) баҳолаш күрсаткичи тажриба гурухи назорат гурухига нисбатан эса 35.5 % дан 82.8 %, яъни 47.3 % га ошганлиги $\chi^2_{\text{кр}}$ мезони асосида тасдиқланди.

Боб бўйича хулосалар

1. Кейинги йилларда умумтаълим мактабарининг “Адабиёт” дарслеридаги автобиографик маълумотларни ўрганишда янгича ёндашув пайдо бўлгани, яъни адилар ҳаёт йўлига доир матн танлаш, уларни синф кесимида беришда ўқувчиларнинг ёши, руҳий хусусиятлари ҳисобга олишга уринилаётгани сезилади. Ўқувчиларга шоир ёки ёзувчи ҳаёти ҳақида фақат сана ва рақамлар асосида маълумот берилмай, ўрганилаётган адабнинг ўзи ёки бошқа ижодкор томонидан билдирилган биографик маълумотларга асосланиш ўқувчиларнинг муайян адаб асарларига қизиқишини орттириши, креатив фикрлашга хизмат қилиши аниqlанган.

2. Умумтаълим мактабларида тазкира, ҳасби ҳол каби мумтоз адабиёт жанрларидаги асарлардаги маълумотлардан фойдаланишдан кўзланған мақсад муайян мумтоз адига тегишли бадиий асарнинг ўқувчилар томонидан бевосита қабул қилинишига, чуқурроқ англаниши ва таҳлил қилинишига ва битикдаги яширин қатламларни англашига эришишдан иборатдир.

3. Ўрганиладиган бадиий асарларнинг ўқувчилар томонидан қизиқиб

қабул қилинишида автобиографик ва биографик битиклар мухим ўрин тутади. Негаки, муаллиф шахсига хос жиҳатлар ёрқин қўрилгач, асар ҳам ўқувчиларга яқинлашади. Уни ўзлари танийдиган, биладиган одам ёзгандай бўлади. Шу омил уларни бадиий асарга ўзларига тегишли битикдай ёндашишга ундейди. Бу хол ўқувчиларнинг асар моҳиятини ўзлаштиришларига, креатив фикрлашларига ёрдам беради.

ХУЛОСАЛАР

1. Умумтаълим мактаблари адабиёт сабоқларида адибларнинг таржимаи ҳоли ва ҳаёт йўли, биринчидан, миллатнинг истеъоддли вакили ўлароқ ибрат сифатида, иккинчидан, ўқувчилар ўрганишлари керак бўлган асарларини теранроқ тушунишга хизмат қиласиган восита тарзида ўрганилади.

2. Мамлакат умумтаълим мактабларида адабиёт фанини ўқитишида, аникрофи, бадиий асарни ўқув тахлилига тортишида шоир-ёзувчилар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ маълумотлардан фойдаланиш қониқарли эмас. Бунинг боиси дарсликларда шоир ва ёзувчилар ҳаёти билан боғлиқ автобиографик ва биографик битикларни бериш тизимли йўлга қўйилмаган. Ушбу ҳолат дарслик ва методик қўлланмаларни замонавий талаблар асосида яратиш кераклигини тақозо қиласиган.

3. Мактабларда таълим сифатининг самарали бўлиши, дарс жараёнининг талаб даражасида ташкил қилиниши бир томондан фан ўқитувчисининг билим даражасига, ўз устида ишлашига, иккинчи томондан, дарснинг илғор педагогик технологиялар, компьютер воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтилишига боғлиқ. Бу эса олий таълимда фан бўйича мутахассислар тайёрлашга ҳамда таълим муассасасининг моддий-техник жиҳатдан таъминланишига боғлиқ.

4. Мактаб ўқувчиларининг асосий иш қуроли “Адабиёт” дарслиги қизиқарли, тушунарли ва ўқувчи эътиборини жалб қиласиган хусусиятларга эга бўлиши лозим. Бунинг учун адабий асарлардан ташқари қўшимча дидактик материаллар ҳам ўқувчилар диққатини тортадиган, бадиий асар моҳиятини очишга қаратилган йўсинда тақдим этилиши зарур. Амалдаги дарсликларда эса, кўпинча ижодкорларнинг ҳаёт ва ижод йўлига доир материаллар бир тусда, рақам ва саналардан иборат тарзда берилади. Натижада бундай маълумотлар ўқувчиларни қизиқтирумайди, ижодкорлар шахсияти ҳаётий қилиб берилмагани сабаб болалар уларга ўрнак бўладиган сиймолар сифатида қарай олмайди.

5. Адабиёт дарсларининг қизиқарли, ўрганилаётган асарлар таҳлилиниң чуқур бўлишида ижодкорлар ҳақидаги автобиографик ва биографик битикларни ўрганиш улкан аҳамият касб этади. Чунки бундай маълумот ижодкорни ўқувчига яқинлаштиради. Ўқувчи қандайдир номаълум сиймонинг эмас, балки ўзига яқин кишининг битигини ўрганишга киришгани сабаб ўрганиладиган асарга бефарқ қарамайди.

6. Мумтоз адабиёт намуналарни ўргатишида ўқитувчи ижодкор тўғрисида дарсликда берилган маълумотлардан ташқари, тазкира, ҳасби ҳол сингари қўшимча битиклардан фойдаланса, ўқувчилар ижодкор шахсига қизиқиши билан қарай бошлайди. Бу ҳол сабоқлар самарадорлигига сабаб бўлади. Навоий, Бобур, Машраб, Амирий, Нодира сингари ижодкорларга хос хусусиятлар акс этган автобиографик ва биографик битиклардан фойдаланиш ўқувчиларни бу шахсиятларнинг тақдирига шерик қилиб қўяди. Бу эса, уларнинг асарлари дидактик таҳлилини чуқурлаштиришга хизмат қиласади.

7. Турли жанрларда битилган замонавий адабиёт намуналарини ўрганишида ҳам ўқувчиларга замондош ижодкорлар ҳақидаги автобиографик ва биографик битиклардан фойдаланиш катта педагогик самара беради. Негаки, ижодкор шахсиятидан хабардорлик ўқувчини лоқайдлик ва бефарқлиқдан чиқаради. Ижодкорга адабий портрет эмас, балки жонли одам сифатида қарай бошлайди. Бу ҳолат унинг битганларига ҳам муайян қизиқиши уйғотади. Ўқитувчи ижодкор шахсиятига хос хусусиятнинг унинг битганларида қандай намоён бўлишини кўришга ўргатса, ўқувчилар танишаётган асар замиридан қўшимча маъно топади. Бу эса ўқувчиларни ижодий фикрлашга одатлантиради.

8. Умумтаълим мактабларининг 5-9-синфларида ижодкор шахси ва ҳаёт йўлига доир маълумотларнинг ўсмир ўқувчиларни ҳайратлантирадиган, тақлид қилишга ундейдиган характерда бўлишига эътибор қаратилиши лозим. Юқори синflарда эса, ижодкор шахси ва умрийўлига доир маълумотлар унинг ўрганиладиган асарини таҳлил қилишда қўл келадиган йўсинда бўлишига эришиш мақсаддага мувофиқдир.

9. Автобиографик ва биографик маълумотлар фойдаланишда ҳар бир ижодкорнинг шахси ва у яшаган даврга хос хусусиятларни ҳисобга олиб иш кўриш керак бўлади. Негаки, ўзига хос шахслик ва даврга хос белгилар бадиий асарда, албатта, ўз изини қолдиради. Ана шу белгиларни кўзда тутиш бадиий асарнинг ўқув таҳлили самарали бўлишини таъминлайди.

10. Умумтаълим мактаблари адабиёт сабоқларида автобиографик ва биографик битиклардан фойдаланишда дарс самарадорлигини ошириш, таҳлил жараёнида қўлланадиган энг оптимал усул ва воситаларни излаб топиш таълим жараёнига янгича ёндашувни тақозо қиласида. Бу борада мактаблардаги адабиёт сабоқларини илғор педагогик технологиялар асосида ташкил этиш кутилган дидактик натижаларга эришиш имконини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:

1. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.—Т.: “Ўзбекистон”, 2017. –486 б.
2. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017. –592 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-Фармони.
<https://lex.uz/docs/2968200>.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-Фармони.
<https://kun.uz/61238211?q=%2Fuz%2F61238211>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора–Тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-Қарори. <https://lex.uz/docs/3171590>.
6. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги “Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора–Тадбирлари тўғрисида”ги 571-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/3833141>.

II. Илмий-назарий адабиётлар

1) Миллий нашрлар

7. “Адабиётшунослик” фанидан ўқув-услубий қўлланма. Тузувчилар: Халлиева Г., Султонсаидова С., Бобоқулов Ю., Расулмуҳаммедова Д., Қўчқорова М. –Т.: 2018. –178 б.
8. Ahmedov S., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 6-sinfi(1-qism) uchun darslik.—Т.: “Ma’naviyat”, 2017. – 156 b.
9. Ahmedov S., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim

maktablarining 6-sinfi (2-qism) uchun darslik. –T.: Ma’naviyat, 2017.–157 b.

10. Ahmedov S., Qosimov B., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. –T.: “Sharq”, 2020. – 272 b.

11. Asqarova O‘.M., Xayitboyev M., Nishonov M.S. Pedagogika: Oliy o‘quv yurtlari talabalari uchun darslik/ O ‘zR Oliy va o ‘rta maxsus ta’lim vazirligi. – T.: Talqin, 2008. –291 b.

12. Olimov S., Ahmedov S., Qo‘chqorov R. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 8-sinfi uchun darslik. – T.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2019.–351 b.

13. Q.Husanboyeva, R.Niyozmetova. Adabiyot o‘qitish metodikasi.O‘quv qo‘llanma.–T.:INNOVATSIYA-ZIYO, 2020. –321 6.

14. To‘xliyev B., Karimov B., Usmonova K. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 10-sinfi(1-qism) uchun darslik.–T.: «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2017. –182 b.

15. To‘xliyev B., Karimov B.,Usmonova K. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 10-sinfi(2-qism) uchun darslik. –T.: «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2017. –182 b.

16. To‘xliyev B., Karimov B.,Usmonova K. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 11-sinfi(1-qism) uchun darslik-majmua. –T.: «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2018. –198 b.

17. To‘xliyev B., Karimov B.,Usmonova K. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 11-sinfi(2-qism) uchun darslik-majmua. – T.: «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2018. –198 b.

18. Yo‘ldoshev Q., Qodirov V., Yo‘ldoshbekov J. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 9-sinfi uchun darslik./ Qayta ishlangan 4-nashri. –T.: «O‘zbekiston» NMIU, 2019. –365 b.

19. Yo‘ldoshev Q., Qosimov B., Qodirov V., Yo‘ldoshbekov J. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik-majmua. /Qayta ishlangan 4-nashri. –T.: “Sharq”, 2017. –368 b.

20. Болтабоев Ҳ. Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. 1–жилд. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2013. –434 б.
21. Ишмуҳамедов Р., Юлдошев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.–Т.: «Nihol» нашриёти, 2013. –277 б.
22. Каримов Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. –Т.: “Академнашр”, 2014. –245 б.
23. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2008. –536 б.
24. Қозоқбой Йўлдош, Мухайё Йўлдош. Ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси. –Т.: Тафаккур, 2022. –164 б.
25. Қуронов Д.Адабиётшуносликка кириш. –Тошкент: “Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси” нашриёти, 2004.–142 б.
26. Саримсоқов Б. Халилов Т., Курбонбоев Б. Ўзбек адабиёти. –Т.: Ўқитувчи, 1993.–717 б.
27. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. –535 б.
28. Умров Ҳ. Бадиий ижод асослари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2001. –120 б.
29. Абдулла Қаҳҳор: Шахс ва ижодкор. – Тошкент: Tamaddun. 2013. –212 б.
30. Ваҳоб Раҳмон. Мумтоз сўз сеҳри. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2015.–157 б.
31. Жўрабоев О. Матннинг матн ости сирлари. – Тошкент: Tamaddun, 2017. –212 б.
32. Жўрақулов У. Ҳудудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2008. –202 б.
33. Қаҳҳор А. Ҳаёт ҳодисасидан бадиий тўқимага: «Адабиётимиз автобиографияси». – Т., 1973. –196 б.
34. Қодирий А. Ижод машаққати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. –242 б.
35. Қозоқбой Йўлдош. Сўз ёлқини.–Тошкент: Fafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2018.–501 б.

36. Қуронов Д. Чўлпон насли поэтикаси. –Тошкент: Шарқ, 2004. –287 б.
37. Қутадгу билиг. Факсимиле, – СВ, V, 1948. –с. 327-328.
38. Қўчқоров Р. Мен билан мунозара қилсангиз. – Тошкент: Маънавият, 1997. –167 б.
39. Қўчқорова М. Абдулла Қаҳҳор истиқлол адабиётшунослиги кўзгусида. – Тошкент: Akademnashr. 2018. –256 б.
40. Қўшжонов М. Қодирий – эрксизлик қурбони. –Тошкент: Фан, 1992.–96 б.
41. Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. – Тошкент: Халқ мероси, 1994. – 136 б.
42. Мирвалиев С. Абдулла Қодирий кашфиёти. – Тошкент: MashhurPress, 2018. –198 б.
43. Мирвалиев С. Ўзбек романи. – Тошкент: Фан, 1969. –314 б.
44. Носиров Ў. Ижодкор шахс, бадиий услуб, автор образи. – Тошкент, Фан, 1981. –199 б.
45. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. –Тошкент: Шарқ, 2007. – 336 б.
46. Раҳимжонов Н. Бадиий асар биографияси. – Тошкент: Фан. 2008. – 178 б.
47. Раҳимов Ж. Адабиёт дарсларида ёзувчи шахсини ўрганиш. Тошкент: Ўқитувчи, 1975. –297 б.
48. Умров Ҳ. Қаҳрамоннинг маънавий олами ва эпиклик. – Тошкент: Фан, 1995. –156 б.
49. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. –Т.: Ўқитувчи, 1997. – 235 б.
50. Ҳусанбоева Қ. Таҳлил – адабиётни англаш йўли. – Тошкент: Мухаррир, 2013. –432 б.

2) Хорижий нашрлар

51. Спивак Р.С. Русская философская лирика: Проблемы типологии

жанров. –Красноярск: Издательство Красноярского университета, 1985. –140 с.

52. Томашевский Б.В. Теория литературы. Поэтика. –М.: Аспект Пресс, 1999. –334 с.

53. Тынянов Ю.Н. Литературная эволюция. –М.: Издательство «Аграф», 2002. –496 с.

54. Аверинцев С.С. Риторика и истоки европейской литературной традиции. –М.: Языки русской культуры, 1996. –448 с.

55. Бартольд В.В. Богра-хан, упомянутый в «Кутадгу билиг». Соч.. т У, М., Наука, 1968.–420 с.

56. Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков. –М.: Высшая школа, 1962.–332 с.

57. Бахтин М.М. Литературно-критические статьи. –М.: Художественная литература, 1986. –543 с.

58. Винокур Г.О. Биография и культура. Русское сценическое произношение. –М.: Русские словари, 1997. –186 с.

59. Звягина М.Ю. Жанровые трансформации в русской прозе второй половины XX - начала XXI в. –М.: КНОРУС; Астрахань: АГУ, ИД «Астраханский университет», 2016. –292 с.

60. Кононов А.А. Слово о Юсуфе из Баласагуна и его поэме «Кутадгу билиг». – СТ, 1970, № 4, –с. 3-12.

61. Лейдерман Н.Л. Теория жанра: исследования и разборы. – Екатеринбург: Словесник, 2010. –904 с.

62. Малов С.Е. Из третьей рукописи «Кутадгу билиг». – Изв.АН СССР, отд. гум. наук. 1929, № 9. –с.734-754.

63. Маркова Т.Н. Авторские жанровые номинации в современной русской прозе как показатель кризиса жанрового сознания //Вопросы литературы. –2011. - №1. –С.280-290.

64. Очерк истории Семиречья. Соч., т. П., ч 1. –М.: Наука. 1963. –с. 40-47.

65. Бартольд В.В. Богра-хан, упомянутый в «Кутадгу билиг». Соч., т. У. –М., Наука, 1968.–с.420.
66. Подготовка к изданию наманганской рукописи «Кутадгу билиг». –Литературная газета. 1945 10 марта; «Хабат ал-хакайик» Ахмад Юнаки. Труды САГУ новая серия, выш.3 кн, 1., Самарканд, 1945. –с 16.
67. Поспелов Г.Н. Вопросы методологии и поэтики. –М.: Изд-во МГУ, 1983. –336 с.
68. Радлов В.В. Кутадгу билиг. Факсимила уйгурской рукописи императорской и королевской придворной библиотеки в Вене. Спб., 1990. –220 с.
69. Радлов В.В. Турфанские тексты в лингвистическом отношении. ЗВОРАО, 1911-12, т XXI. –с. 15-17.
70. Роль уйгурокарлукского литературного языка-Карахандского государства в развитии литературных языков средневековья Сов. Тюрк., 1970, № 4. –с.13-19.
71. Фрейденберг О.М. Поэтика сюжета и жанра.– М.:Лабиринт, 1997.–448 с.
72. Чернец Л.В. Литературные жанры: проблемы типологии и поэтики. –М.: Изд - во Моск. ун-та, 1982. –194 с.

III. Диний манбалар, адабиётлар

73. Бертельс Е.Э. Изречение Ибрахим ибн Адхама в «Кутадгу билиг». Суфизм и суфийская литература., –М.: Наука, 1965. –122 с.

IV. Луғатлар

74. Қурунов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Akademnashr, 2013.–400 б.
75. Мильчина В.А. Автобиография// В кн.:Литературный энциклопедический словарь/ под ред. В.М. Кожевникова, П.А. Николаева. – М.: Сов. энциклопедия, 1987. –752 с.
76. Образцы древнетюркской письменности с предисловием и словарем. –Ташкент, 1926. –84 с.

77. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1979.–365 б.

V. Бадиий адабиётлар

78. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 11 жилд.– Тошкент: Маънавият, 2000. –256 б.
79. Фиёсиiddин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. –Т.: Faafur Fулом номидаги НМИУ, 2017. –123 б.
80. Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. –Т.:Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. –189 б.
81. Зайниддин Восифий. Бадоев ул-вақоев. –T.:Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. –125 б.
82. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – T.:Ўқитувчи НМИУ, 2008. –132 б.
83. Каримов Н. Мақсуд Шайхзода. Маърифий-биографик роман. – Тошкент: Шарқ, 2010.–335 б.
84. Каримов Н. Миртемир. Маърифий-биографик роман. – Тошкент: Meriyus, 2012. –282 б.
85. Каримов Н. Чўлпон. Маърифий роман. –Тошкент: Шарқ, 2003.–124 б.
86. Қодирий X. Отам ҳақида. – T.:Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.–148 б.
87. Набижон Боқий. Қатлнома [Матн]:Хужжатли қисса. –Тошкент: Азон китоблари, 2021. –444 б.
88. Орипов Абдулла. Танланган асарлар/1 жилд/ Шеърлар ва достонлар. –T.: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – 432 б.
89. Сайд Аҳмад. Танланган асарлар. III жилдлик. III жилд. –T.: «Шарқ» нашриёт-матбаа консерни, 2000. –278 б.

VI. Диссертация ва авторефератлар

90. Абдураҳмонова М. Абдулла Қодирийнинг психологик тасвир

маҳорати: Филол. фан. номз.... дис. – Тошкент, 1977. –141 б.

91. Адизова О.Адабиётшунос Азиз Қаюмов тадқиқотларида биографик методдан фойдаланиш маҳорати. Филол. фан...фалсафа д-ри (PhD) дисс. автореф. – Қарши, 2018.–160 б.

92. Ачилов Н. Ал-Ҳаким ат–Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш технологияси. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Термиз, 2020.–146 б.

93. Ёқубов И. Отажон Ҳошимовнинг адабий–Танқидий фаолияти: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1993. –154 б.

94. Жабборова Д. Истиқлол даври ўзбек адабиётшунослигига Чўлпон ижоди талқинлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2018.–160 б.

95. Зиёдуллаева Н. Ўзбек адабиётшунослигига ижодкор биографиясини ўрганиш муаммолари (Абдулла Қаххор ҳаёти ва ижоди асосида): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. –164 б.

96. Каримов Б. XX аср ўзбек адабиётшунослигига талқин муаммоси (кодирийшунослик мисолида): Филол. фан. д-ри... дис. автореф. – Тошкент, 2002. –240 б.

97. Қодиров В.А. Умумтаълим мактабларида мумтоз адабиёт намуналарини ўқитишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. докт. (DSc)...дисс. –Наманган, 2019.–234 б.

98. Пушкарева Н. Л. У истоков женской автобиографии в России // Филологические науки. –2000. - № 3. –С.62-69.

99. Расулов А. Ҳозирги ўзбек танқидчилигига таҳлил ва талқин муаммоси (XX асрнинг 80–90-йиллари асосида): Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2002. –275 б.

100. Тўлаганова С.П.Ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммоси (Абдулла Қодирий ижоди мисолида) Филол. фан...фалсафа д-ри (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019.–158 б.

101. Тўлаганова С.П.Ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммоси (Абдулла Қодирий ижоди мисолида) Филол. фан...фалсафа д-ри (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019. –162 б.

102. Умрзоқов F. Ғози Юнуснинг ижодий йўли: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2000. –145 б.

103. Усарова Л.Абдулла Орипов асарларида миллий рух ифодаси. Филол. фан...фалсафа д-ри (PhD) дисс. автореф.–Т.: 2020. –157 б.

VII. Илмий тўплам, журнал ва газеталардаги мақолалар

104. Anvar Obidjon. Ajinasi bor yo'llar. –Toshkent: “Sharq yulduzi” jurnali, 2014. 1-2-sonlar.

105. Жабборов Н. “Ўткан кунлар”да миллий рух ифодаси. //Филология масалалари, 2020, 2-сон. –135 б.

106. Куронов Д. «Адабиёт надир» ёки Чўлпоннин мангув саволи. //Адабий-Танқидий мақолалар. –Т.: Zarqalam, 2006. –140 б.

107. Тошбоев О.Китобга сифмаган ҳақиқатлар. – “Тафаккур” журнали, 2020. 3-сон.

VIII. Интернет сайtlари

108. <http://213.230.96.51:8090/files/bsu/docs/jurnali/Pedagogik%20Mahorat%202019%20yil%204-son.pdf>

109. <http://adabiyot.islamonline.uz/adabiyotshunoslik/162-roman.html>.

110. http://library.navoiy-uni.uz/files/adabiyot_oqitish_metodikasi.pdf

111. <http://tmatm.uz/site/wp-content/uploads/2015/09/Pedagogik-faoliyatda-tizimli-ta-lilni-amalga-oshirish-metodlari.pdf>

112. <https://e-tarix.uz/maqolalar/486-cholpon-istiqlol.html>

113. <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/nazar-eshonqul-abdulla-oripov.html>

114. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-b/biografiya-uz/>

115. <https://w.histrf.ru/articles/article/show/avtobioghrifi>

116. <https://w.histrf.ru/articles/article/show/avtobioghrifiia>

117. <https://www.google.com/search?q=утмишдан+эртаклар+асари+haqij>

da

118. <https://xs.uz/uzkr/post/orkhun-enasoj-obidalari-haqida>
119. <https://ziyouz.uz/hikmatlar/aforizmlar/jahon-adiblari-adabiyot-haqida/>
120. Абдулла Қодирий ўзи, жигарбандлари ва замондошлари зикрида
ҳттп: //режа.тдпу.ўз/шахсий режа /виewc/артисле/филес/937/тил%20ва%2
адабиёт.
121. Битиг ва ёзма ёдгорликлар. <https://uzas.uz/articles/5101/>